




Р 496  
**ГУЛИСТОН**  
8  
1981

*Handwritten signature or text in cursive script.*


Эта  
№3





Урта Осиё Қишлоқ хўжалигини механизмлаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти пахтани ташиш ва юклаш-тушириш ишларини механизмлаш бўлими mudiri, ВАСХНИЛ мухбир-аъзosi, техника фанлари доктори Носир Рашидов (ўнгдан), институт катта илмий ходими, техника фанлари кандидати Саттор Алиқулов ва қишлоқ хўжалиги юкларини ортиш ва тушириш жараёнларини механизмлаш лабораторияси mudiri Леонид Курценко ўртоқлар автопоездлар самарадорлигини ошириш устида иш олиб бормоқдалар.

Пахта териш жараёнларини механизмлаш бўлими аспиранти Абдусаттор Дўстқулов, бўлим mudiri, техника фанлари доктори, профессор Д. М. Шпольянский, мазкур бўлим сектори бошлиғи, техника фанлари кандидати Саъдулла Усаров терим аппаратларини синаш стендини жиҳозлаш ҳақида ўзаро фикрлашмоқдалар. Н. ШАРИПОВ фотолари





Москва 1981 йил, 30 июнь. Катта Кремль саройида СССР Ёзувчилари VII съездининг очилиши.

А. КОНЬКОВ ва В. САВОСТЬЯНОВ фотоси

ГБ УССР  
Ж

# СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VII СЪЕЗДИ

СССР ёзувчиларининг шу йил 30 июнь — 4 июль кунлари Москвада, Катта Кремль саройида бўлиб ўтган VII съезди ижодкор зиёлиларнинг фаолиятига юксак баҳо берган КПСС XXVI съезди тарихий қарорларидан илҳомланган совет адаблари янги кишини камол топтириш, уни ахлоқий эътиқод, маънавий маданият руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшаётганликларини кўрсатди. Кўпмиллатли совет адабиёти вакиллари-нинг партиявий эътирос руҳи билан суғорилган китобларида замонамизнинг қаҳрамони — меҳнат аҳли, ижодчи ва бунёдкор, ҳозирги даврнинг энг илғор ғояларини ифода этувчи киши яққол намён бўлмоқда.

Съезд ўтган беш йилликда совет адабиёти хазинаси айниқса йирик насрий асарлар, поэмалар, драмалар, муҳим мавзуларда яратилган адабий тадқиқотлар билан бойиганлигини таъкидлади ҳамда ўн биринчи беш йилликда кўпмиллатли адабиётимиз олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Георгий Марков правление номидан «Совет адабиётининг коммунизм учун олиб бораётган кураши ва КПСС XXVI съезди қарорлари асосида унинг вазифалари» ҳақида қилган ҳисобот докладыда ўтган беш йилликда Бутуниттифоқ адабиёти эришган муваффақиятларни ёрқин ифодалаб берди:

КПСС XXVI съездида совет кишилари эришган ютуқларнинг улуғ яқунлари ва келгусидаги буюк вазифалар тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежнев докладыда айтилган илҳомбахш сўзлар бутун дунёга янраган тарихий воқеадан кейин тўрт ой вақт кечди. Партиямизнинг, унинг ленинча Марказий Комитети ва Сиёсий бюросининг жуда катта сиёсий тажрибаси, бутун коллектив донишмандлиги ўртоқ Л. И. Брежневнинг фаолиятида ғоят тўла-тўқис намён бўлаётганлиги ҳозир ҳаммамизга равшан. Ҳозир Леонид Ильич Брежневнинг номи барча қитъалардаги миллион-миллион кишилар ғоят чуқур миннатдорчилик

туйғуси билан тилга олмоқдалар. Жаҳон аҳли унинг овозига қулоқ солмоқда. Империализмнинг манфур кучлари инсониятни урушга гирифтор этишга уринаётган шароитда одамлар тинчликка бўлган умидларини партиямиз ва давлатимизнинг сиёсати билан, ёзувчиларга хос ростгўйлик билан айтганда, Леонид Ильич Брежневнинг номи билан боғламоқдалар.

Партия, унинг Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва шахсан Л. И. Брежнев мамлакатимизда адабиёт ва санъатнинг ривожини тўғрисида доимо чинакам оталарча ғамхўрлик қилиб келдилар ва ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу ғамхўрлик ва зўр ишонч совет ижодкор зиёлиларининг қалбида қизғин миннатдорчилик, партия ишига садоқат ва эътиқоднинг самимий туйғуларини жўш урдирмоқда.

Партия XXVI съездида ҳам совет жамияти ривожининг бошқа проблемалари қаторида адабиёт яна умумхалқ эътиборининг марказига қўйилганлиги, яна унинг теварагида илҳомбахш

ишонч, талаачан умид муҳити вужудга келтирилганлиги биз, совет адабларини қувонтирмай қола олмайд.

Ижод боғи ғоят мўл ҳосил бермоқда. Бу адабий боғда биздан аввал ҳам боғбонлар бўлган, улар ҳам нақадар беқиёс мева яратганлар. Совет адабиёти тарихини олиб кўрсак, горькийча кўламдаги — горькийона баҳодирларнинг қиёфалари кўз олдимизда намоён бўлади. Айни шу зотлар адабиётимиз майдонида социалистик кўпмиллатли маданиятнинг ўзига хос сермаҳсул анъаналарини қолдирдилар. Шу зотларга, коммунизм учун оташин курашчиларга, янги дунёнинг серилҳом бунёдкорларига, революцион адабиёт миришкорларига таъзим қиламиз! Халққа хизмат қилишнинг энг яхши сабоқларини берган, адабиётнинг ҳамма турларига ва жанрларига жуда катта таъсир ўтказган «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари учун Леонид Ильич Брежневга чин юракдан ташаккур билдирамиз!

Бугун биз ижодий жараённинг ривожини назардан ўтказар эканмиз, кўпмиллатли совет адабиёти — жўшқин фикрли, бизнинг дунёқарашимиздан ўзига руҳ олган, тарихий комил ишончимиздан илҳомланган, социал тузумимизга хос бўлган фикрли адабиёт, деб тўла асос билан айта оламиз.

Мана шу тарихий новаторлик, жаҳоншумул аҳамиятга ва моҳиятга молик ҳодиса — кўпмиллатли совет адабиёти бирлигининг мағзини қайта-қайта чақиб кўрмоқ керак. Аллақачонлар жаҳон бадий тараққиёти кенг майдонига чиқиб олган кўп асрли ёзма анъаналарга эга бўлган адабиётни ҳам, яқиндагина алифбо тузиб олиб, эндиликда мамлакатимизда шу қадар юксакликка кўтарилган халқлар адабиётини ҳам ўз ичига олган бундай хазинани дунёнинг қаеридан топиб бўларкин! Ҳозир етмиш етти тилда яратилаётган адабий асарлар улғу совет адабиётининг кўп овозли хориди жаранглаб янграмоқда.

Халқимизнинг бутун ҳаёти, бутун ҳозирги гўзал ва безовта, қувончли ва серташвиш дунё бизнинг ижодий эътиборимизнинг ва ижодий режаларимизнинг мавзудир. Аммо ҳамма режалар орасида энг биринчиси — партиямиз ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга ошириш учун курашдир.

Америка империализми, унинг ер курраси турли жойларидаги гумашталари холис ниятли кишиларнинг тинчликсеварлик умидларига ҳар

қачонидан ҳам суз нафрат оллаб қорас, кўрол-яроғларини пеш қилмоқдалар, уруш гулханларини ёқмоқдалар. Ядро фалокати хавфи дахшатли равишда яқин масофага келиб қолди. Мана шундай вазиятда ёзувчининг сўзи уруш оловини ёқувчиларни аниқ нишонга олиб, унга қақшатқич зарба бериши, одамларнинг виждонини туғён урдириши, уларни халқлар тинчлиги ва ҳамкорлиги душманларига зарба беришга даъват қилиши лозим.

Бугунги кунда бизнинг ишимиз ва унинг умумпартиявий, умумхалқ ишининг бир қисми сифатидаги аҳамияти мана шундай улғувор кўламларда намоён бўлмоқда. Биз, совет ёзувчилари санъаткорона тасаввур этиш кўламини амалий ишининг конкретлиги билан боғлай олиш маҳоратини жонажон Коммунистик партиядан ўрганмоқдамиз. Шу боисдан ҳам КПСС XXVI съездининг ҳужжатлари — ёзувчиларимиз съезди учун ишончли омилдир.

Босиб ўтилган йўлга назар ташлаганимизда, адабиёт ва санъатнинг реал ютуқлари устида фикр юритганимизда, улар умуман муттасил юксалиб борганлигини кўрсатиб киши. Бинобарин, партиянинг совет санъати ва адабиётида янги тўлқин мавж ураётганлиги тўғрисидаги хулосаси олий ҳакам — халқ томонидан эътироф этилгани ҳақиқатдир.

Биз талайгина ютуқларга эга бўлган ҳолда янги ўн йилликка қадам қўйдик. 70-йилларда кўпмиллатли совет адабиётида таланти ёзувчиларнинг бутун бир авлоди намоён бўлди. Уларнинг ижодий, ўзига хослиги етук социалистик жамият адабиётини бойитди.

Съезд минбаридан туриб атоқли санъаткорлар — совет адабиётини ветеранларига: М. Шолохов, Л. Леонов, М. Бажан, А. Сурков, М. Шагинян, В. Катаев, К. Крапива, Г. Мусрепов, С. Рустам, Б. Полевый, К. Яшин, С. Раҳимов, Ж. Икромий, А. Тўқумбоев, Е. Буков, М. Иброҳимов, И. Абашидзе, Э. Межелайтис, А. Лупан, П. Куусберг, Ю. Балтушис ва бошқа кўпгина санъаткорларга уларнинг бебаҳо ижод сабоқлари ва халққа садоқатли хизматлари учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Бизнинг бутун ишимиз китобхонларнинг совет адабиётига қизиқиши муттасил ортиб борганлиги вазиятида давом этди. Бу қизиқишни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди — чунки у ниҳоятда каттадир. Ёзувчи билан китобхоннинг баҳамжиҳат ҳаракати ижодий ҳаётимизнинг жуда муҳим омилдир. Халқнинг астойдил қизиқиши ёзувчининг меҳнатида унга мадад бўлади, илҳомлантиради, ўзининг ижодий ўй-фикрларини тўғри мушоҳада этишга ёрдам беради.

Совет адабиёти ва санъати идеологик муҳолифларимизнинг ҳужумлари тўхтовсиз давом этиб турган бир вазиятда иш кўрмоқда. Гарчи мана шу муҳолифларнинг тактикаси вақти-вақти билан ўзгариб турса-да, уларнинг стратегик мақсади доимий бўлиб, яъни совет адабиётининг обрўсига путур етказишдан, унинг бошқа мамлакатлардаги китобхонларга етиб боришини қийинлаштиришдан, унинг олжаноб инсонпарварлик мақсадларини бузиб кўрсатишдан иборат бўлиб қолмоқда. Совет адабиётига бўлган ашаддий ғанимлиқ машъум кўланкадек Ғарбнинг маънавий кризиси йўлдоши бўлиб қолди.

Халқаро характердаги кўпгина ноқулай омилларга, АҚШ билан муносабатлар кескинлашганлигига, уруш хавфи кучайганлигига қарамай, СССР Ёзувчилар союзи дунёдаги барча мамлакатларнинг ёзувчилари ва ёзувчилар ташкилотлари билан мунтазам алоқалар ўрнатиш йўлларини зўр бериб излашни давом эттирди.

Қардош социализм мамлакатларининг ёзувчилар союзлари билан ғоят мустақкам алоқалар ўрнатилган. Таржима ишини кенгайтиришга, мамлакатларимизнинг ҳаётига бағишланган ва биргаликда ёзилган китобларни яратишга кўп куч-ғайрат сарфланди. Авторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ агентлигининг фаолияти бунга талай даражада ёрдам берди.

Ёзувчиларни тинчлик учун, кескинлик юмшатишини сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш учун актив курашишга жалб этиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш социализм мамлакатлари ёзувчилар союзлари ишининг анчагина қисмини ташкил этди. Бу соҳада Болгария Ёзувчилар союзи айниқса зўр ғайрат билан ишлади, бу союз ўз мамлакатиде тараққийпарвар ёзувчиларнинг халқаро учрашувларини ўтказишда кўп ташаббускорлик ва сабот-матонат кўрсатиб, ана шу учрашувларни эзгу анъанага айлантди.

СССР Ёзувчилар союзи Африка ва Осиё ёзувчилар ҳаракатида фаол иштирок этди. Африка ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларга империализмининг даъволари кучайиб бораётганлиги муносабати билан бу ҳаракатнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шу вақт ичида Анголада икки қитъа

сўзлашувчилар ташкилати конференциясига ташкилди, бу конференция ёзувчилар ҳаракатининг империализмга, сионизмга ва ирқчилликка қарши характерини янги куч билан таъкидлади.

СССР Ёзувчилар союзи Афғонистон ёзувчилари билан қалин алоқалар ўрнатди, шу мамлакат ёзувчиларининг биринчи съездининг ўтказишда иштирок этди, Афғонистон Ёзувчилар союзининг ишини авж олдириб юборишда унга ёрдам берди.

Биз ўзларининг ғоявий позициялари жиҳатидан бизга яқин бўлган ёзувчилар билангина эмас, бошқа фикрлар ва тасаввурларга амал қилиб, бош вазифада — тинчликни ҳимоя қилишда, ҳозирги инсониятнинг бундан бошқа вазифаси йўқлигини ва шу боисдан тинчлик мустақкамланиши ва абадул-абад қарор топиши зарурлигини тушунишда биз билан бирдам бўлаётган адаблар билан ҳам адабиёт соҳасидаги мулоқотларни давом эттирмоқдамиз.

Совет адабиётига қарши тўхмат, бўҳтон, дўқпўписа, сафларимизни бўшаштиришга чираниш билан катта-катта кампанияларни ташкил этаётган мафкуравий душманларга келганда, шунини айтиш керакки, уларнинг иши муқаррар чиппақка чиқади. Совет ёзувчилари бундай уринишларга қатъий зарба бераверадилар.

Масалан, Москва ёзувчилар ташкилоти қандай сиёсий етуклик ва принципиаллик кўрсатганлиги маълум. Москва Ёзувчилар союзи чет элларда ўзларини «ношир» қилиб кўрсатган кимсаларни фош қилиб, қоралади. Ана шу «ношир»лар ўзларининг бир пулга қиммат бемаъни «асарлари»ни чоп этишган эди.

Музаффар Ленин ғояларига садоқат, барча миллатлар ва элатлар ёзувчиларининг жонажон Коммунистик партия теварағидаги жипслиги, ҳар бир адабнинг халқ ҳаёти билан чамбарчас алоқаси, ижодий ва ижтимоий активлиги ишимиздаги муваффақиятларнинг ҳаммиша ҳал қилувчи шарти бўлиб келди. Бу эса КПСС XXVI съезди янги тарихий вазифаларни белгиланган ҳозирги пайтда ҳам бизнинг олға томон ҳаракатимизда бош куч бўлиб қолмоқда.

1982 йилнинг апрелида партия Марказий Комитетининг адабий-бадий ташкилотни қайта қуриш ва совет ёзувчиларининг ягона союзини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кунга 50 йил тўлади. Ана шу йиллар мобайнида бу ташкилот катта йўлни босиб ўтди, чинакам маслакдошлар союзи бўлиб қолди.

Қаҳрамон совет халқи ўн биринчи беш йилликнинг улғувор программасини зўр ғайрат билан амалга ошираётган ҳозирги пайтда ҳам совет ёзувчилари, умуман Ёзувчилар союзи ўзларининг муқаддас бурчларини шубҳасиз адо этадилар, адаблар халқимиз курашаётган ҳамма жойда бўлиб, қувончларига ҳам, ғам-ташвишларига ҳам шерик бўладилар, илҳомбахш сўз билан кишиларни меҳнат ва жасоратга чорлайдилар, партия ва халқнинг юксак ишончини шараф билан оқлай берадилар.

Съезд номидан, барча совет ёзувчилари номидан КПССнинг ленинчи Марказий Комитетига ваъда берамизки, Советлар мамлакатининг адаблари жонажон партия байроғи остида яна ҳам маҳкамроқ жипслашадилар ва совет кишиси — коммунизм бунёдкори тўғрисида, қаҳрамонона давримиз тўғрисида янги ёрқин, чинакам партиявий, чинакам халқчил асарларни яратадилар.

Докладчи ҳисобот даврида адабиётнинг барча турлари ичида проза энг катта муваффақиятларга эришганлигини таъкидлади, халқ билан алоқа яна ҳам мустақкамланганлиги, ёзувчилар социалистик реализм замирида ётган кенг, чиндан ҳам ҳадсиз-ҳисобсиз имкониётлардан фойдаланган ҳолда янги бадий ечимлар сари дадилроқ, қатъийроқ интилганликлари, прозаиклар совет жамиятининг ва умуман асримизнинг ижтимоий ҳамда сиёсий проблемалари билан кўпроқ қизиқа бошлаганликлари прозани адабиётда етакчи ўринга олиб чиққанлигини ўқитиб ўтди. Устод ўз докладада роман ва повесть каби йирик жанрлар прозада эришилган энг асосий ютуқлар омили бўлганлиги, романдан тортиб қисқа очерк, публицистик мақолагача — ҳамма турдаги проза инсон ва жамият билан боғлиқ бўлган маънавий ва ахлоқий-этик проблемаларга катта эътибор бериб келаётганлигини мамнуният билан қайд этди.

Совет адабиётининг энг муҳим ютуқлари, фазилатлари ҳақида сўз борганда, Г. Марков Бутуниттифоқ адабиётининг ажралмас қисми бўлган ўзбек адабиётининг Комил Яшин, Ҳамид Ғулум, Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов каби намояндалари номларини тилга олиб, таъкидлаб ўтди. Бу эса ўзбек адабиёти Бутуниттифоқ даражасида тараққий этаётганини яна бир марта ёрқин намойиш этди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадий журнали

№3

№ 8 (378)

Август  
1981

Журнал 1925 йилдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

# ЖАҲОН ЁЗУВЧИЛАРИГА, МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИГА

Жаҳон халқлари таҳликада яшамоқдалар. «Ё ҳаёт, ё мамот» деган масала ҳозир даҳшатли конкрет масала бўлиб ва бутун инсониятга қаратилган савол бўлиб қолмоқда: одамлар бу дунёда яшаб қоладиларми ёки йўқми, эҳтимолки, бутун коинотда яққо ягона бўлган ғаройиб мўъжиза — инсоният цивилизацияси яшаб қоладими ёки йўқми!

Инсоният тош давридан ақл-заковатнинг ҳозирги ажабтовур ютуқларига, инсон руҳининг улғувор зафарларигача бўлган ҳаддан ташқари машаққатли улғу йўли, наҳотки, беҳуда босиб ўтган бўлса, шу йўлда мақсад воситага арзимаёди, деган хулосани, наҳотки, чиқармаган бўлса.

Наҳотки, одамлар XXI аср бўсағасида ўз тақдирини, ўз фарзандларини, ўз ўтмиши ва келажагини янги шуҳратпараст жиноятчилар қўлига топшира-миз дебгина, ҳаёт маъносини излаш, адолат, эзгулик, ҳақиқат излаш йўлида меҳнат қилган, азоб чеккан ва қувонган бўлсалар, наҳотки, шу йўлда жонларини фидо қилган бўлсалар!

Бу дабдабали савол эмас. Ҳозир дунёнинг барча софдил олимлари термоядро урушининг ер юзидаги ҳаёт учун фалокатли оқибатлари тўғрисида огоҳлантирмоқдалар. Халқларнинг онгига «чекланган» ядро уруши мумкинлиги ва ҳатто бу урушда «ғалаба қозониш» мумкинлиги тўғрисидаги фикрни сингдиришга уринаётган кимсалар эса ёлгон гапирмоқдалар, ҳаёсизлик билан ёлгон гапирмоқдалар!

Оммавий қирғин воситаларига ҳаддан ташқари тўлиб-тошиб кетган дунёдаги вазият кескинлашиб бормоқда. Бу вазиятни инсониятнинг социал тараққиётини тўхтатиб қўйиш, уни тескари буриб юбориш истагида бўлган империалистик реакция ва агрессия кучлари кескинлаштириб, кучайтирмоқдалар.

Тинчликни ҳимоя қилиш учун, янги уруш хавфига қарши курашаётган тинчликсевар давлатлар ва халқларнинг, жамоат кучлари ва ҳаракатларининг актив фаолияти эндиликда жуда бевосита аҳамият касб этди. Бу ўринда ёзувчининг, маданият арбобининг овози ҳеч қачон бунчалик муҳим бўлмаган эди.

Авлодларнинг миннатдор хотирасида қолишни орзу қилмаган санъаткор ер юзида топилмайди. Мана шу замон синови: «Сен истиқбол учун шахсан ўзинг бугун нима иш қилдинг!» деган саволни ҳам албатта ўз ичига олади.

Санъаткорнинг қўлида қалам, мўйқалам, кескидан ташқари, сўз, овоз, тош воситасида ҳаётни тараннум этиш маҳоратидан ташқари, яна бир қудратли қурол бор, бу қуролдан у «охир замон»ни келтирувчи ядро уруши хавфига қарши курашда фойдаланиши мумкин ва лозим, бу қурол унинг ўз обрўли номидир, унинг ҳаёт принципи, унинг ўз ижтимоий позициясидир.

Совет ёзувчилари жаҳон ёзувчиларига ва маданият арбобларига даъват билан мурожаат этадилар. Одамларнинг тинчликка таҳлика солаётган хавф-хатардан кўз юмишларига йўл қўймаганлар! Қуролланиш пойгасининг тўхтатилишига эришинлар. Ҳозир инсониятни жаҳаннамга судраётган кимсаларни шармандаю шармисор қилинлар! Ўз халқларингизга ва ҳукуматларингизга ҳақ гапни айтинлар!

Биз, совет ёзувчилари, Леонид Ильич Брежневнинг СССР Олий Совети сессиясидаги совет халқининг фикр-ўйлари ва орзу-умидларини, унинг урушларсиз ҳаётга, тинчликка ва халқаро ҳамкорликка доимий интилишини ифода-далаб берган нутқини қўллаб-қувватлаймиз.

СССР Олий Советининг «Жаҳон парламентларига ва халқларига» Мурожаатномасини бутун ер юзидаги холис няяти кишилар бажонидил қабул қилишларига аминимиз: «Тинчлик — инсониятнинг муштарак мулкидир. Бизнинг замонамизда эса ҳаёт кечирининг энг биринчи шартидир. Биргаликда куч-ғайрат сарфлаш билан тинчликни сақлаб қолиш ва мустақамлаш мумкин ва лозим». «Мавжуд имкониятлардан биронтаси бой берилмаслиги керак. Вақт ганимат!»

Совет ёзувчилари планетамиз ёзувчиларига, маданият арбобларига мурожаат қилиб, маслакларидан қатъи назар инсониятни ядро урушидан, ўзини-ўзи қириб ташлашдан асраш учун, тинчликни қарор топтириш учун, халқлар ўртасида иноқлик ва ҳамкорликнинг тантана қилиши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга чақирадилар.

Вақт ганимат!

СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VII СЪЕЗДИ

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЎРТОҚ ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВГА

Совет ёзувчиларининг еттинчи съезди Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, замонамизнинг буюк сиёсий ва жамоат арбоби ўртоқ Леонид Ильич Брежневга қизгин, самимий салом йўллайди!

Биз, кўпмиллатли совет адабиётининг вакиллари бадий маданиятимиз ривожига доимо эътибор бериб, ғамхўрлик қилиб келаётганлиги учун, совет жамияти маънавий оламини бойтаётган барча талантларни қўллаб-қувватлаб келаётгани учун жонажон партияга миннатдорлик сўзлари билан мурожаат қиламиз.

Бизнинг съездимиз партиянинг принципиал кўрсатмалари асосида, ёзувчиларнинг бузилмас бирлиги ва жанговар жипслиги руҳида ўтди. КПСС XXVI съездида қабул қилинган коммунистик қурилишнинг улғувор программасида идеология ва маданият, адабиёт ва санъатнинг ролига ҳам катта эътибор берилган. Сизнинг, азиз Леонид Ильич, совет адабиётига берган юксак баҳонингиз бизнинг қалбимизда ҳаяжон ва фахр туйғуларини уйғотди.

Олдимизда ҳали жуда улкан вазифалар турганини, партиявий талабчанлик руҳи, ўз-ўзини танқид, ҳали ҳал қилилмаган ғоявий-бадий масалалар ҳақида теран фикрлаш социалистик реализм адабиёти учун янги муваффақиятлар олиб келиши мумкинлигини биз яхши биламиз.

Сизнинг, азиз Леонид Ильич, «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китобларининг юзага келиши ва улар ҳақли равишда Ленин мукофоти билан тақдирланиши совет жамияти ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу китоблар халқ ҳаётига чуқур партиявий нуқтаи назардан ёндашиш, совет кишиларининг кундалик ишлари мисолида уларнинг тарихий моҳиятини акс эттиришга эришишда биз, ёзувчилар учун ҳам ибратлидир.

Совет ёзувчилари ўзларининг бутун истеъдодини замонамиз қаҳрамонлари — коммунизм бунёдкорларининг маънавий ва ахлоқий дунёсини чуқур ҳамда кенг акс эттиришга қаратадилар. Бизнинг зиммамизга социалистик жамият барпо этишнинг улғу тажрибасини ўз асарларимиз саҳифаларида муҳрлаш, Ватан истиқболи учун меҳнат қилишни виждон ва номуслиқ деб биладиган ватанпарвар ҳамда интернационалист бўлган янги инсонни тар-

биялашдек ғоят шарафли тарихий вазифа юкланган. Бизнинг зиммамизга олға силжишимиз учун халақит берадиган барча эскиликларга қарши курашиш жараёнида буюк коммунистик қурилиш тажрибаси вужудга келтирадиган янги проблемаларни, характерлар ва конфликтларни бадий таҳлил қилиш вазифаси юкланган. Биз ўзимизнинг граждонлик бурчимизни, жамият олдидаги масъулиятимизни буржуа идеологиясининг барча кўренишларига, ғоясизликка, манфаатпарастлик психологиясига нисбатан муросасиз бўлишда кўрамыз.

Ер қурраси узра инсоният бошига хавф-хатар солувчи қора булутлар пайдо бўлаётган шу кунларда Сизнинг, азиз Леонид Ильич, «тинимсиз қуролланиш ва ҳарбий авантюралар ишқибозларининг йўлини тўсиш учун ҳозир, шу бугуноқ ҳамма ишни қилиш керак» деган сўзларингиз янграши айни муддао бўлди. Биз СССР Олий Советининг «Жаҳон парламентлари ва халқларига Мурожаати»ни қизгин маъқуллаймиз ва барча тараққийпарвар сўз санъаткорларини ер юзида тинчликни хавф остида қолдираётган империалистик ва гегемончи кучларга қарши овозларини баралла кўтаришга даъват этамиз.

Ленинча партиявий принципга содиқ совет ёзувчилари ҳамиша халқ манфаатлари йўлида яшашига, коммунистик идеалларни барқарор қилишга интилиб келдилар. Партиянинг йўл-йўриғи, унинг халқ бахт-саодати йўлидаги бетимсол хизматлари ёзувчиларни бизнинг қаҳрамонона ва мураккаб замонамизга муносиб янги кенг кўламли асарлар, совет кишиларига яшашда, меҳнатда, қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам берадиган асарлар яратишга илҳомлантиради. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, шахсан Сизни, қадрли Леонид Ильич, ишонтириб айтамызки, биз ўзимизнинг бутун куч-қувватимизни, бутун маҳоратимизни партия ва халқ иши учун, КПСС XXVI съездининг тарихий кўрсатмаларини муваффақиятли бажариш учун бағишлаймиз!

Яшасин бизнинг қудратли социалистик Ватанимиз!

Яшасин улғу Ленин партияси!

Яшасин коммунизм!

СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VII СЪЕЗДИ

# ТЕХНИКА— ТАЯНЧИМИЗ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри  
Абдукарим Уркинбоев билан суҳбат

## ДИЛ ТЎЛА СЕВГИМИЗ СЕНГА, ПАРТИЯМ!

Бугун Кремлда улуг қурултой,  
Юлдузлар туғилур ҳаётимизга.  
Лениннинг ғояси дилдан олган жой,  
Кирамиз шон билан Коммунизмга.

Яратдик қудратли бир ҳамла билан —  
Мамлакат, кўрингиз, бўйи — эни йўқ.  
Индустрия гигант, саноят ўсган,  
Заводлар, фабриклар... Барча кўнгил тўқ.

Курашлар, тўлқинлар, буюк ҳамлалар,  
Тер ва куч, ақлимиз ҳар ишга қодир.  
Ишчи синф яратди янги зафарлар,  
Офарин, кўп яша, синф баҳодир.

Кўмир конларида иш — меҳнат қайноқ,  
Маъдан ер қазирдан чиқар юзага.  
Дарё-дарё нефтлар оқар шарқироқ,  
Табиат бўйсунган, чўккан тиззага.

Электр оқади, электр дарё,  
Чақнаган чироқлар ҳар ёқда юлдуз.  
Атомнинг тилсимин емирдик — зиё!  
Конлару шахталар чароғон — кундуз!

Илмнинг чўққиси самога борар,  
Ойга, юлдузгадир олган йўлимиз.  
Фикримиз чақмоқдай олмосни ёрар,  
Бахтимиз қуёшдай, гулдир қўлимиз.

Еримиз бебаҳо, бой ва унумдор,  
Буғдойларки бизда — далалар олтин.  
Уфқдан уфққа кетган экинзор,  
Меҳнатда эркинмиз, бахтимиз бутун.

Қадлари самога кетган жўхори  
Қуёшнинг нурини зарралаб терган.  
Доналар дурдандир, япроқлар шойи,  
Инсоннинг муҳаббат — меҳрини эмган.

Далада юрасан, машина чарчар,  
Уфқдан уфққа ёйилган пахта.  
Эпирай, ҳайронман, меҳнат тўккан зар,  
Чақнайди оқ момик, зап асл пахта.

Қизлару йигитлар чаққон, бетиним,  
Теримчи машина тинмайди бир он.  
— Пахтагиз мунча кўп, қўли гул иним!  
Ваъдангиз жойида, бўлингиз омон!

Сулувдир, кўп сулув, о, Ўзбекистон!  
Қуёш мўл, манзара ёнар лола ранг.  
Асалдан мевалар тўкин боғистон,  
Шаҳарлар, қишлоқлар атлас — ранг-баранг.

Меҳнат ҳам завқ берур бизга нақ қўшиқ,  
Коммунизм куйи янграр ҳар дилда,  
Йўлларда гул тўла, кўнгиллар тўлиқ,  
Достони куйланур ишқ-ла ҳар тилда.

Партиям, дил тўла сенга севгимиз.  
Ешиб ташладинг кўп мушкул ва чигил.  
Софдиллик, одиллик — эзгу бурчимиз,  
Улуғ дostonингдан будир бир шингил.

Юксалур осмонга метин қоядай,  
Қудрати булоқдай азим партиям.  
Меҳрга лиммо-лим ғамхўр онадай,  
Одилу ҳақиқат — йўлинг, партиям!  
1961 йил

**М у х б и р:** — Ҳурматли Абдукарим Абдуқоди-  
рович! Маълумки, ўтган йили — ўнинчи беш йил-  
ликнинг сўнги йилида республикамиз пахтакор-  
лари мисли кўрилмаган ғалабага эришдилар. Мўл  
ҳосилни барвақт йиғиштириб олишда айниқса ме-  
ханизаторларнинг улуши катта бўлди. 1980 йили  
машина теримида эришилган ютуқларнинг моҳи-  
ятини қисқагина шарҳлаб берсангиз.

**М и н и с т р:** — Республикамиз деҳқонларнинг  
«оқ олтин» хирмони 1980 йили 6 миллион 237  
минг тоннани ташкил этди. Ялли ҳосилнинг қар-  
рийб 4 миллион тоннаси машиналарда йиғишти-  
риб олинди. Ҳар бир терим машинасининг мав-  
сумий нормаси 1975 йилдаги 85 тонна ўрнига 116  
тоннани ташкил этди. Бу улкан ютуқлар пахта-  
корларимизнинг ғайрат-шижоати, партияимизнинг  
қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини индустри-  
лаштиришга қаратилган аграр сиёсати, қишлоқ хўжа-  
лиги идораларининг ишчанлиги, пахтачилик билан  
бевосита боғлиқ бўлган корхоналар, илмий-тех-  
ника муассасалари коллективларининг ижодий  
ҳамкорлиги тугайли қўлга киритилди. Пахта йи-  
ғим-теримини ташкил этишда зўр уюшқоқлик кўр-  
сатган қатор областларимиз айниқса яхши нати-  
жаларга эришдилар. Масалан, Тошкент области-  
да ялли ҳосилнинг 86 проценти, Жиззах области-  
да 82 проценти, Сирдарё областида 79 процен-  
ти машиналарда терилди. Ғалаба, Дўстлик, Урта  
Чирчиқ, Оққўрғон, Мирзачўл каби районларда  
эса пахта ҳосилнинг 90—95 проценти «зангори  
кема»ларнинг бункеридан тўкилди. 20 та район  
ва 178 та хўжаликда машина теримининг салмо-  
ғи 80 процентдан ошди. Йиғим-теримда машина-  
ларнинг кенг қўлланиши натижасида республика-  
миз бўйича бир кунлик топширилган пахта миқ-  
дори 200 минг тоннадан ошди, яъни йиллик пла-  
нга нисбатан 3 процентдан ортиқроқ бўлди. Бу  
қувончли зафарлар, шубҳасиз, ўнинчи беш йил-  
лик давомида колхозлар ва совхозлар моддий  
техника-базасининг мустаҳкамланиши натижаси-  
дир. Ҳозир хўжаликларимиз ихтиёрида 30 минг-  
тадан ортиқ терим агрегати, 8 ярим мингта кўрак  
йиғиштирадиган машина, 76 мингта трактор при-  
цепи мавжуд. Янги беш йилликда эса хўжаликлар-  
римизнинг техника қуввати яна ҳам ортади.

**М у х б и р:** — Таъкидлаганингиздек, пахта те-  
римини машиналаштиришда Тошкент области  
деҳқонларининг сўнги йиллардаги ишлари фой-  
ибратлидир. Кўпчиликнинг эътиборини тоғтаётган  
тошкентликлар тажрибаси ҳақида сўзлаб берсан-  
гиз?

**М и н и с т р:** — Бажонидил! КПСС Марказий  
Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат,  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг  
биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов пойтахт  
область хўжаликларига кенг қўлланилаётган ил-  
ғор механизмлашган технологияни образли қи-  
либ: «Пахта етиштиришда Тошкент индустриал те-  
хнологияси» деб атади. Бу технологиянинг моҳия-  
ти нималардан иборат? Бунинг илмий-техника та-  
раққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга изчиллик  
билан жорий этиш, пахта етиштиришга алоқадор  
барча ишларни ўз вақтида сифатли бажариш,  
ишлаб чиқариш жараёнларини машиналаштириш,  
меҳнатни ва моддий харажатни камайтириш йў-  
ли билан иш унумдорлигини ва ишлаб чиқариш  
рентабеллигини ошириш билан изоҳлаш мумкин.  
Бу комплекс тадбирларни амалга оширишда об-  
ласть партия комитети чинакам фаоллик ва иш-  
чанлик кўрсатмоқда. Мана бир неча йилдирки,  
область партия комитети қошида Пахтакорлар  
Совети тузилган. Советга Янгийўл районидagi  
«Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик  
Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ М. Исमतов бошчилик  
қилмоқда. Пахтакорлар Совети илмий тавсиялар-  
ни ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнатни ил-  
мий асосда уюштириш, хўжаликларда агротехни-  
ка қондаларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш  
жараёнларини механизмлаштириш тадбирлари-  
нинг амалга оширилиши, техника қувватидан тў-  
лароқ фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муҳим  
масалалар билан шуғулланади. Унинг аъзолари

бўлган етук мутахассислар ва олимлар хўжалик-  
ларнинг далаларида, техника паркларига тез-тез  
бўлиб, аниқланган камчиликларни йўл-йўлакай  
бартараф этиш тадбирларини кўрадилар. Ерни  
чигит экишга тайёрлашдан тортиб пахта йиғим-  
теримини ўтказишгача бўлган барча тадбирлар  
уларнинг назоратида, эътиборида бўлади.

Область хўжаликларини ишлаб чиқариш жараён-  
ларини, хусусан, ҳосилни йиғиштириб олишни  
юксак даражада механизмлаш туфайли пахта те-  
римини октябрь ойи охиригача, яъни ёгин-сочин  
бошланишига қадар тугаллашга эришмоқдалар.  
Бу эса сифатли хом ашё олиш ва келгуси ҳосил  
учун кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўт-  
казиш имконини бераётир.

Пойтахт области пахтакорлари сўнги беш йил-  
ликда илғор индустриал технологиядан кенг фой-  
даланиш натижасида ҳар гектар пахта майдонига  
сарфланадиган харажатни республика бўйича  
кетган ўртача харажатга қараганда 18 процент, 1  
тонна пахта етиштириш учун кетган харажатни  
эса 29 процент камайтиришга муваффақ бўлди-  
лар. Пахтачиликда меҳнат унумдорлиги 38,3 про-  
цент ошди, маҳсулот таннархи эса 20 процентга  
пасайди. Умуман, областда пахтачиликни ме-  
ханизмлаш даражаси 6 процент ва машина терими  
салмоғи 22 процент ортди. Тошкентлик пахта-  
корлар область партия комитети раҳбарлигида  
фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга  
кенг жорий этган ҳолда пахта етиштириш техно-  
логиясини шу тариқа йилдан-йилга такомиллаш-  
тирмоқдалар.

Йиғим-теримни механизмлаш тажрибасини рес-  
публикамизнинг бошқа областларига кенг ёйиш,  
уни ҳар бир колхоз ва совхоз деҳқонларининг  
амалиётида кенг қўллашимиз лозим. Тошкент  
технологиясини оммавий тарғибот воситалари  
бўлган газета ва журналлар, телевидение ва ра-  
дио орқали кенг ёритиш мақсадга мувофиқдир.

**М у х б и р:** — Республикамизнинг барча ме-  
хнаткашлари қатори пахтакорларимиз ҳам жона-  
жон партияимизнинг XXVI съезди қарорларини  
амалга ошириш учун астойдил курашмоқдалар.  
Уларнинг бу йилги марраси — 5 миллион 900  
минг тонна! Деҳқон ғалвирни сувдан кўтарди-  
ган пайт — олтин кузнинг бошланишига ҳам са-  
ноқли кунлар қолди. Пахтакорларимиз, меҳани-  
заторларимиз йиғим-теримга қандай тайёргар-  
лик кўрдилар?

**М и н и с т р:** — 1981 йил — съездлар йилида  
республикамиз деҳқонлари ўз зиммаларига ол-  
ган юксак мажбуриятни қоплайдиган миқдорда  
мўл ҳосил олиш учун замин яратдилар. Бунга  
осонликча эришилмади. Баҳор жуда серёгин  
келди, то июнь ойининг ўрталаригача ҳарорат  
паст бўлди, вақти-вақти билан жала ва дўл ёғиб,  
пахтакорларимиз учун кўп қийинчиликлар ту-  
дирди. Матонатли деҳқонларимиз бу қийинчи-  
ликларни мардонавор енгдилар. Техника кучи-  
дан унумли фойдаланган, фан ютуқлари ва ил-  
ғор тажрибага суяниб иш тутган, табиий офат-  
ларга қарши қаҳрамонона курашган пахтакорлар-  
имиз барча майдонларда бўлиқ ҳосил тўпла-  
дилар. Улар машина теримига тайёргарликни  
ерни экишга тайёрлашдан бошладилар. Ёўза  
парвариши ҳам машинабоп қилиб ўтказилди.  
Мўл ҳосилни йиғиштириб олиш учун зарур бўл-  
ган ўз вақтида киришилди, ёўза баргини тўкти-  
риш учун ишлатиладиган дефолиантлар етарли  
миқдорда жамғарилди. Пахта йиғим-теримида  
тайёргарлик кўришда айниқса Ғалаба, Комму-  
нист, Балиқчи, Оқдарё, Дўстлик, Сирдарё, Хон-  
қа районларининг пахтакорлари зўр уюшқоқлик  
кўрсатдилар. Тошкент, Бухоро, Сурхондарё об-  
ластларининг кўпгина районлари ва хўжаликлари-  
да техника ремонтни юксак даражада ўтди.

Терим агрегатларидан унумли фойдаланиш  
ва уларнинг икки сменада ишлашини таъминлаш  
мақсадида механик-ҳайдовчиларнинг янги от-  
рядларини тайёрлашга алоҳида эътибор берил-  
ди. Қишлоқ хўжалик техникаси давлат комитети

ўқув комбинатларида ва хўжаликларнинг ўзларида ташкил этилган курсларда янгидан 25 минг механик-ҳайдовчи тайёрланди. Бу йил ҳам ўтган йиллардагидек, йиғим-теримда ва ҳосилни ташвишда техника воситаларидан ипатовчилар методи асосида фойдаланилади. Бунинг учун уч мингдан ортиқ йиғим-транспорт отрядлари ташкил этилди ва уларнинг ҳар бири учун теримни ўтказиш план-графиклари тузиб чиқилди.

Мамлакатимизни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида республикамизнинг ўн биринчи беш йилликда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажмини 17—19 процентга ошириш, ҳар йили ўрта ҳисобда 5,9 миллион тонна пахта етиштириш кўзда тутилган. Пахтакорларимизнинг бу йилги мажбурияти — 5 миллион 900 минг тонна! Бу Асосий йўналишларда таъкидланган контроль рақам демакдир. Республикада йиллик пахта етиштириш бундан кам бўлмаслиги лозим. Ишончимиз комилки, замонавий техника билан қуролланган ва бой тажрибага эга бўлган деҳқонларимиз 1981 йилда ҳам ўз сўзларининг устидан чиқадилар.

**Мухбир:** — Бу йил машина теримининг салмоғи қандай бўлади?

**Министр:** — Шубҳа йўқ, бу йил ҳам машиналар кучи пахта йиғим-теримида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалик илғорларининг республика қурултойида 1981 йилги мавсумда машиналар билан 3 миллион 900 минг тонна пахта териб олиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилинган эди. Бу тайёрланадиган пахтанинг учдан икки қисми демакдир. Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларининг пахтакорлари етиштирилган ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғини машиналарда йиғиштириш тадбирларини кўрмоқдалар. Бу йил республикамиз пахта далаларида 35 мингдан ортиқроқ терим машиналари, 80 минг прицеп ишлатилади. Бундан ташқари, йиғим-транспорт отрядлари составида 100 мингдан ортиқ турли хил йиғим ва транспорт механизмлари, юк ортадиган машиналар, техник хизмат кўрсатиш воситалари бўлади. Фақат терим машиналарининг ўзида камида 70 минг механик-ҳайдовчи ишлайди.

Ҳосил ўтган йилга қараганда сустроқ етилиб, кечроқ пишгани учун терим машиналаридан фойдаланадиган қулай муддатлар — очиқ кунлар ҳар йилгидан камроқ бўлади. Шунинг учун ҳам биз йиғим-теримни яхши уюштириш, терим агрегатларидан ниҳоятда унумли фойдаланиш тадбирларини кўраёلمиз. Тўрт қаторли машинада кунига 7—8 тонна, икки қаторли агрегатда эса 5—6 тонна пахта терилишини таъминлашга ҳаракат қиламиз. Машиналар шундай унумда ишлаганда ҳар кун камида 150—160 минг тонна пахта тайёрлашга эришамиз.

**Мухбир:** — Конструктор-инженерларимиз томонидан ингичка толали пахта терадиган машиналар яратилганига икки-уч йил бўлиб қолди. Умуман, ипак пахтани машинада териш истиқбол қандай?

**Министр:** — Ингичка толали пахта санотимиз учун қимматли хомашё. Буни ҳамма билади. Мамлакатимизни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида ипак пахта етиштиришни йилига 400—420 минг тоннага етказиш таъкидланган. Бунинг учун жанубий районларимизнинг тупроқ-иқлим шароити жуда қулай. Пахтакорларимиз ўтган йили 335 тонна ипак пахта тайёрладилар. Яъни, ўнинчи беш йилликда бу хил нав пахта етиштириш бир ярим марта кўпайди.

Кейинги вақтларгача ингичка толали пахта фақат қўлда териларди. Ишчи-деҳқон иттифоқиға содиқ бўлган конструктор-инженерларимиз пахтакорлар меҳнатини янада енгиллаштириш мақсадида ингичка толали пахта терадиган «ХВН—1,2А» ва «ХВН—1,8» маркали машиналарни яратдилар. 1980 йилда ингичка толали пахтани машинада теришда яхши натижаларга эришилди. Ипак пахта ялпи ҳосилнинг 52,8 проценти машиналарда йиғиштириб олинди.

Лекин шунинг эътирофи этишимиз керакки, унинг асосий қисми ўрта толали пахтани теришга мўлжалланган машиналарда терилди. Оқибатда пахта ифлосланиб, уни тозалайдиган заводлар учун анча қийинчиликлар туғдирди. Конструктор-инженерларимиз ингичка толали пахтани теришга мўлжалланган «ХВН—1,2А», «ХВН—1,8» машиналарини такомиллаштиришни

тезроқ ниҳоясига етказсалар ва уни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйсалар айти мурддо бўларди. Янги беш йиллик охирига бориб янги, мукаммал машиналар ёрдамида ингичка толали пахтанинг 70 процентини машиналарда йиғиштириш режаларини тузиб чиққанмиз.

**Мухбир:** — Кейинги вақтда уруғлик пахта ҳам қисман машинада терилмоқда. Бунга қандай қарайсиз? Умуман, республикамизда уруғлик пахтани машинада териш истиқбол қандай?

**Министр:** — Маълумки, уруғлик пахтани териш — жуда маъсуляти жараён. Чунки бўлғуси ҳосил тақдир, биринчи навбатда, уруғлик чигитнинг сифатиға боғлиқ. Уруғ етилган ва сермағиз бўлиши лозим. У одатда ёғизнинг пастки новдаларидаги салмоқли кўсақлар ҳосилдан олинади. Терим пайтида чигит деярли шикастланмаслиги лозим. Одатдаги терим машиналари бу талабларга жавоб беролмайди. Республика-миз бўйича ҳар йили 400—450 минг тонна уруғлик пахта терилади. Шунинг учун ҳам олимлар ва конструкторларимиз олдиға уруғлик пахтани терадиган машина яратиш вазифаси қўйилган. Бу вазифанинг дастлабки натижаси сифатида ёғиз тупларидаги пахтани хиллаб терадиган «ХВА—1,2А», «ХВА—1,8» машиналари яратилди ва улардан фойдаланилмоқда. Ўтган йили шундай машиналарда 25 минг тоннага яқин пахта терилди. Лекин бу миқдор бизни мутлақо қаноатлантирмайди. Пахтакорларимиз, механизаторларимиз ва тайёрлов ташкилотлари ходимлари уруғлик экин майдонини машинабоп қилиб тайёрласалар, теримни ҳамда ҳосилни қабул қилиш ва уни қайта ишлаш жараёнлари технологиясини такомиллаштиришни тезроқ ниҳоясига етказсалар, нур устиға нур бўлар эди.

Шу йилнинг бошида уруғ етиштиришни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Пахта навлари уруғчилиги агросаноат бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашмага уруғлик етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган 100 та колхоз ва совхоз, 12 та тозалаш заводи уюшди. Ўйлаймизки, энди навли ва сифатли уруғ етиштириш ишлари кенг ривож топади.

**Мухбир:** — Механизаторларимиз, умуман, пахтакорларимиз терим машиналари конструкторларига қандай истаклар билдирмоқдалар?

**Министр:** — Образли қилиб айтганда, деҳқон даласи фан ва техника янгилликлари синаладиган ўзига хос ишлаб чиқариш лабораториясидир. Унда янги механизмларнинг афзалликлари ҳам, камчиликлари ҳам яққол кўзға ташланади.

Ўтган йилнинг декабрь ойида министрлигимизда давра суҳбати уюштирилиб, унда деҳқонларнинг талаб ва истаклари ошқора айтилди. Суҳбатда илғор механик-ҳайдовчилар, йирик пахтакор хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, қишлоқ хўжалик идораларининг ходимлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва конструкторлик саноти ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Давра суҳбатида пахта териш машиналаридан фойдаланиш соҳасида ортирилган тажрибалар атрофлича таҳлил қилинди, терим агрегатларини янада такомиллаштириш юзасидан кенг фикр алмашинди ва таклифлар ўртага ташланди. Суҳбат иштирокчилари терим машиналарини такомиллаштириш асосида уларнинг агротехник кўрсаткичларини ошириш ҳисобига пахта теримини механизмлаш даражасини 85—90 процентга етказиш мумкин, деган яқдил фикрга келдилар.


Ҳозир ишлаб чиқаришда беш хил марказдаги терим машиналари қўлланилмоқда. Мавжуд машиналар агротехника талабларига тўла жавоб беролмайди. Масалан, машиналар очилган пахтани бир юришда тўла ололмайди, ҳосилнинг бир қисми, шунингдек, пишмаган кўсақларнинг баъзилари эгатларга тўкилиб, нобуд бўлади. Механик-ҳайдовчи учун шовқинсиз махсус кабина ўрнатилмаган.

Махсус давлат конструкторлик бюроси ходимлари Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалигини механизмлаш ва электрлаштириш институти олимлари билан ҳамкорликда мукаммал универсал терим машинаси яратиш устида олиб бораётган ишларни тезроқ тугаллаб, уни ишлаб чиқаришни жаддалаштирсалар, пахтакорларимизнинг меҳнати яна ҳам енгиллашган бўларди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, ўн биринчи беш йиллик пахтачиликни, айниқса, унинг энг сермеҳнат жараёни — йиғим-теримни машиналаштиришда муҳим босқич бўлади. Яқин ўн йил ичида бу оғир жараён тўла механизмлашади, қўл меҳнатига эса барҳам берилади. Демак, партияимизнинг XXVI съезди қарорларида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнатларини енгиллаштириш учун кенг имкониятлар яратилади.

Суҳбатни Шомурод СИДДИҚОВ ёзиб олган.

Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалигини механизмлаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти олимлари ва инженер-конструкторлари томонидан яратилган автоприцеп.



# АДАБИЁТНИНГ ҚАЛБИ

Умарали НОРМАТОВ

филология фанлари доктори,  
профессор

Совет жамиятининг маънавий ҳаёти тобора хилма-хил ва бой бўлиб бораётган экан, бу маданиятимиз арбобларининг, адабиёт ва санъатимизнинг шак-шубҳасиз хизматидир.

Л. И. БРЕЖНЕВ

**С**АНЪАТ ва адабиётнинг халқчиллиги проблемаси ҳамisha илғор эстетик тафаккурнинг марказида турган, хусусан, рус революцион демократ танқидчилари томонидан атрофлича ишлаб чиқилган. Марксча-ленинча эстетикада эса у илмий жиҳатдан янада ривожлантирилди. Социализм, илмий коммунизм ғоялари билан бойитилди. В. И. Лениннинг: «Санъат — халқники. Санъат кенг меҳнаткашлар оммаси ичида чуқур идиз отиши керак. Санъат шу оммага тушунарли бўлиши ва шу омма томонидан севилиши лозим. У шу омманинг туйғусини, фикрини ва иродасини бирлаштириши, оммани кўтариши керак», деган сўзлари социалистик реализм адабиёти ва санъати учун дастуриламал ҳисобланади. Бинобарин, В. И. Лениннинг машҳур «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласида адабиётнинг халқчиллиги ва партиявийлиги масаласи назарий жиҳатдан чуқур асослаб берилган, мамлакатнинг гули бўлган, мамлакат куч-қуввати ва истиқболининг эгаси бўлган миллионлаб меҳнаткашларга хизмат этиш, социализм ғояси ва меҳнаткашларга хайрихоҳлик, ўтмиш

тажрибаси билан ҳозирги замон тажрибасини бир-бирига боғлаш — булар халқчиллик ва партиявийликнинг негизи сифатида қайд этилган эди.

КПСС XXVI съездида адабиёт ва санъатнинг халқчиллиги ҳамда партиявийлиги тўғрисидаги ленинча қоида чуқурлаштирилди, ривожланган социализм даври табиатидан, янги босқичда адабиёт ва санъат олдига қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда бу муҳим масаланинг янги қирралари очиб берилди. «Халқ манфаатлари билан яшаш, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида Ҳисобот докладыда, — унинг қувончи ва қайғусига шерик бўлиш, ҳаёт ҳақиқатини, инсонпарвар идеалларимизни қарор топтириш, коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиси бўлиш — санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат».

Сир эмас, халқчиллик ва партиявийлик тушунчасини баъзан ўта жўн-

лаштириб юбориш, тўпориноқ одамлар бош қаҳрамон қилиб олинган, мазмунау ўта оддий, лекин равон тилда ёзилган, фольклорга яқин турувчи асарларнигина халқчил деб аташ; партиявийликни эса кўпроқ асарнинг мавзусига, мундарижасига, муаллифнинг ошкора шарҳларига қараб белгилаш ҳоллари учраб туради. Аслида эса халқчиллик ҳамда партиявийлик тушунчасининг моҳияти кенгроқ ва теранроқдир; чинакам халқчиллик ва партиявийлик ҳаётни ҳаққоний акс эттириш, воқеликни бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатишни, одамларни тўлқинлантираётган — жамият ривожига оид кескин проблемаларни дадил ўртага қўйишни, олижаноб, жанговар гуманизмни тақозо этади. «Партия, — деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев, — энг яхши асарларга хос бўлган гражданик пафосини, камчиликларга нисбатан муросасизликни, санъат жамиятимиз ҳаётига оид проблемаларни

ҳал этишга фаол аралашаётганлигини табриклайди».

Дарҳақиқат, партия ҳамisha адабиёт ва санъатнинг ғоявий йўналиши, унинг халқчиллиги, партиявийлиги ҳақида ғамхўрлик қилиб, санъаткорларни ҳаётни ҳаққоний тасвирлашга, ижодий дадилликка даъват этиб келади. Жумладан, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» деб чиқарган қароридан шундай сўзлар бор:

«Ижтимоий ҳаётимизнинг актуал масалаларини ошкора муҳокамага қўйишдан қўрқиш, ҳал этилмаган проблемаларни, кескин масалаларни хаспўшлаб, четлаб ўтиш, реал ҳаётимизда мавжуд бўлган камчилик ва қийинчиликлар ҳақида лом-мим демаслик каби ҳоллар ҳануз учраб туради. Бундай ҳоллар партия томонидан ғоявий-тарбиявий иш олдига қўйилаётган вазифаларга зиддир. Бундай ёндашиш, дабдабазликка мойиллик ишга ёрдам бермайди, балки муштарак вазифаларимизнинг ҳал этилишини қийинлаштиради, холос». Бу сўзлар бевосита адабиёт ва санъатга ҳам дахлдордир.

Модомики, шундай экан, ёзувчининг теран фикри, у ўз асарида ўртага қўйган жиддий ҳаётий муаммо-

Ёдгор бахши ИСҲОҚОВ

## Қўмсаш

Кўриб боқчадаги эркатойларни,  
Азиз болагим ёдимга тушди.  
Кўриб шарқираган тошқин сойларни  
Лазиз болагим ёдимга тушди.

Кўзларин шаҳлоси биллурдек тиниқ,  
Лўппи ёноқлари анордек силлиқ,

Кулиб боқишлари офтобдек илиқ,  
Қирмиз болагим ёдимга тушди.

Болалик — умрнинг энг саоафроси,  
Болалик — умрнинг жарангли сози.  
Болалик — умрнинг баҳори, ёзи,  
Тенгсиз болагим ёдимга тушди.



## Дўмбира — соз бу...

Булбулни ҳам мот айлаган дўмбира — соз бу,  
Эл ишига ҳамisha шай, ҳамisha соз бу.

Гўрўғли-ю, Алпомишлар тирилгай чертсам,  
Ботирларни қўмсаб янграр сирли овоз бу.

Гоҳ Ойбарчин ишвасини акс этар куйда,  
Париларга хос ўзгача карашма, ноз бу...

Кўрсанг, бўйи калтагина, сиғар киссамга,  
Аммо ўзи минг яшаган — умри дароз бу...

Бахши Ёдгор қўймас уни ўлгунча қўлдан,  
Устозимдан ёдгор — мерос, демак, устоз бу!



лар ўқувчи онгига тўла-тўқис етиб борса, бинобарин, унга тушунарли бўлсагина кутилган натижани беради. Шуниси муҳимки, кенг китобхонлар оммасининг бадий завқи, диди, савияси тобора кўтарилиб бормоқда; сиртдан қизиқарли туюлган, олди-қочди воқеалар асосига қурилган асарлар ёки мавзунинг, мазмунининг актуаллигини ўзига қалқон қилиб олган, аслида ҳаётни бир ёқлама, юзаки тасвирловчи шеър, драма ва романлар узоққа бормаётибди; ҳаётнинг ўткир проблемаларини ўртага қўйган, ҳаёт ҳақиқатини бутун мураккаблиги билан таҳлил этиб берган, инсон турмуши ва қалби ҳақидаги янги-янги ҳақиқатларни очган, инсонга меҳр-шафқат, мурувват руҳи билан сўғорилган, инсон шаънини улғуловчи асарларгина чинакам халқчил санъат намуналари сифатида эл орасида катта шухрат қозонмоқда, жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Эммунистик партия, совет матбуоти эса худди ана шундай асарларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. «Абадият қонуни», «Қизил бодзрак», «Алиvido, Гулсар», «Оқ кема», «Подшо-балиқ», «Яшай-веру унутма» сингари ғоят ўткир масалаларни ўртага қўйган асарларнинг юксак мукофотлар билан тақдирланиши, «Ҳаёт-мамонт» («Выбор»), «Асрдан ҳам узайиб кетган кун» каби жамоатчиликни ларзага солган романларнинг партия матбуотида ижобий баҳоламини — буларнинг барчаси адабиётимиз ва санъатимиз тараққиётидаги етакчи тенденциялар истиқболи учун кенг уфқлар очиб бераётди.

Ўзбек адабиётида сўнги йилларда яратилган, эл оғзига тушган асарлардан баъзиларини эслайлик. «Бинафша атри», «Чотқол йўлбарси», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Диёнат», «Эрк», «Гирдоб» каби қисса ва романларнинг қўлдан-қўлга ўтиб ўқиши сабаби қарда? «Келинлар кўз-ғолони» комедиясининг қардошларимиз қалбига йўл топиш сирини-чи? «Шошма, Қуёш» пьесасининг томошабинларни ҳаяжонга солиш боисини-чи? «Меъмор», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар» сингари тарихий мавзудаги асарларнинг катта доврүк қозониш сабаби-чи? Замонавий романлар асосида яратилган видеофильмлар республика телевидениеси орқали кўрсатилганда, редекция адресига, авторлар номига дил сўзлари битилган мактубларнинг ёғилиб кетиши сирини мада? Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон шеърини китобларининг ўқувчиларни ўзига мафтун этиш сеҳри нимада? Буларнинг барчасига асосий сабаб шуки, бу асарларда умумсовет адабиётининг энг яхши намуналарига хос фазилатлар мавжуд: жамоатчиликни тўлқинлантираётган ҳаётини муаммолар кўтарилган, ҳаёт ҳақиқати мураккаблиги билан кўрсатилган. Улар юксак гуманистик пафос билан йўғрилган.

Адибларимиз, айтиш мумкинки, энг аввало, маънавий-ахлоқий масалаларга катта эътибор бераётганлар, ғоят хилма-хил мавзулардаги, ҳатто ўтмиш ҳақидаги асарларда ҳам маънавий муаммолар авторларнинг диққат марказида турибди. Бу тасодифий эмас. Маълумки, мамлакатимизда етук социалистик жамият барпо этилди, олижаноб гуманистик орзу-идеалларни рўёбга чиқариш — моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ таъминлаш, уни ҳар тарафлама камол топтириш учун катта имкониятлар яратилди. Демак, шахсга нисбатан талабчанлик ҳам кучай-

ди. Ривожланган социализм одамларнинг юксак онглилигига таянувчи жамиятдир. Инкинчи томондан, биз яшаётган давр — фан-техника ғоят тараққий этган, инсон ақли мислсиз мўъжизалар яратаётган, илм-фан инсоният олдида катта қулайликлар, имкониятлар очиб берган; шу билан баробар биз яшаётган давр — фан-техника тараққиёти инсоният учун кўп янги жумбоқларни, социал-маънавий муаммоларни келтириб чиқараётган, ҳаттоки ўзимиз яшаб турган сайёрани таҳлисида қолдираётган давр. Ана шундай бир шароитда маънавий-ахлоқий масалаларга эътиборнинг кучайиши табиийдир. Бу ҳол адабиёт ва санъатда ўз ифодасини топмоқда; одамларнинг ишлаб чиқаришда ва турмушдаги муносабатлари, шахснинг мураккаб ички дунёси, унинг нотинч планетамиздаги ўрни, инсон шаъни, унинг граждандлик масъулияти, бурчи масаласи бадий изланишлар марказида турибди.

Адабиёт ва санъатда маънавий-ахлоқий проблемаларга эътиборнинг, шахсга нисбатан талабчанликнинг ортиши табиий равишда асарларда танқидий-проблематик руҳнинг кучайишига олиб келаётди. Дарвоқе, кўйилган муаммоларни кескинлаштириб кўрсатиш умуман санъатнинг, жумладан, социалистик реализм адабиёти ва санъатининг табиатига зид келмайди; санъат асарида қаламга олинган ҳодисаларга нисбатан китобхон эътиборини тортиш, ҳиссиётни жунбушга келтириш, мавжуд ёки эҳтимол тутилган хавф-хатарлардан инсониятни оғохлантириш ниятида тасвирланаётган ҳодисалар, кўтарилган масалалар бўрттириб-кескинлаштириб бериллавериши мумкин. Муҳими шундаки, энг яхши асарларимизда камчиликлар чинакам партиявий позициядан туриб, коммунистик идеаллар талаби нуктаи назаридан танқид остига олинаётди; камчилик ва қийинчиликларни шунчаки кўрсатиш, танқид қилиш билан чекланмай, уларнинг илдиэлари ҳам очиб бериллаётди, атрофлича бадий таҳлил этилаётди.

Ниҳоят, бу тур асарлар камчиликларга нисбатан кескин муросасизлик руҳи билан йўғрилган; коммунистик ғоялар йўлига ҳаётини тиккан, эътиқоди бутун, ҳар қандай қабоҳат — худбинлик, фирромлик, қаллобликка қарши кескин курашадиган, сўзи билан иши бир, доимо адолат, диёнатни барқарор этиш учун сабот билан интиладиغان, бинобарин, юксак идеалларимизни ўзида ташувчи шахслар асарларнинг марказига қўйиб тасвир этилмоқда. «Абадият қонуни»даги Бачан, «Асрдан ҳам узайиб кетган кун» романидаги Едигей, «Диёнат»даги Нормурод домла, «Бўронларда бордек ҳаловат» қиссасидаги Мардонкул Заргаров, «Шошма, Қуёш» драмасидаги Санобар ана шундай қаҳрамонлардандир. Санъатнинг типиклаштириш имкониятларига биноан, мазкур асарлардаги муаммолар, камчиликлар бир оз кескинлаштириб кўрсатилгани сингари, ижобий қаҳрамонлардаги фазилатлар ҳам анча бўрттириб берилмоқда. Бу тенденцияни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак, деб ўйлаймиз.

Ҳолбуки, илгарилари баъзан шундай бир ёқламалик кўзга ташланар эди: асарда жиддий ҳаётини муаммолар, камчилик ва қийинчиликлар кўрсатилгани ҳолда улар қаршида турган кучлар бир оз заифроқ, ланжроқ қилиб тасвир этилар, гоҳида бундай шахслар жабрдийда, шўрлик бир одам ҳолига тушиб қолар эди.

Шу ҳақда эътироз билдирилганида, «ҳамма нарса ёзувчининг позициясига боғлиқ, асарда автор позицияси курашчи ижобий қаҳрамон ўрнини босиши мумкин; бинобарин, асарда бевосита курашчи қаҳрамон бўлиши шарт эмас, муаллифнинг фаол позицияси сезилиб турса бас», деган важ айтилар эди.

Тўғри, автор позициясида гап кўп, ёзувчидан ҳар доим курашчи ижобий қаҳрамон образини асарга киритишни талаб этавериш ўринсиз. Лекин, умуман олганда, халқнинг орзу-идеалларини мужассам этувчи, ёрқин курашчи ижобий қаҳрамонларсиз адабиёт ғариб бўлиб қолар эди. Зеро, ҳаётдаги муаммоларни, камчилик ва қийинчиликларни бутун кескинлиги билан кўрсатган ҳолда, ўша муаммолар қаршида турган матонатли шахслар бор салобати билан гавдалантириб бериллаётган экан, бундан фақат қувониш мумкин, холос.

КПСС XXVI съезида адабиёт ва санъатнинг халқчиллиги, партиявийлиги, санъаткорларнинг жамиятимиз ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаол аралашаётганлиги ҳақида гап борганда, буларнинг барчаси адабиёт ва санъатда яратилган ижобий қаҳрамонлар образи билан боғлиқ ҳолда олиб қаралди; оташин революционерлар, машхур тарихий шахслар, хусусан замондошларимизнинг ёрқин образларини яратишда ижодий ходимлар эришган ютуқларга катта баҳо берилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Ҳисобот доклада энг яхши асарларда яратилган замондош ижобий қаҳрамонлар хусусида тўхталиб: «Бу образлар одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундамоқда... Буларнинг ҳар бирида китобхонлар, томошабинлар ўзларининг фикр-ўйларини ва кечинмаларига ҳамоҳанг жиҳатларни кўрадилар, унда совет характерининг энг яхши фазилатлари мужассам топганлигига гувоҳ бўладилар»,— деди. «Асар қаҳрамонлари,— деб ўқтирди яна Леонид Ильич Брежнев,— майда-чуйда ишлар атрофида ўралашиб қолмасдан, ўз мамлакатининг ташвиши билан яшамоғи — шижоатли меҳнат билан, адолат ва яхшилик тантанаси учун астойдил курашиш руҳи билан йўғрилган ҳаёт кечирмоқлари лозим».

Бу ерда жуда муҳим назарий фикр илгари сурилган. Замондошимиз образи тўғрисидаги бу мулоҳазалардан чиқадиган асосий хулоса шуки, ижобий қаҳрамон адабиёт ва санъатда халқчиллик ҳамда партиявийлик принципларини намоён этувчи асосий фигурадир; ижобий қаҳрамон тимсолида аввало халқнинг энг яхши фазилатлари, орзу-идеаллари тажассум топади. Шу билан баробар концептуаллик хусусиятига эга, яъни у автор илгари сурган ғояни ўзида ташийди, жамоатчилик фикрини ифодалайди, унда одамлар ўз ўйлари ва кечинмаларига уйғун жиҳатларни кўрадилар. Айни пайтда ижобий қаҳрамон ўқувчига кучли таъсир кўрсатиш — кишилар диққатини ҳаётнинг муҳим масалаларига тортиш, китобхонни баҳсларга даъват этиш, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундаш қудратига эгадир. Модомики, шундай экан, ижобий қаҳрамоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, айтган сўзи ҳисобда, у майда-чуйда ишлар билан ўралашиб қолмай, ўз мамлакатининг, халқининг ташвиши билан яшамоғи керак. Улуғ мақсадлар йўлида кураш олиб борган юксак эътиқодли шахс-



гина ижобий қаҳрамон деб аталишга муносибдир.

Ижобий қаҳрамон хусусидаги бу назарий фикр-хулосалар, йўл-йўриқлар адабиёт ва санъатимиз ривожини учун принципиал аҳамиятга молик. Чунки улар чуқур илмий асосга, ҳаётини заминга эга, улар бадий ижод табиати, тажрибаси, қонуниятларини назарда тутган ҳолда айтилган. Шунинг учун ҳам бу қоидалар ижодкорларни ижодий изланишга, ҳаёт қатламларига тобора бадий теран кириб боришга рағбатлантиради.

Хуллас, КПСС XXVI съезида белгилаб берган адабиёт ва санъатга оид дастуриламалар ижодкорларни юксак маҳоратни эгаллашга, бадий изланишларга, чинакам кашфиётлар қилишга даъват этиш, актуал мазмунни ўзига қалқон қилиб олган, хомхатала, бадий жиҳатдан бўш асарларга қарши муросасиз кураш руҳи билан сўғорилган. Ҳар қандай яхши ният, олижаноб ғоя юксак маҳорат билан бадий ҳақиқатга айлантирилган тақдирдагина чинакам таъсирчанлик касб этади. Ижобий қаҳрамон хусусида илмий асосланмаган хом гаплар, бир ёқлама фикрлар адабиётга катта зарар келтирганлиги маълум; «конфликтсизлик назарияси», «ҳаётни пардозлаб кўрсатиш» тенденцияси, «идеал қаҳрамон» концепцияси ҳаётдан узилиб қолган схематик адабий қаҳрамонларнинг тўғилишига йўл очиб берган эди. Бу хато қарашлар алақачон рад этилган, ноҳаётин тенденциялар кескин қораланган; лекин уларнинг инерцияси баъзан бугунги кунда ҳам ўз таъсирини кўрсатиб қолаётирки, съездининг адабиёт ва санъатга оид кўрсатмалари мазмунни, пафоси бизни шундан огоҳ этади. Албатта, адабиёт ва санъатда инсон шахси, маънавий олами тайёр андазалар, олдиндан маълум тасаввурлар асосида эмас, балки ўзи кашф қилган, чуқур ҳис этган — оригинал, айни пайтда ҳаётини, чинакам халқчил концепция нуктаи назаридан тасвир этган санъаткоргина бадий кашфиёт ярата олади.

Бадий ижодда қаҳрамон образини яратиш билан боғлиқ масалалар кўп, образ ғоят кўп қиррали тушунча. Лекин образ яратишда концептуаллик, ҳаққонийлик, халқчиллик бош масала бўлиб қолаверади. Биз, танқидчилар, адабиётшунослар кейинги йилларда ижобий қаҳрамон назариясида оид чалқашликларни танқид қилиш билан банд бўлиб кетиб, бу борадаги янги тенденцияларни ўрганишга, ютуқларни умумлаштиришга етарли даражада эътибор бермай келдик. КПСС XXVI съезида социалистик реализм адабиёти ва санъатининг марказий проблемаларидан бўлмиш ижобий қаҳрамон масаласига яна бир бор диққатни қаратди, уни янгича аспектда — адабиётнинг қалби саналмиш партиявийлик, халқчиллик, ҳаққонийлик, концептуаллик принциплари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш методологиясини белгилаб, самарали ижодий изланишлар, жиддий тадқиқотлар учун янада кенг йўл очиб берди.

Ҳар бир ижодкор атроф-муҳит ва кишиларни ўзича идрок қилиб, воқеа-ҳодисалар моҳияти ва одамларнинг маънавий дунёсини ўзига хос усулда тараннум этишга интилади. Бироқ, борлиқдаги ўзи танлаган объектга муносабатини мантиқан тўғри ва ҳаёт билан узвий ифода-лашнинг уйдасидан ҳамма ҳам чиқармайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, рассом Зокир Иноғомовнинг воқеликни бадий идрок этиши ва ижодий ўзига хослиги эътиборни тортади. Санъаткор ўз асарлари орқали она замин қиёфасини чаманга айлантираётган кишилар меҳнатидаги гўзаллик ва жозибани кўра олишга ундайди...

Зокир Иноғомовнинг ижодий ўсиб боришида Н. Карахан ва Н. Кашина каби кекса мўйқалам усталарининг хизмати катта бўлди. Иноғомов 1948 йили республика рассомлари кўргазмасида «Колхоз раиси», «Она портрети», «Ер ўлчовчи» асарлари билан иштирок этди. Тўғри, ижодкорнинг бу изланишларида тажрибасизликка оид нуқсонлар мавжуд эди. Уз маҳоратининг айрим заиф томонларини сезган ижодкор уларни тезроқ бартараф этиш учун узоқ изланди, маш-

хур рус классик ва совет даври рассомларининг ютуқларини чуқур ўрганди. Натижада унинг картиналаридаги образ қурилишида ранг муҳим аҳамият касб этадиган бўлди.

Рассом асарларида қишлоқ мавзуи борган сари мазмунан чуқурлашиб бормоқда. У ўз асарларида қишлоқдаги маданий ўзгаришларни, янгича урф-одатларни қарор топтираётган замондошларимизнинг ўзига хос турмушини акс эттиришга интилоқда. Мўйқалам соҳиби халқ усталарининг гилам, палос тўқишларини, сўзана, дўппи тикишларини, заргарлик, кулоллик, мисгарлик маҳсулотлари тайёрлашларини ифодалаш орқали бу ноёб касбларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлигини таъкидлайди. Иноғомов янги совет турмуш тарзи белгиларининг ҳаётийлигини, оммалашаётганлигини рассом нигоҳи билан илғаб олади. Шу сабабли унинг асарларида табиат ёки қишлоқ манзараси турғун ҳолатда олинмайди, мамлакатимиз қиёфасининг совет кишилари томонидан тинмай ўзгартирилаётгани унинг асарларида ҳаммиша зухур этади. Шунинг учун ҳам «Ферма», «Бахмалда тўй» картиналари муваффа-

қиятли чиқди. Рассом бу асарларида чексиз кенгликларни кўрсатар экан, шу орқали инсон ўз қўли билан қадрдон тупроғига гўзаллик бахш этаётганини бадий тасвирлайди.

Зокир Иноғомов мўйқаламига мансуб натюрмортларнинг ўзига хос хусусиятлари борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Санъаткорнинг бу жанрдаги асарлари нарсалар ва ноз-неъматлар дунёсининг эстетик қимматини очиб бериш воситасигина бўлиб қолмай, балки атрофимизда рўй бераётган ҳодисаларни яққолроқ кўришга ҳам ёрдам беради.


Рассомнинг «Келинчак» номли янги расми миллий характерларнинг ифодаланиши нуқтаи назардан диққатга молик. Асар композицияси унчалик мураккаб эмас: доира стол атрофида меҳмонлар ўтиришибди. Хонадоннинг ёш соҳибаси чой узатмоқда. Табиатан гўзал, қарашлари меҳрибон ва очиқ келинчакнинг юз-кўзида ҳаё. Картинанинг ёрқин ранглар гаммасида қизил, оқ ва кўк бўёқлар устунлик қилиши бу оиладагиларнинг бахтиёрлигини ва маънавий дунёсининг равшанлигини кўрсатади.

Мўйқалам устасининг кейинги йиллардаги жиддий ишларидан бири «1916 йил. Жиззах қўзғолони» композициясидир. Бу рассом ижодининг камолотини белгилайдиган асарлардан ҳисобланади. Композиция Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир Сафаров айтиб берган мавзу асосида яратилган.

Рассом картиналар билан бир қаторда кўпгина портретлар ҳам чизди. Булар орасида рассомнинг ўз ҳамқишлоқлари сиймоси акс этган туркум портретлар эътиборга лойиқдир. Жозибадорлик, шаклий нафислик, қаҳрамон психологиясини теран ифода этиш «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров» асарида ҳам яққол кўринади.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иноғомовнинг турли йилларда яратилган асарлари республика, Бутуниттифоқ ва чет эл мамлакатлари кўргазмаларида намойиш қилинди. У бундан кейин ҳам ўзбек тасвирий санъатини бой-тадиган кўплаб қизиқарли ва баркамол асарлар яратади, деб умид қиламиз.

Толиб ОДИЛБЕКОВ



## ҲАБИБИЙ,

Ўзбекистон халқ шоири

Хур Ватанда қат-бақат бўлди, салобатли бино,  
Янги уйларда яшар ким шоду хуррам иттифоқ.

Кўчалар бир-бирга ўхшаш, тўғри ҳам кенг барчаси,  
Кўрса кимни қолдирур ҳайратда кўркам иттифоқ.

Баҳра олгай юрса ким, завқи тўлиб юргай яна,  
Лобарона олға босгай, юргай илдам иттифоқ.

Юрт ажаб обод ўлиб, халқи фаровонликдадир,  
Ибрат олдилар кўриб, бўлмоқда кам-кам иттифоқ.

Эй Ҳабибий, иттифоқни берма қўлдан, файзи кўп,  
Шукр этай, нозик мижозим бирла маҳрам  
иттифоқ.

1979 йил.

## Пахта

Мунча ҳам мулойимдир, доим элга зор пахта,  
Кўйнига олиб доим, қайда бўлса бор пахта.

Боқса ким кўринмайдур, заррача киру доғи,  
Чунки оппоқ олтиндур, элда беғубор пахта.

Олам аҳли деҳқонга, тун-кун айтадур раҳмат,  
Кўрса-кўрмаса бўлгай, эмди ҳар баҳор пахта.

Ерда ётса олгайлар, ҳар киши кўриб аввал,  
Қайда бўлса шу жойда, топди эътибор пахта.

Кўрса ким ғарамларни, осмонни ўпкудай,  
Ҳар томонга термулгай, бўлгай интизор пахта.

Қишда, ёзда сақлайдур иссиғу совуқлардан,  
Бир нафас жудо бўлмас, меҳрибону ёр пахта.

Шукр этиб, Ҳабибий ҳам чиқса юрт ила доим,  
Тергали йигит-қизлар, бордир ҳар наҳор пахта.  
1979 йил.

## Офтоб

Кўзларим равшан бўлур, олса юздан гар ниқоб,  
Парпираб турмуш кулиб, гўё самода офтоб.

Мунча ҳам ошиқпарасту ишлари лутфу карам,  
Нозанинлар ичра бўлмас бунчалар олижаноб.

Сухбати лаззатли, инсоннинг мужоси бирла мос,  
Тоабад комида қолгай, элни монанди гулоб.

Халқ учун одобу ахлоқи ёқимли, шубҳасиз,  
Ҳар томонни бирма-бир текширди, бўлди  
интиҳоб.

Лол ўлиб ҳайратда эл, шаклу шамоилни кўриб,  
Васф этолмас, сўз билан албатта ёзгай бир  
китоб.

Келсалар йиғлаб, оёғига ўзимни ташласам,  
Бўлса тонг йўқ, бунча қилган илтижолар  
муштажоб.

Э Ҳабибий, шеър учун доим адибона савол,  
Изтироб ичра киши ўйлаб, тополмайдур жавоб.  
1979 йил.

## Дилбарим

Раҳму шафқат узра қилди аҳду паймон дилбарим,  
Олиҳиммат ҳотамона турфа жонон дилбарим.

Ғам ҳужуми бирла келмас, кексалик ёр  
васли бор,  
Дилкашу ҳам оқила, жонимга дармон дилбарим.

Ишқ элига меҳрибондур, мунчалар ҳам не ажаб,  
Тегмасин асло совуқ ел деб, нигоҳбон дилбарим.

Сухбати бўлса муяссар, кимга хуррам тоабат,  
Бир келиб қошимда бўлса шонли меҳмон  
дилбарим.

Лобарона кирса ҳар мажлисга, сухбат гуллагай,  
Авж олур файзу тараб тобора ҳар он дилбарим.

Ҳар кишига дунёда дарду алам юзланмагай,  
Бу Али Сино эрурми ёки Луқмон дилбарим.

Эй Ҳабибий, дўсти холисликда сўзла сўзласанг,  
Баркамол ақлу адабда энг билимдон дилбарим.  
1979 йил.

## РЕДАКЦИЯДАН:

Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибийнинг бой ижоди ўзбек китобхонлари, шеъринат шина-вандалари орасида машҳурдир. Шоир ғазалларига басталанган нуй ва қўшиқлар ҳар бир хонадонда жаранглаб, тўйларимизга ва шодиёна нечаларимизга файз киритмоқда. Мазнур тўрт ғазалнинг иккитасини ус-тознинг ўзи ҳаётлик пайтида «Гулистон» журнаliga йўллаган эди.

## Иттифоқ

Яхши бўлгай эрди бўлса аҳли одам иттифоқ,  
Дилда қолдирмас эди бир заррача ғам иттифоқ.

Турли қавму турли миллат урфу одат хилма-хил,  
Бу совет қонуни бир, бўйсунгай эл ҳам иттифоқ.



КАШТАЧИ.

РАССОМ  
ЗОКИР ИНОҒОМОВ  
АСАРЛАРИДАН

СУҶОҚДА.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир САФАРОВ.

Машҳур наққош Маҳмуд УСМОНОВ.





ХАВОНИ УЛЧАШ СТАНЦИЯСИ.

ТУТ ПИШДИ.



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати

# КОММУНИСТИК ЭЪТИҚОД БИЛАН

**С**ОВЕТ адабиёти инсоният маданияти тарихидаги нодир ҳодиса бўлиб, у бугунги кунда мамлакатимиздаги ҳамма миллатлар ва элатлар тилларида яратилмоқда. Жаҳонда кўп тилларда яратиладиган адабиётлар бор, аммо улардан бизнинг адабиётимиз бир бутунлиги билан, ягона ижтимоий ва эстетик идеалга эга эканлиги билан, энг илғор ижодий метод — социалистик реализмга амал қилиши билан ажралиб туради. Совет миллий адабиётларининг бирлиги жуғрофий тушунчага эмас, балки ғоявий тушунча ҳамдир.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиёт ва санъатнинг шаклланиб ривожланганлиги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг маданий программаси катта муваффақият билан амалга оширилганлигининг энг ёрқин далили бўла олади.

Совет адабиёти ва санъатининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, у бутун фаолиятини жонажон Коммунистик партия раҳбарлиги остида амалга оширади. Бадий ижодга партия раҳбарлиги партия ишининг умумий шакл ва нормаларидан ташқари яна ижоднинг муҳим назарий масалаларини мутахассислар билан ҳамкорликда ҳал қилиш ва шу йўл билан ижод жараёнига партиянинг таъсир ўтказиши тақозо қилади.

КПСС XXVI съезди бадий ижод соҳасида ўзгача бўлган беш йилликда яратилган ёрқин талант асарларни юксак баҳолади ва айтиш вақтда келажакка йўқ йўлга кириб қолган айрим адабиёт ва санъат арбобларини бу ҳатоликлардан огоҳ қилди, уларга ҳаётнинг бош йўлини кўрсатиб берди. Шу кўрсатма нақадар тўғри бўлганлиги навбатдаги партия съезди муносабати билан ижодимизни яқунлаб олганимизда маълум бўлди. КПСС XXV съезди ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, бўлиб ўтган беш йиллик ижодий интеллигенциянинг ғоят фаол меҳнат қилган даври бўлди. Шу даврда ижодий интеллигенция Коммунистик партия атрофига янада мустақкам жипслашди. Авваллари бузғунчилик ишлари қилиб юрган Солженицин каби ёзувчи номига доғ туширган унсурлардан тўла холи бўлди. Шу йиллар яратилиб, халқ оммасининг кураш ва меҳнатида унинг ҳамроҳи бўлиб қолган кўп миллатли совет адабиёти ва санъатининг энг яхши асарлари юксак партиявий баҳога асос берди.

КПСС XXVI съездига қилинган Марказий Комитетнинг Ҳисобот докладыда ўртоқ Леонид Ильич Брежнев адабиёт ва санъатнинг сўнгги даврдаги ютуқларига юқори баҳо берди. Съездда ҳаққоний равишда қайд қилинганидек, бугунги кунда совет адабиёти ва санъатида янги ижодий тўлқин мавж урмоқда. Худди шу ҳол барча совет адабиёти ва санъати учун, ижоднинг ҳамма турлари ва жанрлари учун, ҳамма миллий республикалар маданий ҳаёти учун ҳосил бўлди. Мазкур фикрнинг Ўзбекистон ижодий интеллигенциясининг съездлар орасидаги давр фаолиятида ҳам айнан кўрамади.

Бугунги бизнинг адабиёт ва санъатимиз кекса авлоднинг ижодий тажрибаси билан, ўрта авлоднинг ил сайин сайқал топаётган бадий

камолоти билан, ёш авлоднинг эстетик изланишлари ва баракали меҳнати билан бунёд бўлмоқда. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати Шароф Рашидов романлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин драмалари, адабиётимизнинг табарруқ оқсоқоллари Уйғун, Назир Сафаров ва Михаил Швердин асарлари, Зулфия, Рамз Бобонон, Ҳамид Фулом, Сарвар Азимов, Александр Удалов, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Иброҳим Раҳим, Туроб Тўла, Шукрулло, Шуҳрат, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Ҳаким Назир, Тўлепберген Каипберганов, Иброҳим Юсупов, Қуддус Муҳаммадий ва бошқа кўп қалам соҳибларининг турли жанрлардаги асарлари совет халқининг маънавий ҳазинасидан мустақкам ўрин олди ва ҳозирги ўзбек совет адабиётининг Иттифоқ ва халқроқ миқёсидаги обрўйига обрў қўшмоқда.

КПСС XXVI съезди ижодимизнинг асосий тенденцияси юксак революцион мотивлар традициясига садоқат эканлигини ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтди. Бу фикрнинг нақадар тўғрилигини улғу доҳийларимиз Карл Маркс, Фридрих Энгельс, Владимир Ильич Лениннинг нуруний образлари яратилган асарлар, санъатнинг турли жанрларида мамлакатимизнинг қаҳрамонона тарихи ёритилган ва кўпгина оташин инқилобчилар образи яратилган асарлар тўла-тўқис таъкидлайди. Худди шу фикр Ўзбекистонга, унинг адабиёти ва санъати, эстетик фикр оламига ҳам тааллуқлидир.

Доҳий таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан адабий жамоатчилик ҳам кўпгина ижодий тўхфа тайёрладики, булар барчаси совет Ленинномасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Биз бу ўринда Ленин образи яратилган драма ва поэмаларни, шеър ва публицистик асарларни, рассомлар полотноси ва кинофильмларни кўзда тутамиз. Ленин образи яратилган, маҳаллий революционерларни тўғри йўлга олиб чиқишда унинг устодлик роли ҳаққоний очилган «Инқилоб тонги» асарини саҳналаштирган Ҳамза номли академик давлат драма театрининг бир гуруҳ ижодкорлари СССР Давлат мукофоти билан тақдирланганлиги мазкур баҳонинг холислигидан далолат беради.

Булардан ташқари яна совет драматургиясининг «Кремль куранти», «Революцион этюд», «Нуридийдам Володя» каби яхши асарлари ҳамон ўзбек театри саҳналарида томошабин муҳаббатини қозониб келаятганлиги эътиборга олинса, бизда мазкур мавзунинг мунтазамлиги яна бир бор маълум бўлади.

Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган докладыда замонавий мавзуда яратилган асарлар таҳлилига катта ўрин ажратди ва адабиётнинг ҳаёт билан алоқасини шу хил асарлар мисолида айниқас яққол кўрсатиб берди. Замонавий асарларнинг қаҳрамонлари бизнинг ажойиб замондошимиз — қурувчилар бригадир ва колхоз раиси, темир йўлчи ва офицер, учувчи ва олим. Аммо уларнинг ҳар бирида ўқувчи ва томошабин ўзини ҳаяжонга солаётган ҳисларни сезиб туради, уларда ўзини кўради. Бу образлар одамларни ўйлашга, ҳаётда ўз ўрнини идрок этишга, муайян масалалар буйича мунозарарага, ўтмиш ва келажак ҳақи-

да ўйлашга ундайди. Партия бу асарларга хос бўлган гражданик пафосини, камчиликларга лоқайд бўлмаслик кайфиятини, ҳаётдаги фаоллиқни маъқуллади.

Бугунги ўзбек совет адабиётининг ҳаётга фаол аралашувининг мисоли сифатида Шароф Рашидовнинг романларини, Комил Яшин публицистикасини, Назир Сафаровнинг проблематик очеркларини, Уйғун ва Зулфиянинг замондошимиз ҳис-туйғуларини чуқур бадийят билан ифодаловчи шеърларини, Ҳамид Фуломнинг пахтакорларимизнинг ёрқин образини яратган асарларини, Асқад Мухтор ва Мирмуҳсиннинг замондош ишчилар синфи ҳаётига бағишланган прозасини, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий ва Иброҳим Раҳимнинг ҳужжатли очеркларини, Одил Ёқубов ва Пиримкул Қодировнинг ўткир проблематик полотноларини, Рамз Бобонон ва Туроб Тўла, Шукрулло ва Шуҳрат шеърларини, Мақсуд Қориев ва Саъдулла Кароматов асарларини эслатиб ўтиш мумкин.

Ҳар бир авлод адабиётга ўз тенгқурларининг ўй ва тушунчаларини, фалсафаси ва интеллектуал савиясини олиб киради. Шу маънода бир гуруҳ шоирларимиз борки, уларнинг ижодида замонавий мавзунинг оригинал талқинларини кўрамади. Бу ўринда мен интонация ва услуб жиҳатидан хилма-хил, аммо мазмунан элга маъқул шеърлар яратган, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Эркин Воҳидов ва Барот Бойқобилов, Нормурод Нарзуллаев ва Муҳаммад Али, Омон Матжон ва Эркин Самандар, Эйтибор Охунова ва Абдулла Орипов, Гулчехра Жўраева ва Гулчехра Нуруллаева, Ҳалима Худойбердиева ва Ойдин Ҳожиева каби кўп қалам шоирларни кўзда тутаман.

Қувонарлиси шундаки, бизда шу йилларда ижодий тўлқинни вужудга келтирган бир қанча истеъдодли адиблар баракали ижод қилмоқдалар. Борис Пармузиннинг шеърдек қисқа миниатюра ҳикоялари, Владимир Тюриковнинг фактик материалга бой очерклари, Уткир Ҳошимовнинг ўткир проблематик асарлари, Худойберди Тўхтабоевнинг кўп тилларга таржима қилинган юморга бой болаларбоп прозаси, Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» романи билан ҳам бугунги ўзбек совет адабиётининг ижодий палитраси ғоят ранг-баранглигини исботлаш мумкин.

Ўзбек совет адабиётининг энг яхши асарлари мисолида ижодкорнинг ҳаётдаги ҳамма масалаларга бадий изланиш объекти деб қараётганини яққол сезиш мумкин. Айни вақтда КПСС XXVI съезди минбаридан туриб таъкидланган ушбу фикр ҳам бизга тўла тааллуқи: рангсиз, ўртача, бадий заиф асарлар, мавзу актуаллиги остига яширинмасин; қаҳрамонлар майда масалалар билан ўралашиб қолмасин, балки кенг миқёсда — мамлакат миқёсида фикр юритсин, ҳаракат қилсин, фаоллик билан яшасин, актив меҳнат билан банд бўлсин, адолат ва яхшилик тантанаси йўлида тинмай курашсин.

КПСС XXVI съезди мазкур масалаларни амалга оширишда ҳам ижодкорлар, ҳам танқидчилар олди-га катта вазифалар қўяди. Айни вақтда ғоясизликнинг ҳар қандай кўринишига ҳам, дунёқарашдаги чалқашликларга ҳам, айрим тарихий шахсларни, воқеаларни баҳолашдаги хато ва ноаниқликларга ҳам қарши

курашиш шу вазифалар сирасига киради.

Ўзбек адабиёти бугунги кунда кўп миллионли ўз ўқувчиларига эга. Бу адабиёт оригиналда ҳам, рус тилида ва СССР халқларининг бошқа тилларида ҳам, шунингдек, чет эл мамлакатлари тилларида ҳам ўқилади. У кўпмиллатли совет адабиётининг оламшумул шуҳратини янада оширмоқда, бадий образлар орқали совет воқелиги ҳақида, тарихимиз тўғрисида, бизнинг турмуш тарзимиз ҳақида жаҳонга ҳикоя қилмоқда. Ёзувчилар идеологик курашнинг олдинги сафларида бўлиши зарурлиги ҳақида партия кўрсатмаларини КПСС XXVI съезди материаллари ҳам яна бир бор таъкидлайди. Ўзбек адабиётининг энг яхши асарлари ана шундай таҳсинга сазовор ижодий фаолиятнинг ёрқин мисоли бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек адабиёти совет адабиётшунослигининг, шунингдек, социалистик мамлакатлардаги ҳамкасбларимизнинг тадқиқот объектида. Айни пайтда адабиётимиз ривожига дунё тараққийпарвар ёзувчилари, капиталистик мамлакатлардаги объектив олимлар ҳам юқори баҳо бермоқдалар.

Кўпмиллатли совет адабиётининг обрўси бутун дунё бўйича кун сайин ошиб бормоқда. Натижада бизнинг идеологик душманларимиз ўз тактикасини ўзгартиришга, сохталаштириш методини кўпроқ алмаштиришга мажбур бўлаётир. Улар совет адабиёти ва санъати ўртасида аллақандай сиёсий «оппозиция» мавжудлигини исботлашга зўр бериб уринмоқдалар, нафақат айрим «диссидентлар» ёки адабиётга алоқаси кам шахслар, балки яхши совет ёзувчилари ҳам ғоявий жиҳатдан партия сиёсатига зид турадилар, деган уйдирмани исботлаш учун ҳар қандай ёлғон ва бўҳтондан қайтмаётирлар.

КПСС XXVI съезди Коммунистик партия бадий ижодни жуда юқори баҳолашини яна бир бор қайд қилди, адабиёт ва санъатга ленинча ғамхўрликнинг ёрқин намунасини кўрсатди. Съезд ўғитларидан келиб чиқадиган вазифаларимизни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов республика партия активи мажлисида жуда тўғри белгилаб берди:

«Адабиёт ва санъат совет жамиятининг маънавий ҳаётида катта роль ўйнайди. Совет кишилари санъатга ғоят ташна бўлиб, унга иззат-ҳурмат ва муҳаббат билан қарайдилар. Бу эса ёзувчининг, композитор, санъаткор, актёр, архитекторнинг ўз халқи олдида буюк маъсулият сезиши лозимлигини тақозо этади. Халқ манфаатлари билан яшаш, инсонпарварлик, идеалларимизни қарор топтириш; коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиси бўлиш — республика маданият арбобларининг муқаддас бурчидир. Санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат».

КПСС XXVI съездининг тарихий ҳужжатлари ижодий интеллигенция учун иш-ҳаракат программасидир. Унинг кўрсатмалари барча совет зиёлиларининг виждон даъватига тўла мос келади. Шунинг учун ҳам биз уни қалбан қувватлаймиз ва амалга ошириш учун бор кучимизни сафарбар этамиз.

# ҲОРАЗМЛИК УЛУҒ АЛЛОМА

**Қ**АДИМИЙ Тигр ва Евфрат дарёлари улугворлик билан оқади... Бу дарёлар туфайли ободонлик касб этган соҳиллар асрлар мобайнида не-не воқеаларга шоҳид бўлмади дейсиз. Ана шундай воқеалардан бири 762 йили юз берди. Шу йили халифа Мансур фармойиши билан икки буюк дарё ўртасида бир шаҳар қурилади бошлади. Уни «Мадинат ас салом» («Тинчлик шаҳари») деб атадилар. Бу шаҳар ўша даврдаги Куфа, Басра, Дамашқ шаҳарлари сингари шуҳрат топиши ва бутун араб халифалигининг маркази бўлиб қолиши лозим эди. Мадинат ас салом ҳақиқатан ҳам шундай шаҳар бўлди. Кейинроқ уни Бағдод деб атадилар. Шаҳар ўртасида халифаликнинг қасри ва жомеъ масжиди алоҳида бир қўргон ичига жойлашган эди. Шаҳарнинг бошқа бўлаклари бири-бирдан девор ва дарвозалар билан ажратиб қурилган эди. Бозор майдони, аҳоли зич жойлар дарёнинг нариги соҳилида бўлиб, уларни бир

Азиз ҚАЮМОВ,  
филология фанлари доктори

неча кўприклар марказ билан боғлар эди. VIII асрнинг охири, IX асрнинг бошларида араб халифалигини Хорун ар Рашид (786—809) бошқарди. Сўнг ҳокимият анча вақт давомида унинг ўғли Маъмун (813—833) ихтиёрида бўлди. Ана шу даврларда Бағдод араб халифалигига қарашли ерларнинг сиёсий-маъмурий маркази сифатида шуҳрат топди. Илм-фан ҳам Бағдодда марказлашди. Халифа Хорун ар Рашид даврида Бағдодда «Дорил ҳикма» («Билим уйи») ташкил топди. Бу махсус илмий анжуман бўлиб, унда халифаликнинг турли томонларидан келган олимлар, шoirлар, фозиллар ва ҳунар эгалари йиғилган эдилар.

Халифа Маъмун даврида «Дорул ҳикма» учун керакли миқдорда маблағ тайин қилинди, илмий тадқиқотлар, таржималар ва бошқа ижодий ишлар учун қулай шароит юзага келди. Бу ерда қадим юнон фани, Эроннинг исломдан олдинги илмий билимлари, ҳинд илмий меросига оид тадқиқот ва таржима ишлари амалга оширилди. Кўпгина илмий асарлар юнон ва паҳлавий (сосонийлар давридаги эрон тили) тилларидан араб тилига таржима қилинди. «Дорул ҳикма»да астрономия соҳасида олиб борилган тадқиқотларга қадимги юнон илмининг, ҳисоб ва жабрда эса ҳинд илмининг таъсири кучли эди. Ҳинд илмига оид билимлар аввало юнонларга, сўнг Бағдодда амалга оширилган араб тилидаги тадқиқотлар ва уларнинг латинча таржималари орқали бутун Европага етиб борар эди.

«Дорул ҳикма»да Урта Осиё ва Эрондан келган олимлар кўп эди. Улар баракали илмий ижод билан шуғулландилар. Бағдод олимларининг энг пешқадами Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо

## ЎЗБЕК ФАНИНИНГ АСОСЧИСИ

...Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий... Урта асрларда етишган ўзбек маданияти классиги, ўзбек фанини яратган энг буюк олимлардандир. Хоразмий ўз асарлари билан Шарқ ва кейинроқ Европа ривзиёт илмига асос солди...

С. ТОЛСТОВ

**Х**АЛҚИМИЗНИНГ гениал фарзанди Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий табиий фанлар, айниқса, математикани ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган алломадир. Шу сабабли ҳам ҳозирги замон олимлари IX асрнинг биринчи ярмини «Хоразмий даври» деб атаётганлари, алломанинг ўзини эса барча замонларнинг энг улуг математикларидан бири деб ҳисоблаётганлари бежиз эмас. Чунки Муҳаммад Хоразмийнинг ўлмас асарлари фақат Шарқдагина эмас, балки XII асрнинг аввалларидаёқ Европанинг кўпгина мамлакатларида ҳам илм-фан эҳли учун дастуриламал бўлиб фаол хизмат қила бошлаган эди. Бироқ, кези келганда шунга ҳам айтиш керакки, олимнинг номи асрлар мобайнида, 1849 йили француз олими Жан Рейно (1806—1863) томонидан тўғри ўқилганига қадар, Европада «Алгаризмус», «Альхорезмус», «Алкаррезмус», «Алхваризмус», «Алгоритмус», «Алгоритми» ва бошқа номлар остида шуҳрат қозониб келди.

Ал-Хоразмий жаҳон маданиятининг буюк ўчоқларидан бири — Хоразмда туғилган. Хоразмда қадим-қадим замонлардан бери илм-фан, маданият, савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги жуда тараққий топиб келган. Бу фикрларнинг тўғрилигини 1937 йилдан бошлаб атоқли олим С. Толстов раҳбарлигида Хоразм воҳасида узоқ йиллар давомида олиб борилган археологик текшириш-

ларнинг натижалари ҳам тўла тасдиқлайди. Бу ҳақда С. Толстов шундай деб ёзади: «Қадимги Хоразм фанининг Шарқ фани тарихидаги ўрни жуда муҳимдир. Биз Хоразмнинг исломга қадар бўлган, яъни антик ва африғийлар ҳукмронлиги даврини жуда оз биламиз. Аммо моддий ва маданий ёдгорликларни ҳар томонлама текширгач, айта оламизки, Хоразмда аниқ фанлар — геометрия, тригонометрия, астрономия, топография, кимё, минерология... ўша даврлардаёқ юксак даражада тараққий этган... Сўнгги африғийлар давридаги Хоразм кейинчалик араб халифалиги таркибига киргач, хоразмлик олимлар дарҳол шуҳрат қозонганлар ва «араб фани» деб аталган фаннинг яратувчилари орасида энг илғор мавқени эгаллаганлар».

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Аммо, турли манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, ал-Хоразмий 780 йили Хоразмда туғилиб, 847 йили Бағдодда вафот этган.

Журналхонда Ал-Хоразмий қандай оилада туғилган, дастлабки маълумотни кимдан ва қаерда олган, деган саволлар туғилиши табиийдир. Аммо олимнинг ота-онаси тўғрисида ҳам манбаларда аниқ бирор маълумот учрамайди. Унинг дастлабки маълумотни қаерда олганлиги ҳақида эса турли олимлар турлича фикр юритадилар. Масалан, профессор Т. Райнов «Ўзбекистоннинг буюк олимлари» асарида бу хусусда шундай деб ёзади: «Афсуски, Ал-Хоразмийнинг таълим-тарбияни қаерда олганлиги борасида бизга ҳеч нарса маълум эмас. У билимларни ўз уйида олгани ёки бошқа жойда, буни айтиш қийин. Балки, у ўқишни Хоразмда бошлаб, ватанидан ташқарида, эҳтимол, Ироқда, Шарқий араб халифалигининг пойтахти Бағдодда ниҳоясига етказгандир».

Табиий фанлар тарғиботчилари — И. Денман

ва М. Исаковнинг «Урта Осиё ва Қозоғистоннинг улуг олимлари» китобида босилган Муҳаммад Хоразмийга бағишланган мақоласида эса бунга қарама-қарши фикр баён этилган: «Хоразмий ўқиш, ёзиш ва санашни маҳаллий диний мактаб — мадрасада ўрганди, — деб ёзадилар улар. — У шаҳарда биринчи ўқувчи ҳисобланар, илмий масалаларни устозларидан яхшироқ тушунар эди. Жуда кўп мутолаа қилар, ўз устида муттасил ишлар, мадрасанинг мажбурий дарсликлари билан кифояланмас, билимини ошириш билан тинимсиз шуғулланар эди. Қобилиятли болани табиат қонунлари, ҳисоблаш қоидалари, чет тиллар, халқ ривоят ва эртаклари — ҳамма-ҳаммаси қизиқтирар эди. Хоразмий ёшлигида Урта Осиёнинг жуда кўп шаҳарларида бўлиб география, тарих ва астрономия бўйича билимларини бойитди. Ўз она тили билан бир қаторда у форс, араб ва қадимги Ҳиндистоннинг адабий тили — санскритни ўрганди. У қадимги турк тили, баъзи маълумотларга қараганда, ҳатто қадимги яхудий тили билан ҳам таниш эди».

...Муҳаммад Хоразмий VIII асрнинг охирида «Дунё шаҳри» деб аталувчи Бағдодга боради. («VIII асрнинг охирида», дейишимизга сабаб, Бағдод шаҳрига 762 йили асос солиниб, тўрт йил ичида қуриб битказилади ва «мусулмон дунёсининг пойтахти» деб эълон қилинади.) Бу даврда Бағдодда турли касб-кор, савдо-сотиқ ривожланган бўлиб, дунёнинг кўп мамлакат ва элларидаги ҳунарманд ва олимларнинг диққатини ўзига жалб этган эди.

Бағдодда илм-фан тараққиёти асосан қадимги юнон олимларининг асарларини араб тилига таржима қилишдан бошланди. Бу — Хорун ар-Рашид (786—809) ва ўғли Ал-Маъмун (813—833) халифалик қилган даврга тўғри келади. Улар фанга катта эътибор бериб, Бағдодда «Байт ал-ҳикма» («Донишмандлар уйи») барпо этадилар. Унда жуда яхши жиҳозланган расадхона, бой кутубхона бор эди. «Байт ал-ҳикма» ўша даврнинг фанлар академияси эди. Бу академияга турли мамлакатлардан йирик олимлар ишга қатлиб қилинади.

Бағдодга боргач, Ал-Хоразмий илмий-текшириш ишлари билан шуғулланади. Қадимги юнон математиклари — Евклид, Архимед ва Аполлоний ҳамда қадимги ҳинд математикларининг асарларини қунт, сабот билан ўрганади.

Тез орада Ал-Хоразмий математика, астрономия, география, тарих ва табобат илми бўйича бутун Урта Шарқда шуҳрат қозонади. У «Байт ал-ҳикма»даги кутубхонага, расадхона ва илмий-текшириш ишларига раҳбарлик қила бошлайди. Бу ўз моҳияти билан фанлар академияси президенти вазифаси билан баравар эди.

ал-Хоразмийдир. Бу улуг олим ҳисоб, геометрия, астрономия, география, тарих фанлари тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

Муҳаммад ибн Мусо асли хоразмлик бўлиб, VIII асрнинг охирида Бағдодга бориб, у ерда муқим бўлиб қолган эди. Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий «Дорул ҳикма» («Билимлар уйи»)даги кутубхонанинг бошлиғи бўлган. Узи кўплаб илмий ишларни амалга оширган. Қадимий юнон олими Птоломейнинг «География» деган китобини қайта ишлаб чиққан. Хоразмийнинг бу асари «Китоби суратул Ард» («Ернинг суврати китоби») деб аталади. Мазкур асарнинг 1037 йили кўчирилган араб тилидаги бир қўлёзма нусхаси ҳозир Страсбург кутубхонасида сақланмоқда. Унинг арабча тексти 1926 йили Х. Мжик томонидан нашр этилган.

Хоразмийнинг «Китоби суратул ард» асари араб тилидаги география асарлари ичида бизнинг замонамизгача етиб келган энг биринчи ва ягона асар ҳисобланади. Аммо ҳанузгача араб тилидан ҳозирги тилларга таржима қилинган эмас. Уни «Ернинг одамлар яшайдиган чораги тасвири» деб ҳам атайдилар. Хоразмий шу асарда ернинг одамлар яшайдиган бўлагини (рубъи маскун) етти иқлимга бўлган, уларнинг ўрнаниши ўзига маълум бўлган тартибдан тамомла бошқача тарзда тасвирлаган. Ана шу иқлимларда жойлашган тоғлар, дарёлар ва шаҳарларнинг айрим таърифларини берган. Хоразмий хариталар ҳам тузиб чиққан. Шу хариталардан тўрттаси Страсбург қўлёзмасида мавжуд бўлиб, уларда айниқса Нил дарёсининг харитаси ўзининг муфассаллиги билан ажралиб туради. Азов денгизи ҳавзасининг тасвири ҳам диққатга сазовордир.

Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг «Ернинг сува-

ти китоби» география соҳасида бутун бир янги олам яратди. Бу тўла эътироф этилган ҳақиқатдир. Математика соҳасидаги ишлари улуг олимнинг шухратини янада оширди. Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг арифметикага оид асари XII асрда араб тилидан лотин тилига таржима қилинган эди. Ана шу таржиманинг ягона қўлёзма нусхаси Кембриж (Англия) кутубхонасида сақланади. Унинг тексти XIX асрда нашр этилган. Хоразмий бу асарда ҳинд санок системасини тасвир этган. Хоразмийнинг шу асари юзага келиши билан Шарқ ва Ғарб фанида ҳисоб илмининг янги даври бошланган. Лотин тилидаги таржимада «ал Хоразмий» сўзи «ал горитми» деб ёзилган эди. Шу тариқа математикада бир методнинг номи алгорифм келиб чиққан.

Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий қаламига мансуб — алгебра фанига асос солган «Китобул мухтасар фи ҳисобал жабр вал муқобала» («Тиклаш ҳисоби ва қиёслашни қисқача баён этувчи китоб») асарининг араб тилидаги ягона қўлёзмаси қизгача етиб келган ва барча тилларга таржима қилинган. 1964 йили бу китоб рус тилида Тошкентда «Фан» нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг астрономияга оид «Зиж» («Жадвал») деган асари ҳам бўлган, лекин у бизгача етиб келмаган. Аммо бу асарни испаниялик мунажжим ал Мажритий 1007 йили қайта ишлаб чиққан эди. Ана шу қайта ишланган нусханинг Бата шаҳаридан бўлган Аделярд томонидан 1126 йилда қилинган таржимаси бизгача етиб келган. Хоразмий яратган назарий ва амалий астрономияга оид бу тадқиқот ва жадвал Ғарбий Европадаги астрономик тадқиқотларга асос солди.

Шундай қилиб, Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий математика, алгебра, астроно-

мия ва география фанларининг ривожланишига гоят муҳим ҳисса қўшди. Унинг номи, асарлари барча халқларга ёд бўлиб кетди. Машҳур фан тарихи мутахассиси Сартон IX асрнинг бутун биринчи ярмини Хоразмий номи билан боғлайди, уни «ўз даврининг энг улуг математик олими, агар бутун шароитларни ҳисобга олинса ҳамма даврларнинг энг буюк олимларидан бири» деб таърифлайди.

Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмийнинг вафот этган йили аниқ эмас. Унинг тўғрисидаги маълумотлар 847 йилга оид воқеалар баёнида учрайди. Шу боисдан, 847 йилдан сўнг вафот этган, деб тахмин қилиш мумкин.

Буюк ватандошимиз, хоразмлик улуг аллома Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг ижоди ва илмий мероси узоқ йиллардан бери шарқшунос олимларнинг диққат-эътиборидадир. Машҳур шарқшунослар — Наллино, В. В. Бартольд, Ю. А. Крачковский ва бошқа олимлар Хоразмий илмий фаолиятини тадқиқ қилишда катта хизмат кўрсатдилар. Ўзбекистонда Т. Қори-Ниёзий, М. Салье, У. Каримов, М. Хайруллаев, А. Ирисов, А. Аҳмедов ва бошқа кўпгина олимлар Хоразмийнинг илмий мероси тадқиқотида бағишланган бир қанча ишларни амалга оширганлар. Ҳозирги вақтда бутун дунё жамоатчилиги, улуг олим Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий туғилган кунининг 1200 йиллигини нишонлаш учун ҳозирлик кўрмоқда. Шу муносабат билан Хоразмий асарларининг ўзбек ва рус тилида таржималари юзага келар, «Дорул ҳикма»да хизмат қилган бошқа ватандош олимларнинг асарлари эълон қилинар, илм-фан тарихининг янада кўп қимматли ёдгорликлари умумхалқ мулкига айланиб, социалистик фан ва маданиятимиз тараққиётига хизмат қилар, деган умиддамиз.

Маълумки, араблар забт этган мамлакатлардан чиққан олимлар асарларини араб тилида ёзганлар. Ал-Хоразмий ҳам арифметика, алгебра, астрономия, география ва бошқа фанларга оид асарларини араб тилида яратган. Бошқача қилиб айтганда, XII—XVI асрларда Ғарбий Европада фан тили — лотин тили бўлгани каби, Ал-Хоразмий замонида Яқин ва Урта Шарқда фан тили — араб тили эди.

Ал-Хоразмийга дастлабки оламшумул шухратни олимнинг «Ҳисоб ал-ҳинд» («Ҳинд ҳисоби») рисоласи келтирди. Бу рисола амалий арифметикага оид бўлиб, математика тарихида биринчи марта ўнли позицион системанинг амалиётга татбиқи эди. Ал-Хоразмийнинг арифметик рисо-ласи 1150 йили лотин тилига таржима қилинган. Бу таржиманинг XIV асрнинг ўрталарига доир битта қўлёзмаси Англияда, Кембриж университетининг кутубхонасида сақланмоқда.

Китобнинг Европа мамлакатларида бунчалик кенг тарқалишига асосий сабаб Ал-Хоразмий тақлиф этган система бўйича ҳисоблашнинг жуда қулайлигидир. Мисол учун ўнли позицион системада 1981 ни олайлик. Бунда 8 фақат 8 эмас, 8 та ўнлик, 9 фақат 9 эмас, 9 та юзлик, 1 фақат 1 эмас, 1 мингликдир. Шу сабабли ҳам «Бир минг тўққиз юз саксон бир», деб ўқиймиз. Ёки, мана бу ўнли позицион системада ва рим рақамларида ёзилган сонларни олинг: 2834—ММССМ XXXIV, рим рақами билан 10 белги ишлатилади.

Ал-Хоразмий арифметикани ҳинд усулида баён қилди. Рисоласида у санаш, 10 та рақам ёрдамида сонларни ёзиш, 4 арифметик амал, квадрат илдиз қиришиш ва оддий касрлар устида амалларни қараб чиқади.

Ҳозирги замон бошланғич арифметика курси Ал-Хоразмий арифметикасидан кам фарқ қилади. Ал-Хоразмий арифметикасида процент, пропорционал бўлишлар ва ўнли касрлар йўқ, холос. Улуғ бобомиз ҳисоб асоси учун ҳинд ҳисобини олди. Бундан Ал-Хоразмий «тайёрига эга бўлган экан-да», деган фикр чиқмайди. У ҳозирги замон маъносидаги арифметиканинг асосчиси дир. Машҳур немис математиги Герман Ганкель (1839—1873) тарихий фактларни қиёслаб, ҳиндлар ҳам, юнонлар ҳам Ал-Хоразмийнинг китобига ўхшаш китобга эга бўлмаганликларини исботлади.

Янги арифметикани араблар ҳам Ал-Хоразмийнинг мана шу «Ҳисоб ал-ҳинд» асари бўйича ўргандилар. Шу сабабли янги арифметика яратиш гоёси ватандошимизда у Бағдодга бормасдан олдин, Хоразмдалигида пайдо бўлган эди, дейишга асос бор.

Ал-Хоразмийнинг мазкур рисоласи совет олимлари — Ю. Копелевич ва Б. Розенфельд томонидан рус тилига ҳам таржима қилиниб, республи-

камизнинг «Фан» нашриётида 1964 йили босилиб чиққан.

Алгебранинг мустақил фан сифатида вужудга келиши ва ривожланишида Ал-Хоразмийнинг хизматлари буюк. «Алгебра» терминининг ўзи ҳам алломанинг «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва-л-муқобала» («Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб») рисоласидаги «ал-жабр» сўзининг бузилган шаклидир. Бу асарда олим элементар алгебранинг қонун-қоидаларини баён этади. Рисола бизгача 1342 йили кўчирилган арабча нусхада етиб келган. У Оксфорд университетининг кутубхонасида сақланади. Китоб Европа халқларининг кўп тилларига таржима қилинган. Улардан энг қимматлилари 1145 йили инглиз олими Роберт Честер ва 1160 йили итальян олими Кремоналик Герардо томонидан лотинчага ўгирилган таржималардир. 1486 йили Иоган Видман биринчи бўлиб Лейпциг университетига алгебра курсидан лекциялар ўқийди ва дарслик ёзади. Олим дарсликнинг жуда кўп қисмини Ал-Хоразмий рисоласидан олади.

Урта асрларда алгебрадан ёзилган кўплаб қўлланмаларда Ал-Хоразмий рисоласидаги мисол ва масалалар такрорланади. Рисоланинг Оксфорд нусхасини 1851 йили Петербург университетининг профессори В. Розен шарҳлар билан Лондонда нашр этган.

«Ал-жабр ва-л-муқобала» лотин, инглиз, немис, француз ва рус тилларида босилиб чиққан. Рус тилига таржимаси математика тарихчиси Б. Розенфельд томонидан амалга оширилиб, 1964 йили «Фан» нашриётида чоп этилган.

Ал-Хоразмий рисолаи ёзишдан мақсадини асар муқаддимасида қуйидагича баён қилади: «Мен арифметиканинг содда ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи ал-жабр ва-л-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб ёздим. Чунки у одамларга мерос тақсимлаш, васиятнома ёзиш, бойлик бўлиш ва адлия ишлари, савдо-сотик, канал қазиш, геометрик ҳисоблашлар, шунингдек, бошқа турли муносабатларда жуда ҳам зарур».

Авалло, рисола номидаги «ал-жабр», «ал-муқобала» терминлари ҳақида. Бу терминлар иккита алгебраик амални билдиради. «Ал-жабр» — «тўлдириш» — тенгламанинг бирор қисмидаги айрилувчи ҳадни унинг иккинчи қисмига қўшилувчи кўринишда ўтказиш. Мисол:  $3x^2 - 4x + 2 = 2x^2 + 7x$  «ал-жабр» амали қўлланса, тенглама ушбу кўринишга олади:  $3x^2 + 2 = 2x^2 + 4x + 7$ . «Ал-муқобала» — «қарама-қарши қўйиш» — тенгламанинг ҳам иккала қисмидаги тенг қўшилувчиларни ўзаро ейиштириш. Олдинги тенгламага «қарама-қарши» қўйишни татбиқ этсак, у шундай кўринишга келади:  $x^2 = 4x + 5$ .

Ал-Хоразмий рисолаи уч қисмдан иборат. 1. Тенгламаларни ечиш усуллари. 2. Улчашлар ва геометрик масалаларни ечиш. 3. Васиятга боғлиқ масалаларни ечиш.

Алгебрага доир материал китобнинг биринчи қисмида берилган. Бу қисм элементар алгебрадан иборат. Хоразмий алгебрани тенгламаларни ечиш ҳақидаги фан деб тушунган. Математика тарихидан маълумки, Миср, Бобил, Ҳинд ва Юнон математикасида баъзи тенгламалар учрайди, аммо уларда бу тенгламаларни ечишнинг умумий методи бўлмаган. Шу сабабли Ал-Хоразмийгача фан сифатидаги алгебра мавжуд эмас эди.

Буюк ватандошимиз тенгламаларни системага солди, биринчи ва иккинчи даражали тенгламаларни ечишнинг тўлиқ назариясини яратиб, алгебра фанини вужудга келтирди.

Ал-Хоразмий рисоласининг учинчи қисми — мерос тақсимлашга доир бўлиб, ўз замонасида катта аҳамият касб этган. Бу қисм назарий элементларни ўз ичига олган амалий математикадир. Олим исломнинг ҳуқуқ қоидалари асосида, меросхўрлар орасида мулк тақсимлаш ҳақидаги турли мазмунли олтмишдан ортиқ мураккаб масалаларни тенглама ёрдамида ечиш методини кўрсатади.

Бу ўринда шунини қайд этиш лозимки, Ал-Хоразмийдан кейин яшаб, ижод қилган ўрта аср Шарқ математиклари асарларида, шунингдек, XX асргача мадрасаларда ўқитилган математика дарсликларида «Мерос тақсимлаш» бўлимига анча катта ўрин берилган.

«Байт ал-ҳикма» расадхонасида Ал-Хоразмий осмон жисмларининг ҳаракатини ўрганади. Текширишларнинг натижаларини эса «Зиж фи илм ал-фалак» («Астрономик жадваллар») номли рисоласида баён қилади.

Маълумки, араблар илмий астрономиядан 773 йилдан кейин хабардор бўлганлар. Уша йили Бағдодга бир ҳинд олими «Синдхид» деб аталувчи юлдузлар илми ҳақидаги китобни келтирган. Қадимги санскрит тилида ёзилган бу китобни Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Фазарий араб тилига таржима қилган. Ал-Хоразмий ана шу «Синдхид»га катта сўз боши ёзиб, асарни таҳрир этган.

Алломанинг ўзи ёзган «Астрономик жадваллар» эса бизгача етиб келмаган. Рисоланинг X аср охирида испаниялик араб Абу ал-Қосим ал-Мажридий (ал-Мадридий) қайта ишлаган нусхаси ҳам бўлган, аммо у ҳам йўқолган. Абу ал-Қосим қайта ишлаган нусханинг 1126 йили лотинчага қилинган таржимаси сақланиб қолган ва китобда асар муаллифи Муҳаммад Хоразмий экани кўрсатилган. Ал-Хоразмийнинг «Астрономик жад-

# ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ГҮШТ

**Р**ЕСПУБЛИКАМИЗ колхоз ва совхозларининг техника кучи, энергетика қудрати йил сайин ортиб бормоқда. Шунингдек, ерларни кимёвий усулда бойитиш ва мелiorациялаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Ҳа, бугунги ўзбек деҳқонлари замонавий техникани ўз измига солган, об-ҳаво ноқулай келган йилларда ҳам ердан унумли фойдаланишга қодир омилкор кишилардир.

Ер — ҳазина. Унда пахта, чорва учун озуқа, турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун битмас-туганмас имкониятлар мавжуд. Ҳамма гап унга меҳр қўйиб, унумли фойдаланишда.

Маълумки, бизнинг Наманган области шароитида экин майдонларини янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига кенгайтириш имконияти йўқ. Бу ҳол бир қарич ердан оқилона фойдаланишимиз лозимлигини таъқозо этади.

Олимларимиз республикаимиз иқлими шароитида баъзи экинлардан тақор ҳосил олиш, пахтачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш учун бирваракайига аралаш экинлар ўстириш фойдали эканлигини исбот этдилар. Бу биз учун айни муддао бўлди. Хўжалигимизда пахта-беда-маккажўхори алмашлаб экишни кенг йўлга қўйдик. Масалан, колхозимиз деҳқонлари 150 гектар ерга беда ва маккажўхорини аралаш экиб, ҳар гектар ердан 500 центнердан кўкпоя олдилар. Шундан кейин ҳам бедани икки марта ўриб, пичан бостирилди. Ўрнига экилган маккажўхоридан гектарига 70 центнердан ҳосил ундирдик. Бир неча йилдан бери шудгорланган пахта майдонининг бир қисмига рапс экиб, уни эрта баҳорда, яъни чигит эккунга қадар йиғиб олиш ҳисобига қўшимча озуқа етиштирмоқдамиз. Ана шундай имконият ҳар бир пахтачилик хўжалигида бор. Афсуски, бундай имкониятдан ҳамisha ҳам оқилона фойдаланилмаётир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладыда бундай деди: «Табий-иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда дон экиладиган майдонларнинг бир қадар оқилона структурасига планли равишда ўтишни таъминлаш учун фаол киришиш вақти етди. Бу соҳада фан ва мутахассислар ўзларининг қатъий фикрларини айтишлари зарур».

Озуқа сифати чорвачиликда катта аҳамиятга эга. Аҳолининг сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи йил бўйи камаймайди, аксинча резавор ва полиз маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятлари чекланган қиш фаслида ҳатто ортади. Бу даврда сигирларга витаминли ва тўйимли озуқа етарли миқдорда берилмаса, уларнинг сути баҳор фаслидаги нисбатан камади. Доно халқимиз: «Сигирнинг сути — тилида», деб бежиз айтмаган. Биз чорва озуқаси таркибидеги мутаносибсизлигини олдини олиш учун замонавий техника воситалари билан таъминланган сутчилик комплекси ҳузурида озуқа чеҳи курганмиз. Унда тўйимли озуқалар билан бирга хлорелла етиштирилади. Қишда ҳар соғин сигирга бир кечакундузда 10—15 литрдан хлорелла берамиз. Сершира озуқа говмишларнинг сутини кўпайтиради. Маъфират Қўчқорова, Мухаббат Турсунова, Саодат Маҳмудова каби сут соғувчиларимиз ўзларига биркитилган сигирларни меҳр билан парвариш қилиб, уларнинг ҳар биридан йилига 3000—3500 килограмдан сут соғиб олмақдалар.

Биз сигирларни зотига, ёшига ва маҳсулдорлигига қараб уч гуруҳга ажратамиз: зотдор сигирлар, соғин сигирлар ва яроқсиз моллар. Сутдан қолган сигирлар ва қари ҳўкизлар яроқсиз моллар сифатида боқиш учун фермага топширилади.

Биэда молларни сўқимга боқиш яхши йўлга қўйилган. Сўқимчилик фермасининг Тожи Насриддинов, Неъмат Ҳасанов каби моҳир ходим-

лари ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазнини 800 килограммга етказишга муваффақ бўлдилар. Бузоқбоқар Каромат Асқарова эса ҳар бир бузоқнинг ўртача вазнини ўн икки ойда 405—410 килограммга етказишга эришмоқда.

Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш кадрларга, уларнинг малакасига боғлиқ. Шунинг эътиборига олиб, колхозимизда чорвачилик иқтисодий мактаби ташкил этганмиз. Ҳар йили унда йигирма беш киши икки ой давомида ўқийди. Мактабда бош зоотехник Азамат Обидов, ветеринария врач Комилжон Назаров ва бошқа мутахассислар машғулот ўтказадилар. Тингловчилар молларни сунъий урчитиш, болалатиш, рацион бўйича озиқлантириш, боқувга қўйилган молларни семиртириш, моллар зотини яхшилаш, чорва озуқаси таркибидеги оқсилнинг мутаносиблигини таъминлаш каби муҳим масалалар бўйича малака орттирадилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Гражданиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларидеги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» деб чиқарган қарори чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарорда шахсий ёрдамчи хўжаликларда молларни асраш учун тегишли шароит яратиш, биринчи навбатда, колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг зиммасига юклатилган. Шахсий хўжаликларни ривожлантириш учун давлат томонидан имтиёзлар берилган. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу муҳим партиявий ҳўжат юзасидан аниқ тадбирлар белгилади.

Кези келганда, яна икки масала хусусида тўхталмоқчиман. Одатда, ҳар бир хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда давлатга сотиш планлари тузилади. Ишлаб чиқариш планидеги маҳсулот истеъмол қилиш бўйича хўжаликларнинг икки эҳтиёжлари ҳам инobatга олинади. Лекин

баъзан, афсуски, мутахассислар иштирокида пухта тузилган планни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилинмайди. Маҳсулот сотиш планини бажаришга эса айрича эътибор берилмайди, гоҳи бу борада зўрма-зўраки иш тутилади. Баъзи ўртоқлар ишлаб чиқариш плани билан эмас, балки сотиш плани билан кўпроқ қизиқадилар. Хўжалик раҳбарларига шунга қараб боҳо берадилар. Ахир, масаланинг моҳияти ишлаб чиқариш планида-ку!

Тан олишимиз керакки, пахтачиликдаги долзарб паллада, масалан, йигим-терим пайтида, чорвачиликка эътиборни бирмунча сусайтириб қўямиз. Фермалардаги, чорвачилик комплексларидаги ишчи кучи ва техника воситаларининг бир қисми пахтачиликка сафарбар қилинади. Ваҳоланки, айни кунда чорвачилик биноларини ремонт қилиш, етилган ем-хашакни йиғиштириш сингари таъмиратилар кўпаяди. Худди шундай ганимат пайларда фермадаги одамлар пахта теримига жалб этилади. Пахта теримини комплекс механизлаштириш учун барча шароитлар мавжудлигига қарамасдан, шу имкониятларни тўлиқ ишга солиш ўрнига чорвачиликка ўғай кўз билан қараш ҳоллари ҳануз учраб туради.

КПСС XXVI съезди қарорларида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори чорвачиликни ҳам кескин ривожлантириш муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди. Съезд материалларида моллар ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш, соғин сигирлар сутининг сифатини яхшилаш, бузоқларни интенсив ўстириш ва боқиш, бурдоқига боқиш муддатини қисқартириш йўли билан мол гўшти етиштиришни кўпайтиришга эътиборни кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Партияимизнинг бу тарихий кўрсатмалари зиммамизга катта масъулият юклайди.

**Воҳид МУМИНОВ,**  
Норин районидеги «Октябрь»  
колхозининг раиси

валлар» рисоласи Ньютон ва Гершель асарлари пайдо бўлгунга қадар Европада асосий қўлланма вазифасини ўтаган. «Астрономик жадваллар» охириги марта 1914 йили немис тилида Копенгагенда нашр этилган.

Ал-Хоразмий геодезик ўлчаш ишларига ҳам раҳбарлик қилган. Ер меридиани ёйи, узунлигини аниқлаш мақсадида Тадмор ва ар-Ракка орасидаги масофа ўлчанган ва ер меридиани 1° ёйининг узунлиги  $56\frac{2}{3}$  араб милига тенг (бир араб

мили — 1973 метр) деб топилган. Шу тариқа, Ер меридиани бир градусининг узунлиги Ал-Хоразмий ўлчашларида 111815 метрга тенг экан. Ҳозирги замон ўлчашлари эса унинг 110938 метрга тенг эканини кўрсатади. Кўриниб турибдики, бу ерда фарқ жуда кам.

Халифа ал-Маъмун «Байт ал-ҳикма»да ишловчи олимларга осмон ва жаҳоннинг батафсил хариталарини тузишни буюрган. Бу иш билан жуда кўп олимлар шуғулланганлар. Уларга Ал-Хоразмий бошчилик қилган. Шу хариталар мажмуи «Маъмун дунё харитаси» номи билан юритилган ва у 840-йиллар атрофида ниҳосига етказилган. Ана шу муносабат билан Ал-Хоразмий географияга оид «Сурат ал-арз» («Ер сурати») рисоласини ёзган. Бу асар барча билимдонлар орасида «Ал-Хоразмий географияси» номи билан шуҳрат қозонган. Рисоланинг «Китабу расм ар-руб ал-маъмур» («Аҳоли яшайдиган чоракнинг расми») деган иккинчи номи ҳам бўлган.

Рисоланинг ягона қўлёзмаси 1878 йили Қоҳирадан топилган, аммо унинг анчагина саҳифалари

йўқолиб кетган, хариталаридан эса тўрттаси сақланиб қолган, холос.

Муҳаммад Хоразмийнинг географик мероси кўп шарқшуносларни қизиқтириб келмоқда. Чунончи, италян шарқшуноси К. Наллино 1895 йили Ал-Хоразмий ҳақида каттагина мақола ёзган; чех олими Ганс Мжик бир неча йиллар мобайнида Ал-Хоразмий асарини ўрганиб 1916 йили унинг бир қисминини, 1926 йили эса сўз боши ва изохлар билан бирга араб тилида тўлалигича нашр этган. У Муҳаммад Хоразмий изохларидан фойдаланиб олимнинг бир неча йўқолган хариталарини ҳам тиклаган; венгриялик шарқшунос К. Цегледи Ал-Хоразмий географиясидан фойдаланиб, «Дунайбўйи мамлакатларининг хоразмийча харитасини» яратган.

Муҳаммад Хоразмийнинг географияга доир рисоласидаги маълумотлар рус тилида улуг рус шарқшуноси И. Крачковский асарларида эълон қилинган.

«Ал-Хоразмий географияси»да бир неча харита ва уларга берилган изохлар бўлган. Изохлар асосан жадвал кўринишида ёзилган. Ҳар бир саҳифада икки қатор жадвал бўлиб, унда дунёнинг турли районлари иқлимлар бўйича жойлаштирилган ва координаталари берилган. Китобда 537 жой номи, 203 тоғ номи, денгиз ва ороллар номлари, энг охирида эса, дарёларнинг номлари келтирилган.

1894 йили Италия Фанлар академиясининг махсус комиссияси Ал-Хоразмийнинг «Ер сурати» асарини текшириб, бу асар ўз даврида қимматли қўлланма бўлганини, умуман, география фани тараққиётига катта ҳисса қўшганини таъкидлади. Шу сабабли ҳам К. Наллино Ал-Хоразмийга

баҳо бериб: «Европадаги ҳеч бир халқ дастлабки даврда Хоразмий эришган ютуққа эришишга ва бундай асар яратишга қобил эмас эди», деди.

Юқорида баён этилган фактлардан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий асарларининг ҳаёт ва амалиёт билан чамбарчас боғлиқлиги, у асарларини ўзи учун ёки шуҳрат қозониш учун ёзмаганлиги яққол кўринади. Олим назарий материалларни иложи борича содда, китобхон учун тушунарли тилда ёзишга ҳаракат қилади, ҳар бир қоида мисоллар ёрдамида тушунтиради. Демак, Ал-Хоразмий буюк алломагина эмас, буюк мураббий, муаллим ҳамдир.

Биз бу мақолада Ал-Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби», «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб», «Астрономик жадваллар» ҳамда «Ер сурати» асарларининг ёзилиши тарихи ҳамда уларнинг мазмуни ҳақида мухтасар тўхталдик.

Муҳаммад Хоразмийнинг тарихга доир асар ёзганлиги маълум, чунки ундан кейин яшаган кўпгина тарихчилар бу асарни эслайдилар. Афсуски, у бизгача етиб келмаган. Бундан ташқари, Ал-Хоразмий астролябиянинг (осмон жисмларининг координаталарини аниқлаш учун ишлатилган асбоб) тузилиши ҳақида ҳам қўлланма ёзган, аммо бу асар ҳам сақланмаган.

Улуг бобокалонимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг ҳаёт йўли, унинг фан ва халққа қилган хизматлари замонамиз ёшлари учун ёрқин намуна бўлиб хизмат этиши шак-шубҳасиздир.

**А. АБДУРАҲМОНОВ,**  
физика-математика фанлари кандидати

# ТАШАББУС ҚУДРАТИ

Турмуш шароитларини ҳар қандай яхшилашга совет кишиларининг ўзлари зўр ғайрат билан қилган меҳнат туфайлигина эришиш мумкин. Етук социализм ҳар бир гражданинги қобилиятларини рўйбга чиқариш учун гоят кенг имкониятларни таъминлайди. Ҳамма гап мана шу имкониятлардан фойдаланишда қолган.

Л. И. БРЕЖНЕВ

**Б**

ундан бир неча ой аввал республикамиз sanoat корхоналарининг ўн беш илғор ишчиси бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини бажариш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллади. Ватанпарвар ўн бешлар сафиди

Мўйноқ балиқ консерва комбинатининг балиқ кесувчиси Бибижамол Асанова ҳам бор.

...Мана, осмон билан тутшиб кетган мовий денгиз. Бир-бирини қувлаб гирдоб элаётган ўркак тўлқинлар. Соҳилларда балиқчиларнинг чодирлари. Уларнинг меҳнати ҳам, ҳаёти ҳам шу денгиз билан боғлиқ.

Шу тўлқинлар қўйнида узоқ йиллар яшаб, фидокорона меҳнат қилаётган кишилар ҳақида ўйлаганингизда олижанобликнинг янги-янги фазилатларини кўрасиз. Тўлқинлар қўйнида сузаётган балиқчилар ҳам, соҳилда салобат тўкиб турган консерва заводи цехларида тер тўкаётган ишчилар ҳам, портларда, бухталарда ва дельталарда туриб, Иттифоқимиз шаҳарлари ва чет элларга балиқ маҳсулотлари жўнатаётганлар ҳам — ҳаммаси бирдек жонкуяр, меҳнаткаш, нияти улўғ кишилардир. Бундан олтмиш йил муқаддам — 1921 йилнинг 7 октябрида доҳий Ленин ўзининг «Уртоқ ишчиларга, Орол денгизининг балиқчиларига!» деган хатини ана шу балиқчиларнинг боболарига йўллаган эди: «Қадрли ўртоқлар, Орол денгизининг балиқчилари ва ишчилари, саҳий қўлингиз билан ёрдам қилинг. Бу билан сиз одамгарчилик қилибгина қолмай, ишчилар инқилобининг ишини ҳам мустаҳкамлаган бўласиз...»

Ана шундай саҳий қўлли, элда эътибор топган балиқчилар авлодининг янги вакиллари билан бири — Бибижамол Асановадир. У — доҳий мурожаатини илк ўқиган Орол балиқчисининг набираси. Биз унинг қайноқ меҳнатга, тажрибага бой ҳаётини ўрганиш истагида сафарга отландик.

Ложувард осмон билан тутшиб кетган мовий денгиз соҳилида давра қурдик.

— Денгизда балиқлар кўпми? — деб сўрадик Бибижамолдан.

— Айни кўп бўладиган пайти-ю, аксига олиб... Йилдан-йилга сув камайиб, дельтали кўлларимизнинг кўпи қуриб қоляпти-да... Ҳозир уларга сув қуйиб, балиқ булдуруқларини урчитса бўларди-я.

— Хўш, ўзингизнинг ишларингиз яхшими?  
— Дуруст, фақат шу... Симферополь-консерва заводидан келтирилган янги машиналарни цехда ҳамма бирдек ўрганолмаяпти. Ҳозир бизда уни фақат икки кишигина бошқаряпти.

— Сиздан бошқа яна ким?  
— Дугонам Насиба Икметова.

— Симферополликларнинг ўзлари сиз айтган машиналардан яхши фойдаланяптиларми? — яна сўхбатга тордик уни.

— Машина дастлаб уларда синаб кўрилган, — деди у бир оз ўйга толиб. — Биз Гурьев балиқ консерва комбинати коллективи билан мусобақадоримиз. Икки йил илғари ўзаро текшириш бригадаси составида улар ҳузурда бўлган эдик. Ушанда йўл-йўлакай сал-пал ўрганиб келгандик. Кўпчиликнинг ўрганиши учун махсус курс ташкил



Ун беш ташаббусдорнинг бири, Мўйноқ балиқ консерваси комбинатининг илғор ишчиси Бибижамол Асанова.

этиш лозим. Республика Озиқ-овқат sanoati министрилиги шуни уюштиради, деган умиддамиз.

— Ҳозир мусобақада ким олдин? Гурьевликларми ёки? — деб сўрадик.

— Утган йилни ҳисобга олмаганда, — деди эҳтирос билан сўхбатдошимиз, — ҳозирча биз голиблик қилаямиз. Лекин йилнинг охирига бориб яна улар ўтиб кетиши мумкин. Чунки бугунги кунда Гурьев, Симферополь атрофларида балиқлар кўп. Сув мўл. Бизда эса ўзингиз биласиз... Оролга икки зар кокил дарёмиз — Аму билан Сирдан қуйиладиган сув миқдори тобора камайиб кетяпти... Яқинда қайсидир газетада ўқиб қолдим, олимлар ажойиб бир таклифни кўтариб чиқдилар, — дея гапини давом эттирди у. — Ўзлаштирилётган майдонлардаги қанчадан-қанча ер ости сизот сувларини тўплаб, махсус каналлар орқали Аму ва Сир дарёларига туширишни таклиф қилибдилар. Назаримда, бу жуда маъқул таклиф. Тузли сувлар, экинларни сўғоришга яроқсиз оқовалар Оролга, ҳар қалай, вақтинчалик мадад бўларди.

Ҳа, олимларимиз ва лойиҳачиларимиз Орол денгизини сақлаб қолиш учун Сибирь дарёларини Урта Осие ва Қозоғистонга буриш йўлларини қидирмоқдалар. Бу муҳим масала партияимиз XXVI съездида ҳам алоҳида таъкидланди. Демак, Оролнинг, минглаб оролликларнинг истиқболи яна ҳам порлоқ.

Бибижамол ишлаётган корхона ўзининг хуш-

таъм консерва маҳсулотлари билан шухрат қозонган. Бу ерда тайёрланаётган ўттиздан ортиқ маҳсулотнинг бир неча тури давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Комбинат съездлар йилида 12 миллиондан ортиқ банка-консерва ишлаб чиқаради, бунинг 200 мингдан зиёдроғи мажбурият ҳисобига тайёрланади. Эришилаётган ютуқларда заҳматкаш ишчи Бибижамол Асанованинги ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Ху, сарғайиб кўринаётган дарахтзорларми? — Бибижамолдан сўради даврадагилардан бири.

— Йў-ўқ, — деди у афсусли бир оҳангда. — Қовжирган қамишзорлар. Кўлда сув камайгач...

— У ерда яшайдиган қушу ҳайвонларга ҳам қийин бўпти-да!

— Нимасини айтасиз. Улар орасида Қизил китоба кирган нодир қушлар, ҳайвонлар бор. Уларни ҳам муҳофаза қилиш керак, — маънос тортди Бибижамол. Бироздан сўнг сўзида давом этди. — Сўнгги йиллар сатҳи 10 миллион гектардан зиёд бўлган кичик кўлларимиз қуриб қолди. — Бу — шунча ҳажмдаги қамишзорларимиз қовжираб кетди, деган гап. Илғари қамишдан тўқилган буйраларни халқимиз буюм сифатида туртарди. Нам ўтказмайди-да! Одамлар зотилжам касали нималигини билмасди. Чий билан ёпилган томлар қор-ёмғир ўтказмасди. Билмадик, бунақа ишлар ҳозирча энгил sanoat корхоналарининг назарига тушмаяптими...

Орага жимлик чўқди. Чамаси, даврадагиларнинг фикр-хаёли Бибижамол ўртага ташлаётган муаммолар талқини билан банд эди. Айримлар унинг таклифларини ён дафтарларига ёзиб ҳам қўйди.

— Бақувват қўл ва ўткир кўз, — деди Бибижамол сўхбатимизнинг асосий мавзуга кўчиб, — балиқ кесувчининг асосий қуролидир. Аммо беш йил мобайнида нормани икки ҳисса бажариш, яъни 614 тонна маҳсулот тайёрлаш учун бугина кифоя қилмайди. Иш кунининг ҳар бир дақиқасидан тежаб унумли фойдаланиш, технология интизомига қатъий риоя этиш керак...

Бибижамол ўз аҳдининг устидан чиқиш учун бутун маҳоратини ва меҳнатда орттирган тажрибасини ишга солмоқда. Натижада ҳар сменада 750—800 ўрнига 1500—1600 килограммгача балиқни кесиб тайёрлашга муваффақ бўлаётир. У йил охиригача 61 тонна ўрнига 120 тонна маҳсулот топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Беш йиллик охирига бориб кўрсаткич салмоғи 614 тоннага етади. Бу — нормадагидан икки баравар кўп!

Корхонада Бибижамолнинг қимматли ташаббусига қўшилиб самарали ишлаётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Даригул Холмирзаева, Гулзира Давлетова, Уштуп Сочимбоева, Маржон Қалиева, Шаҳзода Жўраева сингари Асанованинги издошлари кунлик топшириқларини бир ярим-икки баравар қилиб адо этмоқдалар.


Утган беш йилликда 509 тонна балиқ маҳсулоти тайёрлашга эришган Бибижамол Асанованинги ва унинг издошларининг ўн биринчи беш йилликда ҳам мамлакатимиз балиқ sanoatининг донгдор ишчилари сафидан муносиб ўрин олишларига ишонамиз. Зеро, улўғ Ленин бугунги кунларимизни башорат қилиб, ишчилар меҳнат унумдорлигини оширишга бел боғлаган кўни коммунизм бошланади, деган эди.

Дарҳақиқат, доҳий таъбирича, коммунизмни бошлаб бераётган Бибижамол Асановага ўхшаган саҳий қўлли балиқчиларни ҳар қанча таъриф қилсак арзийди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

# ФИДОКОР ДЕҲҚОН

## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



РГАШ полвон Турсунов 1964 йили Марказий Фарғонанинг асрлар бўйи инсон меҳрига ташна бўлиб ётган Сарсонқум даштига ўз ҳамқишлоқлари билан келиб, битта бригада тузди. У вақтларда ҳозирги Марҳамат райони ҳам, массивдаги «83-хўжалик» деб аталган резерв участка ҳам Ленин районига қарарди. Чўлда фақат қовун-тарвуз, сабзавот етиштирилар, асосан хашак жамғарилар эди.

— Бу ерда ғўза бемалол ўсади,— деб босиқлик билан ўз аъзоларига тушунтира кетди Эргаш полвон.— Ер теп-текис. Сув тахчил эмас. Бутазорлар шамолнинг забтини кесади. Ғўза: остим кўл, устим чўл бўлсин, дермиш. Ҳар иккиси бор. Сув сероб, остини кўл қиламиз. Устини чўл қилиш— қуёшдан. Ўғит етарли. Меҳнатдан қочмасак бўлди!..

Биринчи йилиёқ ажойиб ғалаба қўлга киритилди. Бригада йиллик плани биринчи бўлиб, уч кунда бажарди. Шу таразда Сарсонқум сари истиқбол йўли — пахта йўли очилди.

Эргаш полвоннинг пахтачиликдаги тажрибалири янги ер ўзлаштиришда кўпчилик учун асқотди... Едида. Илк бор чўлга келган кезлари қаттиқ шамол турди. Довулнинг келбати бор эди унда. Чор атроф чанг, тўзон, гирдибод... Кўз очиб бўлмайти. Шамол бўридек увлайди. Ҳатто саккиз нафар деҳқоннинг кўзи ўнгида икки одам бўйи келадиган қумтепани ялаб учириб кетди.

«Ғўзанинг ҳоли нима кечди экан!» Бу фикр полвонни эсанкиратиб қўйди. Тўнини бошига ёпиниб, шамолга тес ўгирилган ҳолда куч билан олға интилди. Вужуди кўзга айланиб, ғўзаларни қидирарди. Шамол учирган қум зарралари зарб билан ғўза япроқларига урилар, уларни илма-тешик қилиб юборар эди. «Наҳотки нобуд бўлса...»— дея нари юрди полвон. Қўшни картага ўт-

ди. Бирдан кўзлари чарақлаб кетди. Бригаданинг асосий пайкалларига сув қўйилганидан бўлса керак, ғўзаларнинг кўпи омон қолган эди.

Шамол тинди. Сокинлик чўкди. Чўл гўё ҳеч нарса юз бермагандек хотиржам мудрай бошлади. Полвон яна дала кезди. Сувсиз қолган картадаги ғўзаларга жиддий зарар етган, сувга қонган картадаги ғўзаларнинг асосий қисми эса шамолга дош берган эди.

Орадан бир неча йил ўтиб, Эргаш полвон СССР 50 йиллиги номидаги совхознинг 1-бўлимидаги қоқоқ бригадига етакчилик қилаётган пайтда ҳам худди шу йўл билан шамолнинг забти қирқилди. Районда фақат шу бригадада кўчат бут сақлаб қолинди. Тадбиркор деҳқоннинг тажрибаси тез фурсатда районга ёйилди.

Эргаш полвон фан-техника янгиликларини дадил қўллайтиди. Мутахассислар тавсиясига биноан Андижон ирригация машинасозлиги заводида тайёрланган чуқур юмшатгич ҳамда тупроқ юмшатгичлардан ҳам самарали фойдаланишда бошқаларга ибрат бўлаёттир. Бу мосламалар ҳайдов тракторига тиркалади ва техникалар қатнови ҳамда ўғитларнинг сувда эриб сингishi натижасида қотиб кетган, «иккинчи кўрик» деб аталган ҳайдов ости қатламини 90 сантиметр чуқурликда юмшатади. Бу эса ғўзаларнинг ерга чуқур илдиштишига ёрдам беради. Ташаббускор бригада шу йўл билан ҳосилдорликини бир йилда гектар бошига 7 центнерга кўтарди.

Кейинги йилларда сурункали ёғин-сочинларга қарши курашишнинг ҳам йўли топилди. Обдон шўри ювилган, яхоб берилган, маҳаллий ўғитга тўйдирилган тупроқда қатқалоқ айтарли бўлмади. Маҳаллий ўғитлар тупроқда ҳароратни етарли даражада сақлади.

Албатта, коммунист Эргашбой Нишонов, Фозилжон Исроилов, Турғунбой Камолов каби сувчилар ҳам қўл қовуштириб қараб туришмади. Улар ёғин-сочин тинди дегунча, пайкалларга қирқ-қоқил қилиб сув тарашди, зах захрини эса сув кесди. Бригадада кейинги ўн йил ичида ҳосилдорлик гектар бошига 8 центнердан 53 центнерга етди.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки кунлари эди. Эргаш полвон Турсунов район партия комитетининг биринчи секретари Иброҳимжон Дадахонов билан мусобақадош Бўз районида қайтмоқда эдилар. Машина елиб борарди. Атроф бепоён дала. Икки томон «Оқ олтин» совхозини 5-бўлимнинг ерлари.

— Менга қаранг, полвон,— дабдурустдан сўраб қолди секретарь,— сизникидан бу ерларнинг нима фарқи бор?

— Қувватини айтмаса, ҳеч фарқи йўқ...

— Айтаверинг, очигини айтаверинг. Сизнинг ерларингизда араванинг гупчагини экскаватори. Шундайми? Чунки бақувват, донатор, сара ерларга айланган. Бу ерлар бўлса, район кўрсаткичидан ҳам қарийб икки баробар кам — атиги 15—16 центнердан ҳосил берапти. Нега шундай?

— Меҳнати ҳам шунга яраша-да. Ернинг умри

бекорга ўтаётганига ачинасан киши. Бу ерлардан аллақачон 20—30 центнердан ҳосил олса бўларди.

— Партиямиз XXVI съездида экономикага раҳбарлик масаласи алоҳида ўқтирилди. Уртоқ Л. И. Брежнев юксак минбардан туриб, амалиётчилик билан ишбилармонликни буюк мақсадларга интилишга узвий боғлаш керак, деб таъкидлади. Демак, энди гап мундоқ. Шу бўлимни сиз қабул қилиб оласиз. Ҳосилдорликини 20—30 центнерга етказишга ҳаракат қилиб кўрасиз.

— Яхши,— деди полвон бир оз ўйлаб олгач,— партия топширигини албатта бажарамиз.

У ўша кунидек кун бўйи дала кезди. Ернинг баланд-пастини ўрганди. Қилинадиган ишларни дафтарчасига қайд этди: «14 гектарлик карта шўр. 19 гектарлиги ҳам... Барханга туташ ер эса ўғит кўрмаган. Қум. Лойқа сув қўйиш керак. Зовурларни тозалаш лозим...»

Эргаш полвон эртасигаёқ каттаю кичикни бўлим идорасига йиғди. Гапни қисқа қилди. Вазиятни тушунтирди. Ишларни тақсимлади.

— Топширилган ишларни ҳамма ҳалол, виждонан бажарсин, кейин қизаришиб ўтирмайлик,— деди у йиғилишда.

Бутун бўлим оёққа турди. Иш қизиди. Ариқзовурлар лойқадан, қамиш ва ўт-ўланлардан зудлик билан тозаланди.

Тупроқ шўри қатлама устига сепилган шакардек кўпчиб ётарди. Ёппасига икки марта, айрим карталарда уч-тўрт мартадан тупроқ шўри ювилди. Обдон яхоб берилди. Ер енгил нафас ола бошлади. У оёққа турган беморни эслатарди. Энди унинг дордларига малҳам суртиш керак эди. Гектар бошига 10—13 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилди. Энг асосийси, бўлим ишчилари бу тиниб-тинчимас, талабчан, меҳрибон, фидойи бошқарувчини сидқиқидилдан ёқтириб қолдилар. Шу боисдан ҳам йиғилиш янада жонли ўтди.

— Ҳосил пойдевори қалай?— сўради раҳбар.

— Аввалгиларидан анча яхши.

— Айтинг-чи, шу суръатда бир йилда икки йиллик плани бажаришга қўрбимиз етадимиз?

450 ўрнига 900 тонна! Айтишга осон. Аммо уни урдалаш-чи?! Орага жимлик чўкди.

— Менимча, бўлади,— деди 2-бригада бошлиғи Ҳасанбой Асатуллаев.— Масалан, бизнинг бригада ўтган йили 63 гектар ердан 100 тоннадан ортиқ ҳосил олди. Ер ўша-ўша. Аммо бу йил пахта 200 тоннадан албатта ошади!

— Биз ҳам икки плани бажара оламиз,— деди 3-бригада бошлиғи Жалолбой Таштемиров.

Бригадирнинг гапини механизатор Низомхўжа Ғаниев ҳам маъқуллади. Уларнинг сафи тобора ортиб борарди. Эргаш полвон Турсунов йиғилишнинг, бўлим эршуносларининг азму қарорини район пахтакорларининг қурултойида ўртага ташлади. Унинг кўксига Меҳнат Қизил Байроқ ордени, бир қатор жанговар медаллар қаторида Октябрь Революцияси ордени ҳам порлаб турар, бу ташаббусга кейинги шу юксак мукофоти илҳом бергандек туюлар эди.

Ҳамма янги, қўтлуғ, ибратли ташаббусни гулдурас қарсақлар билан олқишлади, район партия комитети ватанпарварлар ҳаракатини қўллаб-қувватлади.

Янги ташаббус кенг қўлоч ёйди.

Мана, олтин куз ҳам эшик қоқиб турибди. Эрта-индин йиғим-терим кампанияси бошланади. Фидойи деҳқон Эргаш полвон Турсунов бошлиқ омилкор деҳқонлар қизил карвон бошида бориб, ҳар қачонгидан мўл «оқ олтин» хирмонига муносиб улуш қўшадилар.

Акрамжон ВАҲОБОВ

Комсомолобод райони



«Оқ олтин» совхозининг директори Обиджон Анбаров (чапдан) ва 5-бўлим бошқарувчиси Эргаш полвон Турсунов пахта йиғим-теримини пухта тайёргарлик билан ўтказиш хусусида маслаҳатлашмоқдалар.

# ЯХШИЛАРГА ЁНДОШИБ..

ВОҶЕИЙ ҲИКОЯ

**О**ДАМНИНГ умрида рўй берадиган хайрли ишларга кимлардир сабабчи бўлар экану, сўнг ўша яхшилик кўрган одам уларни бир умр эслаб юрар экан. Собит оға билан Миртемир ака менинг таржимонлик фаолиятимга сабаб бўлганлардан. Шунинг учун мен уларни ҳар гал чуқур ҳурмат ва фарзандлик меҳри билан эсламан.

1952 йил. САГУда ўқиб юрган кезларимиз эди. Қўлимиз Собит Муқоновнинг «Менинг мактабларим» деган китоби тушиб қолди. Қозоқ тилини унча-мунча бошлашим қўл келиб, китобни ўқий бошладим. Бу низоҳатда энгил, ширали тилда ёзилган китоб муаллифининг бошдан кечирганлари, кўрган-билган воқеалари, ҳаётда мулоқотда бўлган кишилари ҳақида ҳикоя қиларди. «Ёзувчи бўлиш учун бой таржиман ҳолинг, кўрган-билган нарсаларинг кўп бўлиши керак. Ана шундан ёзган асарларинг самимий ва ҳаётини чиқади...» деган гапларни ўрта мактабда муаллимлардан ҳам, кейинчалик университетда олимлардан ҳам кўп марта эшитганмиз. Менда: «Баъзи ижодкор бўлишни ҳавас қилиб юрган ўртоқларимизнинг бир ҳовучгина биографияси бор-у, тагин ёзувчиликни даъво қилиб юретишди. «Менинг мактабларим» ўзбек тилида таржиман қилинса, ана шу ўртоқларга сабоқ бўлмасмикан?...» деган бир орзу туғилиб қолди. Аммо буни кимга айтишни, ким билан маслаҳат қилишни билмасдим. Собит оғани Фафур ака билан дўст, сирдош деб эшитган эдим, улкан шоир билан гаплашишга юрагимиз унчалик дов бермас эди.

Кунлардан бир кун Собит Муқоновнинг ўша қалин китобини қўлига олиб, Миртемир ака ёнига бордим. У вақтларда бир-биримизни танимас эдик. Мен ўзимни таништирадим. Мақсадимни айтдим. У киши бир оз сукут қилди-да:

— Яхши ўйлабсан, иним,— деди.— Бироқ... бироқ сал кичикроқ асардан бошлаш керакмиди? Бу — жуда катта асар, бошловчи таржимонга сал оғирлик қилар...

Мен индамай ўтирдим. Индамай ўтирганимни у киши қайсарликка йўди шекилли:

— Ҳай, бўлмаса эртага нашриётга кел. Мен ҳам бораман, ўзимнинг ҳам ишларим бор эди. Ўртоқлар билан бир гаплашиб кўрайликчи?— деди.

— Нашриёт қаерда?— деб сўрадим Миртемир акадан.

У киши пиқ этиб кулиб юборди.

— Э, ҳали нашриётнинг қаердалигини билмай, ётиқдай романини кўтариб юрибсанми, бўтам. САГУ — Карл Маркс кўчасида. Уша кўчадан сал берига юрсанг, Карл Маркс кўчасининг Киров кўчаси мулолишида эшигининг тепасига катта қилиб «Ўздавнашр» деб ёзиб қўйибди.

Миртемир ака билан эртага қайси вақтда учрашаётганимизни келиштириб, ётоққашимиз келдим. Миртемир ака билан танишганимдан, озгина бўлса ҳам ишим юришай деганидан бошим осмонда эди.

Эртасига дордан чиқиб, соат учларда нашриётга бордим, Миртемир ака эшик олдида кутиб турган экан.

Боришим билан мени ичкарига олиб кириб, бир киши билан таништиради. Чамаси илгарироқ келиб, бор гапни у кишига айтган шекилли, Миртемир ака, гаплашавиринлар, дегандай бошқа хонага чиқиб кетди. Бу қуюқ қора сочи, эгнига янги йўл-йўл қора костюм кийиб олган чорпаҳил киши китобни қўлига олиб аста-врақлар экан, қошларини чимирди.

— Талаба экансиз-да... Қайси курсдасиз?

— Иккинчи...  
— М-да... Таржимага биринчи қўл уришингизми?

— Энди... Ҳали қўл урганам йўқ, домла,— дедим ийманиброқ.

— Мен бу китобнинг ихчамлаштирилган русча нусхасини кўрган эдим,— деди нашриёт ходими бояги ҳолатни бузмай.— Бу китоб бизга ҳам, сизга ҳам катталик қилар. Авторга бир хат ёзмайсизми?

— Нима деб?  
— Мана шу китобни ихчамлаштириб бера оласизми, деб-да?

— Қайдам.  
— Бир ёзиб кўринг. Бизнинг фикримизни ҳам айтинг. Агар ҳўп десалар, планга киритамиз.

Шу маслаҳатга келиб, мен у киши билан хайрлашиб коридорга чиқдим, кейинги келганимда адашмай деб эшигига қарадим: «Бўлим мудири Шукур Саъдулла» деб ёзиб қўйилган эди. «Шукур Саъдулла» деган шоир шу киши экан-да. Ўрта мактабда ўқиб юрганнимизда у кишининг шеърларини ёд олганмиз, пьесаларини саҳналаштирадим.

Таънаш адибларим биттага ортанидан хурсанд эдим. Шу хурсандчилик билан дарҳол қўлимга қалам олиб, Собит Муқоновга хат ёздим. Хатда бояги гапларни батафсил айтдим, у кишининг розилиklarини сўрадим. Китоб муаллифининг аниқ адресини билмаганим учун Чеховнинг Ванкасига ўхшаб: «Олмаота шаҳри, Қозоғистон ёзувчилар союзи, ёзувчи Собит Муқоновга тегсин» деб ёздим, почта қутисига ташладим.

Бировни интизорлик билан кутиш, айниқса хат кутишинг қанақа бўлишини яхши биласиз. Бир ҳафталардан сўнг ётоқхонага почтаълон аёл телеграмма кўтариб кириб келди.

— Фозилова қайси биринг?

— Мен...  
— Телеграмма. Мана бу ерига қўл қўй...

Қўлданчи ҳаяжондан қўлларим қалтираб, почтаълон аёл кўрсатган жойга имзо чекиб, телеграммани олдим. Собит Муқоновдан!

«Ҳурматли Носир Фозилов. Хатингизни олдим. Тез кунда «Менинг мактабларим»нинг қисқартирилган вариантини юбораман. Миртемирга мандан салом айтинг. Собит Муқонов».

Бирпасда ётоқдош дўстларим аτροφимни ўраб олишди. Улар менинг ниятимдан беҳабар эдилар. Бир бошдан гапириб бердим. Ўзимда йўқ хурсандман, бунинг устига курсдошларим олдида бирпасда обрўйим ошиб кетди. Уша кунёқ телеграммани нашриётга — Шукур Саъдуллага олиб бериб кўрсатдим. У киши ҳам хурсанд бўлди. Қандайдир папкани очиб, «С. Муқонов. «Менинг мактабларим» деб қайд қилиб қўйди-да:

— Энди қўлёмани кутамиз,— деди.

Шу орада ҳавлиқиб телеграммани Миртемир акага ҳам олиб бориб кўрсатдим. У киши хурсанд бўлди.

Орадан тахминан икки ойча муддат ўтганида, дарсдан чиқиб ётоққа кирдим, каравотимнинг устида қандайдир бир қоғоз ётганини кўриб қолдим. Бундай шарасам, «Изवेशе» деб ёзилган. Қураётганимни учун қараб чопдим. Кўпдан зориқиб кутганим қўлёмани экан. Анча қалингина, салмоқлигина. Йўл-йўлакай у ёқдан-бу ёққа урилавириб, сариқга ўраб боғланган қалин сариқ қоғознинг бурчак-бурчаклари титилиб, йиртилиб қолган, устига уринмасин учун қўйилган қаттиқ картонларнинг бурчаклари ўралган қоғозни йиртиб чиқиб турар эди. Ётоққа кела солиб бандеролни очдим. Қўлёмани устида бир варақ қоғозда саломнома, кейин асар. «Собит Муқонов. Ҳаёт мактаби. «Повесть». Негадир «Менинг мактабларим», «Ҳаёт мактаби» деб ўзгартirilган эди. Унда Собит оға яна Миртемир акага самимий салом йўллаган, негадир у кишини «жиян» деб атаган эди.

Шукур Саъдулланинг олдига кириб бордим. У киши қўлёмани варақлаб, чамалаб кўриб:

— Ун листча келар. Анча ихчамлашибди. Энди бошласангиз бўлаверар,— деди.

Енг шимариб таржимага киришиб кетдим. Ўқиб юрган кезларимизда вақт қайда дейсиз. Кечалар ётоқда чироқни ёқиб қўйиб, баъзи ётоқдошларнинг жонига тегиб ишлардим. Улар, чироқни ўчирим, ухлаймиз, дейишди. Мен ўчиргим келмайди. Бир кун курсдошларимдан бири келиб: «Қани нима қилгансан ўзи?», деб таржимани ўқиб, таржиб юборди.

— Сен ўзи таржима қилгансанми ё кўчиргансанми?  
Жон-поним чиқиб кетди.

— Бу нима деганинг?  
— Оғайни, жаҳлинг чиқмасин-у, таржима бундай бўлмайди-да,— деди у босиқ оҳангда. Устимдан куляпти, десам йўқ, жиддий.— Таржимон деган...

У шеър машқ қилар, матбуотда тез-тез кўришиб турар, гапларида анча жон бор эди. Қулоқ солишга тўғри келди. Таржима дегани жумлама-жумла кўчириш эмас, асарнинг асл маъносини қоқилмайдиган, роҳат қилиб ўқийдиган қилиб беришдан иборат эканини ташуудим. Бир кун у тагин ярим кечуанда ўрнидан туриб:

— Ҳа, ўтирибсанми, таржимон?— деб қолди кўзларини уқалаб.

— Утирибман...  
— Менига қан, таржимон,— деди у уйку аралаш эснаб.— Миямга бир фикр келиб қолди.

Мен ёзишдан тўхтаб бошимни кўтардим.

— Биласанми, тунов кунгидан анча қўлинг келиб қолди,— деди у бир муҳим нарса айтгандай овозини пастлатиб. Теварак атрофда бошқа болалар хуррак отиб ухларар эди.— Таржимангдан «Пионер» журналига бир парча бермайсанми?

— Қандай қилиб?  
— Қандай қилиб бўларди? Таржимангнинг қизқироқ жўлидан саккиз-ўн бетча танлайсан. Кейин яхшилаб машинкада кўчиртирасан-да, редакцияга олиб борасан.

— Танимайман-да.  
— Сен мен айтгандай қилиб танла. Эртага ўзим сени бошлаб бора-

ман. Машинист Зухра она деган машинистка бор. Пулдан борми?

— Нимаиди?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Бостирганинг учун ҳақ беришинг керак-да, овсар,— деди у ўрнига чўзилиб.— Бўлди қил энди, ухлаймиз.

Бу ҳозирги ёзувчиларимиздан Жонрид Абдуллахонов эди.

Мен бари бир шундай олиб боргани кўнглим бўлмади. Миртемир акага Собит Муқоновдан келган хатни кўрсатдим. Сўнг таржимани ҳам бир кўрсатиб олишни лозим топдим. Уйларига олиб борган эдим, ўз ишларини йиғиштириб қўйиб, таржимани кўрди, маслаҳатлар берди. Баъзи жойларини тахрир ҳам қилди.

— Нега Собит оға сизни жиян, дейди?— деб сўрадим Миртемир акадан.

— Кейинги онам қозоқ-да,— деди кулиб.— Собит оға шуни билади.

...Индинга Жонрид иккаламиз узун-қисқа бўлиб «Пионер» журнали редакциясига кириб бордик. У Карл Маркс кўчасида кўримсизгина, икки қаватли бегоча жойлашган экан. Кўхнагина ёноғи зинали гичирлатиб, иккинчи қаватдаги хоналардан бирига кирганимизда, «Ундервуд» деган ёзув машинкаси олдида ўтирган, ўнг юзюда нўхатдай олиди бор, барвастигина жувон бизларни очик чеҳра билан кутиб олди.

— Э, келинг, Жонридвой.

Жонридинг редакцияда анча орзу бор экан. Дарров иш пишиди. Зухра она икки нусхадан қилиб эртага босиб қўядиган бўлди. Кейин:

— Юр, Фани акамларнинг олдига,— деди Жонрид ўтминг ҳаракатларида қандайдир ўқталмик, гап-сўзларида редакцияга яқинлик, эркалик бор эди. Шубҳасиз, бу менинг ҳавасимни келтирарди.

Индидай унга эргашдим. Билсам, «Пионер» журнали «Ленин учқуни» газетаси қошида эндигина ташкил этилган, ҳар иккаласига Фани Жаҳонгиров муҳаррирлик қилар экан. Муҳаррир хонасига кирдик. Муҳаррир дарҳол ўрнидан туриб, бизларни ўтқизган жой тополмай қолди. Кўз олдимда Жонрид яна бир баҳя ўсиб кетгандай бўлди. Кейинчалик билсам, Фани аканинг одати шундай, катта-кичикка бирдай муомала қилар экан. Жонрид тортинмай ниятимизни унга айтди. Мени у кишига Миртемир аканинг жияни деб таништиради. Фани ака яна ўрнидан туриб кетди: — У-ў, Собит оға... Миртемир ака... Олиб келинг, Носирвой. Албатта босамиз!

Редакциядан қўлим олти-ю, оёғим саккизта бўлиб чиқдим...

Хуллас, орадан уч ой ўтганида «Пионер» журналида Собит Муқоновнинг «Ҳаёт мактаби» қиссасидан каттагина парча яхшигина баёзлар билан босилиб чиқди. Уша пайтда қувонганларимни кўрсангиз эди! Биринчи таржимангиз республика матбуотида босилиб чиқадию қувонмай бўладими?

Журналини қўлиқлаб Миртемир аканинг олдига қўлиб бордим. У киши мени яхши қабул қилиб, таржимани ўқиб, у ер-бу ерига қалам урди-да, таржимонлик ишларга ривож ва омад тилаб, маслаҳатлар берди. Сухбатимиз тугаб, домланинг уйларидан чиқиб кетаётганимда:



— Ҳа, айтгандай, мулла Носирбек...— деб қолди Миртемир ака.

Тўхтадим. Нима дер экан, деб қараб турибман.

— Журналдан бир-иккита нусха топиб, Собит огага жўнат, хурсанд бўлади.

«Хўп бўлади», деб у киши билан хайрлашиб ётоққа жўнадим. Уша куниек «Пионер» журналидан икки нусха топиб кўйдим. Жўнатишга келганда икки нусха қолдим. Хўп, жўнатдим ҳам дейлик. Собит Муқонов ўзбекчани тушунадими, йўқми?

Орадан бир-икки кун ўтгач, Ёзувчилар союзида қандайдир мажлис бўлиб, Зумрад опани учратиб қолдим. Уша пайтда Зумрад опа Мухтор Авезовнинг машҳур тетралогиясининг биринчи китобини таржима қилиб, кўзга тушиб қолган эди. Негадир, қозоқ адабиётидан таржима қилиб юргани учунми, опа қозоқ адабларининг ҳаммасини беш қўлда билса керак, деган ўйда мурожаат қилишга журъат этдим. Танафус пайтида унга ийманибгина салом бердим. Ўзимни таништирдим-да, мақсадимни айтдим.

— Яхши биламан Собит огани,— деди Зумрад опа.— У кишини таржима қилганингиз яхши бўлибди. Шу чоққача бирор асари таржима қилинмаган эди.

— Таржимамдан бир парча чоп эттирган эдим. Миртемир ака Собит огага жўнат, деб маслаҳат берди... — Жуда хурсанд бўлади.

Уша куниек Собит Муқоновга хат ёздим. Хат тахминан шундай мазмунда эди. Салом-алиқдан сўнг, таржимани бошлаганимни, ишим яхши юришаётганини, Миртемир «жиян»лари ҳам яхши кўмак бераётганини айтиб, охирида: «Бир ўқиб кўрасиз, ўзбекчани тушунасиз, деб эшитдим. Мабодо тушунмасангиз, янгам ўзбекча экан-ку, ўқиб тушунтириб берар», деб ҳам қўйдим. Сўнг хатни журналдан бирининг орасига солиб, бандероль қилдим-да, почтадан жўнатиб юбордим.

Бу гал Собит огадан ҳадеганда хат келавермади. Орадан икки ойдан ортиқ вақт ўтди. Бизлар имтиҳонларни топшириб, каникулга ҳам чиқиб кетдик.

Каникул кунлари таржима устида қаттиқ ишладим. Ниҳоят, уни тугатиб, Тошкентга тушдим-да, тўппа-тўғри «Ленин учқуни»даги ўша таниш Зухра опанинг олдига келдим...

«Ленин учқуни» редакциясидан чиқиб, тўғри «Ўздавнашр»га кирдим. Шукур ака тўладан келган, икки бети кип-қизил, ўрта бўйликкина бир одам билан гаплашиб ўтирган экан. Мени кўришлари биланок, қиринг, дегандай имо қилди. Кириб салом бердим.

— Ишларингиз қалай кетяпти?— деб сўраб қолди у.

— Тугатдим. Ҳозир машинисткага бериб келяпман.

— Зўр-ку,— деди мийғида кулиб. У киши тўғри маънода айтдики бу гапни, истеҳзоми, билолмай қол-

дим.— «Пионер»га парча берган экансиз. Кўрдим, таржимангиз ёмон эмас. Ҳа, айтгандай, сизлар таниш эмасмисизлар? Бу киши — ёш таржимонимиз Носир Фозилов, Илёсвой. Унинг таржимасини ўзингиз кўрасиз.— У киши шундай деб қаради.— Бу киши — Илёс Муслим. Сизга редакторлик қилади.

Бу шоир ҳам менга ўз шеърлари билан ўрта мактабдаёқ таниш бўлиб кетганди, бироқ шахсан танимас эдим. Кейин у киши мени ўз хонасига таклиф қилди. Анча вақт суҳбатлашдик.

— Қўлёмани тезда олиб келинг,— деди у хайрлашаётиб,— машинкадан олганингиздан кейин устидан бир яхшилаб кўриб чиқинг. Собит огани бир хурсанд қилайлик.

Шу вақт ичида Собит Муқонов масаласида кимга учрашмай, ким билан гаплашмай, ҳамма уни ҳурмат қилар, асарлари учун ҳамма жойда эшиклар очик эди.

Мен шу хаёлда келаётиб, ётоққа бир кириб ўтиш фикри туғилиб қолди. Каникул пайти эмасми, ремонт қилинаётган экан. Ҳамма ёқ остин-устин, оҳақ, бўёқ ҳиди анқийди. Ичкарига кириб, ўзимизнинг қадрдон хонамизга бош суқиб қараб турсам, коридордан бир шарпа эшитилди. Қарасам, ўзимизнинг комендант аёл. Болалар уни «мамочка» дейишар эди. Худди она-бола кўришгандай сўрашиб кетдик. У бир сўзини русча, иккинчи сўзини ўзбекча қилиб гап-раверарди.

— Слушай, Фазилов, сенга хат бор. Сейчас, ҳозир...— деб зудлик билан орқасига қайтди ва зум ўтмай қайтиб чиқди.— Вот, Олмаотадан!

— Раҳмат, мамочка.

Хат Муқоновдан эди! Хайрлашиб кўчага чиқдим-да, сабрим чидамай, дарҳол хатни очдим. Катта бир арғувоннинг тагига бориб ўқиб бошладим. Собит ога хатни «Уртоқ Носир» деб бошлабди. Назаримда мени ёши улугроқ одам бўлса керак, деб ўйлабди шекилли. Кейин одатдаги салом-алиқдан сўнг, областларга ижодий командировкага кетиб қолгани сабабли кечикиброқ жавоб бераётгани учун узр сўрабди. «Таржимангизни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим,— деб ёзибди Собит ога хатининг давомида, — таржимангиз енгилми ё ўзимнинг асарим бўлгани учунми, тўла тушундим. Менинг услубим кам-кўстсиз сақланганидан хурсанд бўлдим. Шу услубдан оғишмай давом эттирсангиз жуда ҳам миннатдор бўлар эдим. Ҳа, айтгандай, Миртемир жиянга мендан дуо деб қўйинг. Ёрдам бергани учун катта раҳмат!» Мақтов кимга ёқмайди, дейсиз. Шу ўринга келганда, хурсандчилигимдан ҳаво етишмай қолиб, бирпас нафас ростладим-да, сўнг яна ўқишда давом этдим.

Шу-шу мен Миртемир ака билан бамисоли ота-боладай яқин бўлиб кетдим. У кишининг оғалик марҳаматларидан кўп баҳраманд бўлганлардан бири сифатида бир умр миннатдорман...

# ТАҚДИР ҚУЁШИГА

## Қизимга

Сен туғилдинг. Туғилди шу кун  
Менинг яна оналик бахтим.  
Шодликлару ташвишга тўкин  
Бир ҳаётни этгандинг тақдим.

Сен туғилдинг. Қўлларим учун  
Туғилганди тинимсизликлар,  
Сендан ўзга ўйларим учун  
Қўнимсизлик, унумсизликлар...

«Мен ҳар недан,— дединг,— азизроқ,  
Мен ҳар недан суюк, зиёда».  
Онаниг учун ҳокими мутлоқ —  
Бўлиб келдинг, қизим, дунёга.

Гўдак деса, эдим бепарво,  
Училигим туғилди энди.  
Рўпарангда, серюмуш дунё,  
Бурчлигим туғилди энди.

Аввал уйқум ўз маромида,  
Тугал эди тушлар ҳам унда.  
Сен туғилдинг. Сенинг ёнингда  
Бедорлигим туғилди энди.

Мен яшамоқ истардим жуда,  
Улимларга топиб давони.  
Сен — митти жон, мурғак вужудда  
Туғилди-ку умрим давоми.

Энди менда қўшиқлар янги,  
Энди менда янгича ҳаёт.  
Қувончимнинг сен — тўнғич тонги,  
Мени қайта этгандинг ижод.

Қизим, сени тутаркан нурга,  
Таваллудинг кўрганман баҳам.  
Сен туғилдинг. Сен билан бирга  
Қайта бошдан туғилдим мен ҳам.



## Мен дуторман

Даяр эдим: ҳозирча мен созланмаган дуторман,  
Қай уқувли куйчи қўлни муштоқ бўлиб кутарман.  
Торлардаги наволарим сўнмасин-да туғилмай,  
Йўқса бундай йўқотишни кўтаролмай ўтарман.

Мен куйламоқ гадосиман. Куй бағрида жўшайин,  
Тушар бўлсам, фақат-фақат эпли қўлга тушайин.  
Дуторманки, яралганман топинганим наво деб,  
Уй тўрида савлат учун турмоқликдан бўшайин.

Жуда-жуда орзумандни қўллармикан ҳаёт ҳам,  
Сен кўриндинг, кута-кута, кўзларим тўрт бўлган дам.  
Тўрт тарафим баҳоримиди, кузакмиди — билмасдим,  
Энди эса келинчақдай кўзга яқин бу олам.

Қўлга олдинг. Меҳр билан, уқув билан созладинг,  
Сўз биланмас, кўз биланмас, юрак билан сўзладинг.  
Билмас эдим, ростин айтсам, ўз қиммату қадримни,  
Не бахт, мени ўзингдан ҳам ортиқроқ эъозладинг.

Бир пайтлари сукунатдан, ёлғизликдан кўрқардим,  
Тил бўлса-ю сўзломасам... Тилсизликдан кўрқардим.  
Энди эса баъзан-баъзан кўрқувларга солар бахт,  
Шу бахтимдан айрилмай-да, деган ҳадик — бор дардим.

Яйраб-яйраб куйлашим шарт. Омон бўлсин шу созчим,  
Куйлай, жоним садқа қилиб ўша меҳр, эъоз-чун.  
Меҳр олиб, қайтармасак, ҳайфдир бизга бу ҳаёт,  
Узилсин тор, муҳаббатим кўрсатмаса ўз кучин.

Эпли қўлда эпсиз бўлсам, аямасдан отинг сиз,  
Оқил ҳукм, одил жазо атанг бунинг отин сиз,  
Бу ҳаётда менсиз ҳам кўп тинғир-тинғир дуторлар,  
Аяш нечун, куйлар бўлсам ҳиссиётсиз, татимсиз.

Биз устамиз баҳолашга: қандай қанот қоқар ким,  
Қулочкашлар сузган киму сусткаш-сусткаш оқар ким,  
Лекин биз ўз баҳомизни айта олармикимиз:  
Бизнинг куй ҳам ўзгаларга қай даража ёқаркин?

Еқмас бўлса, қайта бошдан илинг мени қозикча,  
Ардоқдаги орзуларим, майлига, чиқсин йўққа,  
Киришаман яратмоққа энди бўлак тақдирни,  
Аямасдан чизик тортиб манглайдаги ёзуққа.

Ана унда, ҳеч бўлмаса қайнасин бир қозон деб,  
Синажакман, мен ўзимга қозикчи ҳам кўрмай эп...



# ИНТИЛАР ОДАМ

## Юнон худолари

Гўзал Афродита — хаёлий моҳтоб,  
Сендай илоҳалар тегрангда тўп-тўп.  
«Минг бир кеча»ларга биз бўлсак сероб,  
Қадим юнонларнинг худолари кўп.

Мухаббат худоси, қуёш худоси...  
Шеърят, куй-наво худолари бор.  
Урушлар худоси, кўз ёш худоси...  
«Борлиққа ҳокимман», — нидолари бор.



Юнон худоларин эслайман маҳзун,  
Кўзларимга ҳайрат кўчар шу замон —  
Билмасам майлийди, билганим ўзин  
Донолик худоси этса гар эълон.

Кўриниб кўйса ҳам камтар, хоксор  
Билгич устозлару ўртоқларига,  
«Мен шеър худосиман», дегувчилар бор  
Содда тингловчининг қулоқларига.

Қай эшик пойлоқчи фаррошга боқиб,  
Сўздан таратса буйруқ нидосин,  
Ўз-ўзимга дейман:  
«Бу ҳам, дарвоқе,  
Кичик идоранинг катта худоси».

Ноҳақ бўла туриб, ким олмаса тан,  
Ҳақман, дейиш учун изласа фатво,  
Ўжар манманликни кўрсам дафъатан,  
Дейман:  
«Наҳот, бу ҳам ўзича худо?!

Одаммиз. Одамдай яшаб юрсак-чи,  
Ранг излаб камолот кошонасига,  
Худо бўлишларни қўйиб берсак-чи,  
Қадим юнонларнинг афсонасига...

\* \* \*

Ерда туғилади одам боласи,  
Ерда туғилади орзулари ҳам.  
Лекин ёғса ҳамки тақдир жаласи,  
Тақдир қуёшига интилар одам.

Юксакка чўзилган орзумни кўриб,  
Кўтармоқ истайсан мени, азизим.  
Йўқ, шошма, тўсиқлар берса-да фириб,  
Енгиб ўтмоқ бўлсам, энгай мен ўзим.

Кўтарсанг, бирор пайт толмасми қўлинг,  
Йиқилсам, заранг ер едирмасми лат.

Мен ўзим қурайин ўз орзу йўлим.  
(Гоҳ инсон атвори нақадар галат).

Неники кўзлабди, етсин-чун орзум,  
Чўзилган бўйларим бўлсин-чун етук,  
Пойимга тўшарман жами қоғозим,  
Оппоқ бетларида кимлигим битик.

Вақт етиб, йиқилар бўлсам ногаҳон,  
Шу қоғоз устига йиқилай фақат.  
Улардаги севгим бўлгуси дармон,  
Улардаги меҳнат едирмагай лат.

\* \* \*

«Осмондаги чақ-чақ юлдуз  
Ой бўламан, дейди...»  
Халқ қўшиқларидан

Элас-элас кўринган юлдуз  
На иситмай, на сочмай зиё,  
Ойман, деса, не ҳам дердик биз,  
Қуёшликни даъво қилса ё...

Яхшиямки, қуёш бор кундуз,  
Яхшиямки, ойи бор туннинг.  
Йўқса, кемтик кўриниб тўкис,  
Қилармидик мақтовин унинг.

Нимага ҳам қилардик қиёс,  
Даъвосини этмоқ-чун инкор?!  
Бахтимизга кундузи қуёш,  
Бахтимизга тунлари ой бор.

## Ирина Роднина

Маҳоратнинг, шухратнинг, шоннинг  
Айни авжга чиққанда гашти,  
Ирина тарк этди майдонни,  
Олқиш билан хайр-хўшлашди.

Энди тошмас ички бир ғулув,  
Энди унинг вақти яйдоқда.  
Балки, бу дам менга ўхшаб у  
Гўдагига алла айтмоқда.

Ташриф этиб, тезда чекинган  
Энтикишга очар ё кучоқ,  
Ё айтилмай қолиб ўкинган —  
Тансиқ сўзин айтар айни чоғ.



Бошлолмаган каштасин бу кун  
Балки энди қўлига олган...  
Мухлислари кўзида лекин  
Шохсупада турганча қолган.

Муз устида чарх урган ихлос  
Бўлмаган ҳеч мустар ва қочқин.  
Йиқилганин тойилиб бехос,  
Ўкинчларин кўрмаган ҳеч ким.

Ешлик, рағбат мудом гупуриб,  
Бир аснода турмас-ку, ахир.  
Кимлар сизни туширмай туриб,  
Шохсупадан тушмоқ ҳам — фахр!



Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА,  
Ўзбекистон Ленин комсомоли  
мукофоти лауреати

\* \* \*

Бувим менга сўзларди эртак,  
Эшитарди тепамда ой ҳам.  
Қаро тундан бўзларди эртак,  
Зулматни ой этарди пайҳон.

Юз-кўзимга нур сочиб бетин,  
Юрагимга тўлар эди ой.  
Чўчитганда эртақдаги тун,  
Менга юпанч бўлар эди ой.

Энди эса шу нурли ойни  
Нурсиз, дея уқтирар илм,  
Саҳоватли, ойдин чиройни  
Кўра туриб, йўқ, деяр илм.  
Шу тунги нур, шу тунги чирой  
Кундуз юрган қуёшникимеш.  
Маккор эмиш, алдоқчимеш ой,  
Ўғирликмиш сочгани — қумуш.

Мен илмга келтирмайман шак,  
Гўдак эмас эндиги онгим.  
Лекин ойнинг нурсизлигига  
Била туриб, келмас ишонгим.

Мен қизимга сўзлайман эртак,  
Ўртоқ этиб ойга, юлдузга.  
Истайманки, мен каби гўдак  
Қулоққамас, ишонсин кўзга.

\* \* \*

Икков ўртамизда икки қадам йўл.  
Етгудек, узатсак қўлларимизни.  
Лекин қўл, кўзларнинг тўсиқлари мўл,  
Ажратиб турибди араз, кек бизни.

Жуда яқин эдик,  
Олисмиз энди.  
Жуда аҳил эдик,  
Энди тескари.

Наҳотки, ақлни нодонлик энгди,  
Бизни бошлаб қўйиб сукунат сари?!  
Кўзим билан ўпиб меҳрибон кўзни,  
Эшитмоқ истайман араз фарёдин.  
Сенинг кучоғингга отганча ўзини,  
Бергиларим келар сукунат додин.

Лекин қўлим, йўлим занжирбанд эрур,  
Мен нақ тўрга тушиб мунгайган қушман.  
Нима у боғлаган! — десам, у — ғурур —  
Мен ўзим яратиб, ўзимга душман...

\* \* \*

Менга кўплик қилмоқда  
Денгизнинг ўйчанлиги,  
Оғушига кўз солсанг,  
Чунон кўнгилянлиги,  
Бағр очган кишига  
Беқиёс жаннатлиги,  
Эркалаш, суйишларин  
Беҳад, беминнатлиги,  
Бошидаги қуёшнинг  
Аёвга тўкинлиги,  
Қанча янги қўшиқнинг  
Юракка яқинлиги...  
Лекин бағрим бутунмас,  
Билсанг, ўқсиқ қушдайман:  
Шулар барин сен билан  
Мен бўлишмоқ истайман...

# ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Фридрих Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг тўртинчи қава-тида мўъжазгина бир хона бор. Ана шу саранжом-саришта сокин хона эшигидан ичкарига кирсангиз, истараси иссиқ, чеҳрасида самимият порлаб турган Жон Меленевски, қорачадан келган, ҳаракатчан ва чаққон ўзбек қизи Муқаддас Толипова сизга пешвоз чиқади. Бу ерга илк бор ташриф буюраётган бўлсангиз ҳам бегонасираш, ётсираш туйғула-ри бир зумда сизни тарк этади. Озгина суҳбатлашганингиздан кейин эса, вужудингизни нурли туйғулар чулғаб олади, инсоният бахт-саодати

ўлкада янги ҳаёт нафаси уфуради. Ғарбда баъзи кимсалар тарих гилди-рагини ортага қайтаришдан ҳамон умидвор. Турли мамлакатлар, жум-ладан Англия империалистлари ўз халқига қарши қонли уруш бошлаган босмачи тўдаларини тиш-тирноғига-ча қуроллантиришни ният қилишган.

Шундай шароитда Бухорода ЎзССР ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатлари Советларнинг I съезди тўпланди. Съездни Совет ҳукумати-нинг президенти Михаил Иванович Калинин очди. Уша даврга оид тари-хий фотосуратларни кўздан кечир-ганда Калинин билан ёнма-ён турган истараси иссиқ навқирон йигит эти-

сона хизмати туфайли Буюк Брита-ния ва Советлар мамлакати пролета-риати ўртасидаги бирдамлик, ҳам-корликка оид воқеа ҳозирги кунда ҳам дўстлик клуби зиёратчиларини тўлқинлантирмоқда.

Бундан ўн беш йил муқаддам — 1966 йилнинг эрта кузида Англия Компартиясининг аъзоси Том Холл оиласи — рафиқаси Солиха Усмоно-ва ҳамда уч фарзанди билан Ўзбе-кистонга меҳмон сифатида ташриф буюради. Солиха Ватанимизнинг ши-молий районларидан бирида туғил-ган. У уруш пайти, қизалоқлик чоғи-да фашистлар томонидан Германияга ҳайдаб кетилган. Солиха концлагер-

да Том билан учрашиб қолади. Улар озодлик, соғ-омонлик насиб этса, ҳамиша бирга бўлишга аҳд қилади-лар. Энг фожиали дамларда қилин-ган аҳду паймон рўёбга чиқади. Улар ўзларининг бутун ҳаётларини Англия Компартияси билан чамбарчас боғ-лайдилар. Орадан анча йиллар ўт-гандан кейин эса, Солиха Ўзбекис-тонда — Шаҳрихонда истиқомат қи-лишадиган волидаси ва қариндош-уруғларидан хабар толади.

Учрашув нақадар ҳаяжонли кечди. Оилавий учрашув ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида бў-либ ўтган митинглар, кечалар билан уланиб кетди. Ана шундай йиғилиш-лардан бирига Андижон Давлат тил-лар институтининг чет тиллар кафе-драси мудири Жон Меленевски ҳам таклиф этилди. Талабалар соф инглиз тилида меҳмонларни табриқладилар, Англия коммунистлари амалга оши-раётган ишлар оқибат-натияжада ал-батта рўёбга чиқажагига умид бил-дирдилар. Шу пайт инглиз тилида революцион марш янгради. Том ва Солиха сергак тортиб қўшиққа жўр бўлдилар. Улар Англиядан неча минглаб километр олисда бирдам-лик руҳининг бу қадар улуғвор жа-ранглашидан ҳайратда ва ҳаяжонда эканликларини эътироф этдилар. Унутилмас учрашувлардан бирида партия ветеранларидан кимдир юқо-рида биз ҳикоя қилганимиз Эрнест Браун ҳақида сўз юритиб қолди. Унинг хотирлашича, Туркистон Ҳар-бий округи 13-ўқчи корпусига Қизил байроқ тақдим этар экан, Эрнест Браун шундай деган эди:

— Англия коммунистлари оғир курашларда сизлар билан ҳамнафас ва ғалаба қозонишларингизга ишончи комил. Мен сизларга тақдим этаёт-ган ол байроқ Брадфорд ва Шеф-филд коммунист аёллари меҳнати-нинг самараси. Байроқ қўлда тўқил-ди, ишчиларимиз унинг бирор тола-сини ҳам капиталистларнинг зулм машинаси панжалари орасидан ўт-казмасликка аҳд қилганлар. Қодир ва қудратли ишчи қўллари сизларга ҳамиша мадад бериб турсин...

Ҳаяжонли ҳикоя Жон Мариано-вични кўпдан бери ўйлантириб юрган мақсад сари етаклади. У дастлаб эзгу ишни Эрнест Брауннинг беваси, Англия Компартиясининг йирик ар-боби Изабелла Браун билан ёзишма орқали алоқа ўрнатишдан бошлади. Тез орада Англиядан самимий мин-натдорчилик сўзлари битилган мак-туб билан бир даста тарихий фото-суратлар келди. Улар «Англия Ком-партияси тарихи музейи»нинг даст-лабки экспонати бўлди. Совет Итти-фоқи, хусусан Ўзбекистон пролета-риати билан Англия коммунистлари ўртасида 20-йиллардаёқ ўрнатилган бирдамлик алоқалари тарихий ҳуж-жатларда шу тарзда муҳрланиб қолди.



«Англия Компартияси тарихи музейи» советининг раиси Жон Меленевски СССРдан келган меҳмонларга экспонатлар хусусида сўзлаб бермоқда.

йўлида курашишни ўз ҳаётининг асосий мақсади деб билган фидойи-ларнинг орзу-ниятлари билан нафас олаётгандек сезасиз ўзингизни.

Биз ҳикоя қилаётган кишилар — интернационал дўстлик клубининг ходимлари чет эллардаги, асосан капиталистик мамлакатлардаги ком-мунистик ва ишчилар ҳаракати би-лан алоқа ўрнатганлар. Мамлақати-мизнинг йирик маданий марказла-рию олис бурчакларидан келиб, бу хонани зиёрат қилаётганларнинг са-фи узилмайди. Бу ерда намойиш этиш учун мўлжалланган ноёб ва но-дир экспонатлар сизни турли мамла-катлар ва тарихий воқеалар сари етаклайди. Ана шу мўъжазгина хона «Англия Компартияси тарихи му-зейи» деб аталади.

...1925 йил, Бухоро. Икки ёқлама зулм занжирларидан халос бўлган

борни ўзига жалб этади. У Буюк Британия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзо-си, махсус топшириқ билан ўлкага ташриф буюрган Эрнест Браундир.

Гап шундаки, Британия капита-листлари ёш Совет ҳокимиятини бў-ғиб ташлашга шайланиб турган бир пайтда Англия Компартияси босма-чиларга қарши курашаётган Туркис-тон Ҳарбий округи қисмларидан бирини оталиққа олган эди. Эрнест Браун ана шу ҳарбий қисмга — 13-ўқчи корпусига жанг майдонларида алоҳида жасорат кўрсатганлиги учун оталиқ номидан Қизил байроқ топ-ширади.

Тарих сабоқларидан ибрат олиб, уни бугунги кун хизматида бўйсунди-риш — фидойи кишиларнинг азалий удуми. Жон Меленевски ҳам бу удума садоқатли чиқди. Унинг холи-



Уильям Гуд қаламига мансуб «Большевизм иш устида» номли китобда улуг Лениннинг дастхати ёзилган ноёб фотосурати ҳам боқилган эди.

А. ГОРКИН фотолари

## BOLSHEVISM AT WORK

BY  
WM. T. GOODE, M.A. (LOND.)

Hon. M.A. (Manchester), Principal of Grosvenor Place  
Training College, London; sometime Head of the  
New's Training Department, Owen College,  
Victoria University, Manchester; Special Cor-  
respondent of "The Manchester Guardian"  
in Finland in 1918, and in Finland, the  
Baltic Provinces of Russia in 1919.

"... nothing extraneous,  
Or ought set down in malice."



Музейда илк нашрлар ҳам авайлаб сақланмоқда.



Англия Компартиясининг ветерани Изабелла Браун тақдим этган ҳужжатлар музейнинг ноёб экспонатларидан.

Англия Компартияси Сийсий бюросининг аъзоси Эрнест Браун 1925 йилда Туркистон Ҳарбий округининг инглиз коммунистлари оталиғидаги 13-ўқчи корпусига тақдим этган қизил байроқ.



— Мени тез орада Тошкентга, Фридрих Энгельс номидаги Чет тиллар педагогика институтига таклиф қилишди,— дейди Жон Марианович.— Институт маъмурияти ва партия ташкилоти музей ташкил қилиш ҳақидаги таклифини бажонидил маъқулладилар. Шундан сўнг лекциялардан бўш вақтларимда қизгин ишга бутун вужудим билан шўнғиб кетдим.

Жонбозлик ва илҳом билан олижаноб ишга ўзини сафарбар қила билиш кишига завқ ва ҳузур-ҳаловат бағишлабгина қолмайди, балки уни яна ҳам янги-янги парвозлар сари чоғлайди. Шу сабабдан ҳам бундай кишиларнинг фидойилиги кўпинча дилларни ҳайратга солади, интилувчан кишилар учун сабоқ бўлиб хизмат этади.

Жон Марианович атрофида унга сидқидилдан ёрдам беришга тайёр фаол кишилар тўплана бошлади. Биринчи галда Буюк Британия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Гордон Макленнан номига мактуб ёзилди. Ундан келган жавоб хатида, жумладан, «...музейни зарур материаллар билан таъминлаш учун кўмаклашишга тайёрмиз... бу борада жиддий ишлар амалга оширилмоқда», дейилган.

Жиддий ишлардан бири Жон Марианович ва музей фаоллари учун Эрнест Брауннинг ўша оловли йилларда Туркистон Ҳарбий округи 13-ўқчи корпусига тақдим этган Қизил байроқни қидириб топишдан иборат эди. Бироқ изланишлар ҳозирча қутилган натижа бермаёттир. Бундан хабар топган Англия коммунистлари газетаси «Морнинг стар» Йоркшир тўқимачилари маҳорати билан яратилган байроқ ҳар қандай шароитда вақт синозига бардош беришга қодир эканлиги ҳақида ёзди. Бу — изтопарлар умидини янада мустаҳкамлади. Қидиришлар давом этмоқда.

— Бирдамлик, дўстлик, ҳамкорлик! Жамоатчилик асосида ташкил топган музейимизнинг инглиз ўртоқларга ҳам маъқул келган шиори ана шундай,— дейди Жон Марианович.— Биз Англиянинг таниқли жамоат арбоблари Жон Голлан, Питер Керриган, Палм Датт, Маржори Поллит, Гледис ва Уильям Киби, Эмил Шелдон, Жорж Мэттьюз, Жек Дэш би-

лан жуда яқиндан алоқа ўрнатганмиз. Улар советимиз аъзолари сифатида музейни ноёб ҳужжатлар ва экспонатлар билан таъминлаш ишига сидқидилдан ёрдам бермоқдалар.

Биз ана шу нодир буюмларни кўздан кечира бошлаймиз. Мана, Буюк Британия Компартияси нашр этган илк газета нусхалари. Ҳатто Компартия ташкил топмасдан аввал бир гуруҳ марксистлар томонидан чоп этилган революцион брошюралар музейнинг олтин фондига кирган. Уильям Гуд қаламига мансуб «Большевизм иш устида» китоби сарварига эса, доҳиймиз Ильиничинг дастхати. Гуд 1919 йили «Манчестер гардиан» газетасининг Россиядаги муҳбири сифатида пролетариат доҳийси билан кўп марта учрашган ва ўз хотираларини ана шу китобда эълон қилган эди.

Яқинда Шотландиядан кекса бир ишчи музей номига совға юборди. Бу — 1926 йили йирик умумий иш ташлаш пайтида бирдамлик белгиси ҳисобланган ва ишчилар кўкракка тақиб юрган нишон эди. Ёвузликка қарши кураш рамзи сифатида намоишчининг қонга беланган кўйлаги ҳам тарих лавҳаси сифатида музей экспонатлари орасидан жой олган. Шиорлар ёзилган плакатлар, капитализм зулмига қарши жангга чорловчи варақалар, қизгин кураш палласида баланд кўтарилган қизил байроқларнинг турли нусхалари тарих воқеаларидан ҳикоя қиладилар. Англия коммунистларининг турли йиллар ва шароитларда нашр этган «Форвард», «Коммунист», «Уоркерз Лайф», «Санди Уоркер», «Уоркерз Уикли», шунингдек «Канта» ва «Дез-о-Уругвай» (Уругвай), «Мундо Оберо» (Испания), «Одигити» (Греция) каби газеталари, Чили комсомолининг фашистлар диктатураси даврида яширин ҳолатда чиқарган «Чили Ховен» газетаси, айрим коммунистик ва ишчилар ҳаракати арбобларининг ферромагнит лентасига ёзиб олинган овозлари музей авайлаб-асраётган ноёб буюмлардан ҳисобланади. Бундай экспонатлар сони уч мингдан зиёд. Музей ихтиёридаги ноёб буюмлар Москвада, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали залларида, мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида намойиш қилинди. Ҳозирги пайтда эса музей мутасаддилари чет эллар билан алоқаларини ҳам кенгайтириб бормоқдалар. Америка Қўшма Штатлари, Греция, Португалия, Уругвай, Чили, Ҳиндистон, Вьетнам, Туркия, Франция, Гваделупа каби мамлакатлар Компартиялари ва комсомолларининг тарихи ҳамда фаолиятига доир нодир экспонатлар билан музейнинг бойиб бориши Жон Меленевски, Муқаддас Толиповаларнинг ёзишмалари самарасидир.

— Музейимиз бора-бора жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихини қамраб олувчи даргоҳга айланса ажаб эмас,— дейди иссиқ чеҳрасига нур ёйилиб Жон Марианович.

Ун тўққизта хорижий мамлакатдан ва ўн учта иттифоқдош республикадан бу даргоҳга ташриф буюрган ўн мингдан зиёд киши интернационал дўстлик қудратидан баҳраманд бўлдилар. «Хотиралар дафтари»да қайд этилган самимий қалб сўзлари, мутгасил ёғилаётган телеграммалар, мактубларда битилган истаклар ва таклифлар Жон Меленевскининг юқоридаги фикрини янада ойдинлаштиради.

Октябрь революцияси натижасида гуллаб-яшнаган ўлка — бахти барқарор Ўзбекистон пойтахти Тошкентда «Англия Компартияси тарихи музейи» фаолият кўрсатмоқда. Бу дўстлик ва тинчлик шаҳрида баравж янграётган интернационализм қўшиғининг янги бир оҳангидир.



Эрнест Браун ўзбек миллий кийимда.

Юрий ВЕЛЮНСКИЙ,  
Баҳодир АМИНОВ



# НОДИРАИ ДАВРОН ҚЎШИҒИ

1

— Менга боқ, азизим,  
юзларимга боқ!  
Кўкрак қафасида инграир юрагим...  
Кўзларим тубида ғазаб ва чарчоқ,  
Илҳом парисига борми керагим?!

Гўзаллик мулкининг маликасиман,  
Нодираи даврон машриққа машхур!  
Муҳаббат боғининг кўланкасиман,  
Донога таҳлика, нодонга ҳузур.

Кимларнинг қалбига ўт ташламадим,  
Кимларни қилмадим  
сарсон-саргардон,  
Лекин иккиланиб бош қашламадим,  
Қалтис синоқда ҳам баамру фармон.

Найлай!  
Саройдаги фисқ-фужур,  
иғво —  
Ошиқ юракларга маломат, малол...  
Увайсий жонимга кирдию аро,  
Бағримга теккандай бўлди бир  
шамол...  
Мисралар бўй чўзгай истиқбол  
қадар:  
Тақдиримдан огоҳ, қалбимга яқин...  
Қофия дедингми, балки самандар,  
Балки керагида чақкандай чақин!

Демак, баҳор яқин,  
наврўзи олам  
Эрта гул келтирар қучоқ ва қучоқ.  
Кўнглимни ўртаган дард ила алам  
Кошкийди,  
бўй берса варақма-варақ!

Менга боқ, азизим,  
юзларимга боқ,  
Кўкрак қафасида инграир юрагим...  
Кўзларим тубида ғазаб ва чарчоқ,  
Илҳом парисига борми керагим?!

2

Бировлар қон йиғлар,  
Бировлар жон тиглар...  
Ҳаддидан ошади —  
Ноошиқ тантиқлар...

Синсанг ҳам эгилмай,  
Енгдинг-ку, енгилмай.  
Севдинг, сева олдинг,  
Эҳтимол, севилмай...

Ой ўтди, йил ўтди,  
Саратон қон ютди,  
Ғуррак ғуруллади,  
Ризқ-рўзини кутди.

Қайдасан, қай ёқда,  
Дил-дилдан узоқда.  
Начора! Муҳаббат —  
Шафқатсиз тузоқда!..

3

Эвоҳ! Дард деганинг дарёдай  
Ушқириб ошди-ку қирғоқдан.  
Ошиқнинг бошига балодай  
Парвона куяди чироқдан...

Салтанат қалтирар саройда,  
Адоват юз тубан кетдимми?!  
Тенг келар бормиди чиройда,  
Ешликнинг шуқуҳи ўтдимми?..

Муҳаббат инграйди қалбингда,  
Инграйди пажмурда, бемажол.  
Муҳаббат қўшиғи лабингда —  
Учади, ҳолбуки, баркамол...

4

Нодираи давронсан,  
Қоши-кўзи камонсан,  
Ҳайрон деса, ҳайронсан,  
Гиргиттонсан, гирёнсан,  
Асрий эзгу армонсан...

Сочингда шамшод тароқ,  
Кўз ёшинг булоқ-булоқ,  
Уртада андух, фироқ,  
Кўнглингда ёнмас чироқ,  
Ҳаёлларинг тумтароқ...

Сени хорлаган, хордир,  
Ўзи шафқатга зордир,  
Гўрга кирса, гўр тордир,  
Қалбида шумлик бордир,  
Бадбахт жазоси дордир...



Кечалари ўйлайсан,  
Тушингда тўй тўйлайсан,  
Осмон бўйин бўйлайсан,  
Юлдузлардан сўйлайсан,  
Кулфатингни куйлайсан!..

5

— Мана,  
умрим ўтди,  
битди — вассалом!

Майли,  
ойболтангни олиб кел,  
хунрез!!!

Лекин юрагимда ўтли интиқом,  
Интиқом ўтидан гуркирар ялпиз...

Интиқом ўтидан,  
ҳароратидан,  
Тупроқ тин олади —  
топгандай нажот.

Балки,  
бу, севгининг ҳаловатидан,  
Ҳолбуки, кўтади ҳаёт ё мамот.

Қўшиғим вазнида сохталик бордай,  
Руҳимда сўниклик,  
кўнглимда бир ғаш...  
Сен йўқсан, севгилим, аммо  
тумордай,  
Имондай сақлайман ўзимда яккаш...

Улим — ота мерос,  
янгилик эмас,  
Аммо тоқатим тоқ фарзанд доғига!  
Она кўкси, наҳот, олади нафас,  
Машъум ажал қуши қўнса бошига?!

Е раббим!  
Ўзингсан барига боис,  
Тақдирим йўлида ўзинг раҳнамо!  
Ўзингга аён-ку, ниятим холис,  
Лекин етолмасдан адоман, адо!..

Туни тун демадим,  
кундузни кундуз  
Калима келтирдим тилаб омонлик.  
Мабодо,  
ялт этиб учса бир юлдуз,  
Яхшиликка йўйдим,  
кутмай ёмонлик...

Эҳтимол алдандим,  
энди начора!  
Замон тузоғида асирман,  
асир!  
Кимлар бўлмагандир бунда овора,  
Йўлидан адашиб,  
кўзлари басир...

6

Мана,  
мен ёлғизман,  
ёлғизман,  
ёлғиз,

Ҳокими мутлақнинг пичоқ учи қон...  
Ҳамон қўшиғимни тинглайди олис,  
Қўшиғим ўзи хон, сояси майдон...

Қўшиғим учади элдан элларга,  
Тонготар инграйди бериб акс-садо...  
Қўшиғим ўтади йилдан йилларга,  
Шикаста қалбимга излаб бир даво!

Қирқилган сочларим яна ўсади,  
Тишим тушган бўлса, топилар илож.  
Қошу киприкларим кўзни тўсади,  
Қўшиғим кияди нурдан олтин тож!


## Улуғбек

Кўҳак кўрғонини қучоқлаб, қуршаб,  
Мажнунтоллар турар сочлари ёзиқ.  
Соч ёзиб туришар санамга ўхшаб  
Ва лекин қўллари самога чўзиқ...  
Бу манзил ер эмас, осмон тағидир,  
Курраи Заминнинг ясат хонаси.  
Бу арши аъзамнинг бир этагидир  
Улуғбек Мирзонинг расадхонаси.  
Тошинг шу оламда бўлсин деб тугал,  
Ҳар келган кетади битта тош қўйиб.  
Мен эсам бош уриб келаман ҳар гал  
Ва лекин кетаман доим бош қўйиб...  
Ҳар гал дилшод келиб қайтаман дилхун,  
Кўнглим басир бўлиб, кўзларим ботил.



Бу ерда Улуғбек шаҳиддир ҳар кун,  
Муртад Абдуллатиф ҳар куни қотил!  
Бу ерда ғурурим бир олам жаҳон,  
Лекин маломатим... жаҳонга тутун.  
Бу ерда кўкларга юксалиб чунон,  
Қаро ер қаърига кирибман бутун.  
Бу ерда кўзларга кундаини ошқор  
Ва яна аёнди шунга баробар:  
Осмонга етгудек маърифатим бор.  
Лекин жаҳолатим — жаҳаннам қадар...  
— Мана, кўриб қўйинг, бизлар ким  
эдик!—

Мақтанмоқ бўламан, лекин тилим дол.  
Койинмоқ бўламан, қўймас Улуғбек.  
Юраман довдираб, бир афтоҳол...  
Дўстлар, ҳақиқат, бу — аччиқ ва таҳир.  
Яширмай ўртада кўрайлик баҳам.  
Улуғбек осмондан тушмаган ахир,  
Осмондан тушмаган Абдуллатиф ҳам.  
Улуғбек аллома эди бекиёс,  
Лекин Абдуллатиф — ўшанинг насли.  
Наҳот ўз бўйинини чопса қиличбоз.  
Наҳот ханжар чекса аслига асли?  
Тарихий Турон бу, яшнаб-кўкарган,  
Боғида битгани нуқул низолар.  
Акалар уқани тупроққа қорган,  
Мирзолар устига юрган мирзолар.  
Бу ерда отани ўлдирган ўғил,  
Ота ҳам этмаган балога шафқат.  
Биз ўз қонимизни тўкканмиз нуқул,  
Биз ўз пайимизни қирққанмиз фақат.  
«Сен киму мен кимга тақалиб иши,  
Аждодлар талашиб ўтган бесабр.  
Юртига сизмаган Синодай киши,  
Донишдай кишилар топмаган қадр...  
Яхши ҳам замона бўлиб сарафроз,  
Кўзимиз ўнгида ёришди олам.  
Қонларда Улуғбек яшайди, бу рост.  
Лекин яшамасми Абдуллатиф ҳам?  
Худбинлик гоҳида қул қилар бизни,  
Жаҳолат қиламиз қанчадан-қанча.  
Гоҳо таниёлмай ўз-ўзимизни,  
«Кимсан!» деб сўраймиз шармандаларча.  
Саволни ҳуш кўрар одамзод хайли,



Сўраб-суриштириш одат азалдан.  
Менинг қишлоғимни сўрашар, майли,  
Лекин сўрашади: қайси гузардан?  
Ноаҳиллик деган ёвуз бир бало  
Неча бор бошларда синдирди таёқ.  
Лекин биз инсофни унутиб гоҳо,  
Оқни қора деймиз, тираймиз оёқ.  
Узинг мададкор бўл, мунаввар идрок,  
Узинг мададкор бўл, қодир ақли-ҳуш.  
Қонларда Улуғбек яшайверсин пок,  
Лекин руҳимиздан кетсин падаркуш...  
Судси фахрий! саҳни юлдузга тўлиб,  
Гумбазлар устида ёнабер, қўёш.  
Биз ҳам улуг бўлиб, Улуғбек бўлиб,  
Улуғлар ёнида кўтарайлик бош!..

1 Судси фахрий — астрономик улчаш ас-  
боби.

## Клубатра

(«Клеопатра» фильмини кўриб)

Башар тарихида ажиб бир хилқат,  
Малоҳат баҳрида олмос қатрасан.  
Аммоки мен учун шарқона сифат  
Мужассам хаёлсан... Клубатрасан!..  
Шундоқ деб ёзибди Беруний бобом,  
Шундоқ деб ёзмишлар боболар бари,  
Балки гулгун эдинг, балки гуландом,  
Лекин не бўлса ҳам самовий пари...  
Фотиҳ Искандарни бир нигоҳ билан  
Бир ажиб ўтларга солган Равшанак.<sup>1</sup>  
Сен ўша оташдан унган ниҳолсан,  
Сен ўша равзада етишган данак.  
Авал Машриқ сари, кейин басма-бас  
Мағрибга эсибди тақдир ҳавоси.  
Пойингда Нил ўйнар, Зарафшон эмас,  
Маконинг бўлибди Миср маъвоси.  
Сен шунда малика маликул башар,  
Сеҳрлар жо бўлиб ётар исмингда.  
Искандар шиддати жонингда яшар,  
Равшанак жамоли яшар жисмингда.  
Лекин билармисан, эй жонга офат,  
Лекин билармисан, эй жаҳонга жон,  
Минганинг тахт эмас, санги қабоҳат,  
Кийганинг тож эмас, савдойи жаҳон!

<sup>1</sup> Равшанак — Самарқанд подшошининг қизи, Искандар унга уйланган. Шарқда «Клубатра» номи билан машҳур бўлган Клеопатра ўшалар-авлодидан.

Кимга тарихдирсан, кимга томоша,  
Мен учун эмассан тақдиримдан чет.  
Тақдир насиб этиб минг йиллар оша,  
Учрашиб турибмиз, мана, бетма-бет.  
Сенинг қисматинг-ку шундай беқарор,  
Мен ҳам чок этайин энди яқони:  
Сенинг-ку бир қадар сўғдийлигинг бор,  
Менинг ҳам қалбимда сўғдийлар қони.  
Ҳолинга куяман, куймасам бўлмас,  
Ҳолинга куяман, пари пайкарим.  
Рим деган менга-ку таҳдид этолмас,  
Сенга таҳдид этар, таҳдид солар Рим...  
Нилда тўлқин турса — Римдан даракдир,  
Наҳанг қорни очса, билмайди шафқат.  
Римга ғалла керак, тилло керакдир,  
Араз ҳам, гараз ҳам унга шу фақат.  
Рим текин сўрайди, фақат сувтекин,  
Текин бермаганга етади зарби.  
Ўзини улуг деб улуғлар, лекин  
Ўзини боқишга етмайди қурби.  
Шунингчун Мисрнинг ранги қахрабо,  
Шунингчун у маҳрум шону шарафдан.



Римдан офат келур... лекин ажабо,  
Ошиқ ҳам келармиш ўша тарафдан.  
Кўйингда Антоний гадоқир буткул,  
(Ёрлақа, муҳаббат, уни ёрлақа!)  
Амаллар, унволлар шу оташда кул,  
Ғаразлар, аразлар бари бир чақа...  
Майдонга тикилмиш жаҳоннинг кўзи,  
Майдонга ёғилур жаҳоний шараф.  
Майдонда бир тараф — Антоний ўзи,  
Буюк кўшин билан Цезарь — бир тараф.  
Агар минг йилларни қилмоқ бир қадам  
Имкони бўлсайди ушбу нафасда —  
Мен ҳам шу майдонга тушардим, санам,  
Ботир Антонийга бўлиб сафбаста!  
Улар Антонийни аяшди, ҳайҳот,  
Лекин аяшмасди мени ҳеч қачон.  
Номинг, номусинга тикардим ҳаёт,  
Номинг, номусинг деб берар эдим жон...  
Фалакдан бир нажот етмади сенга,  
Лекин етиб келди заминдан, ёҳу!  
Илон оғиз солди кумуш сийнангга,  
Гулбарг лабларинга таралди оғу.  
Жаҳондан кетдингу муродга етдинг,  
Жаҳон ҳам қолди-ку сендан айрилиб.  
Сен-ку Антонийнинг ортидан кетдинг,  
Ортингда турибман, қара қайрилиб...  
Сенга захар қўйиб, қадаҳ тутди ҳақ,  
Билмадим, менга не тутаркин соқий.  
Лекин биламанки, гўзаллик барҳақ,  
Лекин биламанки, муҳаббат боқий!  
Рухинг омон бўлсин дунёда, санам,  
Муҳаббат кўкида қилавер парвоз.  
Машриқдан Мағрибга сабо эсган дам  
Қулоғинга етсин сўғдийна соз...



# ЛОЧИН

ҲИКОЯ

Шундай қилиб, Лочинбек, акангиз билан ишлайсиз. Фақат битта «но» си бор. Ака-укаликка бориб, ҳаммаёқ кўзбўямачилик бўлиб кетмасин тагин! Қилинмаган ишларниям бажарилди, қотирилди, деб ёзиб келиб юрманг. Биз ер тагида илон қимирласа сезамиз-а!

Бошлиқнинг бу иддаоси Лочинга хуш келмади. Шу сабабли тилига келган гапни қайтариб ўтирмади: — Сизларда шунақа одамлар ҳам борми?!

Лочиннинг тарсакидек теккан қочирими бошлиқни сал довдиратиб қўйди. У Маъмурга бошқача қараш қилди.

— Бизда чўрткесарлик кетмайди, акаси! Бошлиқ бир нарса деганда охиригача эшитиш, қулоқ қоқмай бажариш керак!

Лочин бу гапга ҳам жавоб бермай туролмади:

— Агар талаб тўғри бўлса, бажараверамиз. Борди-ю...

Эндигина ишга жойлашаётган укасининг «маҳмадона»лигидан хижолат тортиб, ўзини нина устида ўтиргандек ноқулай ҳис қилаётган Маъмур қараса иш бузиладиган. У Лочиннинг гапини шарт бўлиб, суҳбатга аралашди:

— Салом Камолович, у ёғини билмоқчи бўлсангиз, бизлар туғишган ака-укалармас, аслида амакиваччалармиз. Лочиннинг онаси ўлгандан сўнг...

Акасининг бошлаган бу гапи Лочинга тоқ ургандек таъсир этди. Унинг ранги бирдан докадек оқариб, Маъмурга ялт этиб тикилди. «Шу гапни айтиш шартмиди?», деган маъно бор эди бу боқишда. Сўнг у ўрнидан сакраб турди-да, кўчага отилди.

— Хўш-хўш?

Чала қолган гапнинг давомига қизиққан Салом Камолович Маъмурни яна суҳбатга тортди. Онаси ўлгандан сўнг отаси бола-чақали бир бева аёлга уйланиб кетгани, Лочин эса, у ёққа боришдан бош тортиб, Маъмур билан бирга ўсгани, шу-шу туғишган ака-укадек бўлиб қолганларини маъзун бир қиёфада сўзлаб берди.

— Ишга жойлашиб қолсин, деган ниятда айтувдим, укам бунини бошқача тушунди. У ҳақиқий лочиндек мағрур, тоғларни, табиатни жон-дилидан севади. Сал ўжарлиги бор, холос. Йўқ, деманг, уни ишга олинг, Салом Камолович, — деб илтимос қилди Маъмур.

— Умуман, ёмон болага ўхшайди, — деди бироз сукутдан сўнг бошлиқ. — Ужарлигини қўйиб, жўяга юрадиган бўлса, келажакда иши жўнашиб кетади, албатта. Бу ҳолда бо-раверса, қайдам-ов, ўзини ўзи қийнаб қўярмикан!..

Бошлиқ қошларини кериб, томоғини тақиллатди, гапнинг охирига айтмасдан, хайр, деган маънода Маъмурга қўлини чўзди.

Шу воқеадан кейин Лочин анча вақт хомуш тортиб юрди. У ният қилган ишга жойлашганидан мамнун эди-ю, акасининг бошлиқ олдида мунгайиб туриб, ҳеч зарурати бўлмаган гапларни гапириши ёдига тушганда ёғиниб кетаверарди. Шу туфайлими, ишқилиб «ака» сўзини анча вақт оғзига олмади.

Маъмур бир кун кечқурун яримта ароқ кўтариб кириб келди. Мутлақо ичмайдиган акасига Лочин: «Муборак бўлсин!» дегандек, қошларини кериб имлаган эди, Маъмур шишани столга «тўқ» эткизиб қўйди-да:

— Мана шунини тенг бўлиб ичамиз, кейин ўтган-кетганларни бутунлай унутамиз, укажон! — деди ҳасратли товушда.

Бунга жавобан Лочин ўрнидан оҳиста турди, ароқни кўтариб кўчага чиқиб кетди. Бироздан сўнг тошлоқ томонда бир шишанинг чил-чил сингани эшитилди.

— Ароқ ҳеч кимни хўжа қилган эмас, ака, — паст, лекин таъсирчан оҳангда гапирди хонага қайтиб кирган Лочин. — Агар лозим кўрсангиз, ҳар қандай шароитда ҳам сиз менинг туғишган акамсиз!

— Кечир, укам, — деди эзилган товушда Маъмур. — Кел, энди сира халалашмайлик.

— Ундоқ деманг, — деб дарҳол гапни бўлди Лочин, — иш, турмушда тортишиш, хиралашиш бор гап...

Улар ҳақиқатан ҳам яна тортишиб қолдилар. Қоронғи тўқай тоғида ишлаб юрганларида Йўлбарс унгур уқасткасида ер ёрилди. Вазият анча қалтис эди. Тоғ сурилиши ва пастликдаги қишлоқчани босиб кетиши ҳеч гап эмасди. Бу уқасткани ўрганиш вазифаси топширилган ака-ука геологлар ҳар кун тонгдан то тунгача тиним билмай ишлар эдилар.

Бу тартибни ишлаб чарчамайдиган Маъмур жорий қилган эди, албатта. Шу кун эса негадир унинг қўли ишга унчалик бормади. Бола-чақасини кўмсадими ё бошқа сабабми, ишқилиб, уйига кетгиси келаверди. Авваллари, энди дам олсак бўлар, деб акасини ҳол-жонига қўймайдиган Лочиннинг ишдан бугун сира бош кўтаргиси келмаётганини кўрган Маъмур аччиқлана бошлади. Шундай пайтда у дилидагини тилига чиқармай туролмади:

— Кеча-кундуз тинмай ишлайверамизми? Бўлди-да энди! — деди зарда билан. Лочин қулоқларига ишонмади. Шу гапни ростидаман акаси айтаяптими, ҳеч бунақа одати йўқ эди-ку, унга нима бўлди ўзи?

Лочин акасига юзланиб, босиқ оҳангда гапириб кўрди:

— Ака, қоронғи тушишига ҳали анча вақт бор, ўзингиз белгилаб берган юмушларни саранжомлаб қўяй. Чарчаган бўлсангиз, чодирга кириб, бироз чўзилиб туринг!

Совуққонлик билан қайтарилган бу жавоб ловуллаб турган оловга бензин сепгандек бўлди.

— Кел-кел деса нози келар, келма деса ўзи келар! Қачондан бери ишчан бўлиб қолдинг-а?! Нима, ўзингни дарёга ташла, десам, ташлайверасанми?!

— Агар сиз лозим кўрсангиз, ташла деб астойдил айтсангиз, дарёга, албатта, ўзимни ташлайман, ака! Бу жавобни эшитиб Маъмур: «Укам менинг устимдан куляпти», деб ўйлади.

— Бор бўлмаса, ану тошга чиққин-да, ўзингни ташла дарёга!

Лочин қўлидаги асбобларни оҳиста ерга қўйди. Кейин Маъмур кўрсатган тош устига чиқди ва пастликда

айқириб оқаётган ваҳимали дарё бағрига ўзини отди!

Аввалига: «Вой жинни-ей, вой жинни-ей», деб турган Маъмур кўз олдида юз берган бу даҳшатни ақлига сиғдириб қайтиб юборди: — Аканг ўлсин, укажоне-ем!!!

У Лочинни қутқариш ниятида дарёга сакраш учун бир-икки чоғланди, негадир сакраёлмади. Кейин укаси ортидан қирғоқ бўйлаб чопди. Сув бетида тез оқиб кетаётган Лочин бир кўриниб, бир кўринмай борди-да, катта шалдирамага тушиб кўздан йўқолди. У томони ўтиб бўлмас қалин чангалзор эди. Укамдан чини билан айрилиб қолдим, деб ўйлаган Маъмур ортига қайтиб, илон изи йўлга чиқиб олди ва укасини йўқлаб, хўнграганча қишлоқ сари жўнади. У катта тош орасидаги камар йўлдан ўтган эди, олдинда одам шарпаси кўзга қалингандек бўлди. Қараса, кийимларини тошларга ёйиб қўйган Лочин йўл ўртасида икки қўлини белига тираганча, акасига кулимсираб турарди. Майкачан укасининг чайир, келишган қадди-қомати Маъмурда беихтиёр ҳавас уйғотди: «Тегирмонга тушса ҳам бутун чиқадиган зап укам бор-де!», деб қувонди у. Сўнг Лочинни бағрига босиб, бундан буён уни сира хафа қилмасликни яна кўнглига туғиб қўйди...

Ҳаёт деганлари беташвиш бўлмас экан. Мана, ака-ука ораларидан яна гап қочиб ўтирибди. «Йўқ, бу гал мен ҳақман! Бир варақайга бир неча бошлиқ билан баравар олишиб бўлармиди?! Ужарликми бу, ё манманликми! Бола десам, мана ўттизини уриб қўйди. Бола-чақали бўлдинг, бундан бу ёғига ишининг юришини ўйласанг-чи, нодон! Олий маълумот олдим, деб бурни кўтарилди, чоғи. Охир-оқибатда ўзиниям, мениям юзи қора қилмаса эди...» Шундай хаёллар диққатини тошириб юборган Маъмур:

— Номозингни ўқиб бўлдингми, чиксанг-чи, бу ёққа! — деди зарда билан.

— Илҳом парисини учириб юбордингиз, ака! — Лочиннинг товуши жўшқин ва самимий эшитилди. У ҳалигина бўлиб ўтган кўнглихираликни унутиб юборганда чамаси.

— Қоронғи тўқайда қанча вақтдан бери дам олмай ишлаймиз. Келинг, шу билан диққат бўлаверманг, ишимиз якунида мириқиб бир ҳордиқ чиқарайлик!

Шу гаплардан сўнг сакраб ҳовончадан чиқиб келган Лочин ҳаяжон билан сўзида давом этди:

— Ака, эшитинг, ўзимга атаб янги ёзган шеъримни ўқиб бераман. Ахир бугун роппа-роса ўттиз ёшга тўлиб ўтирибман!

— Тавба, мен нима деяпман, қўбизим нима дейди-я! Шеър ёзгандан кўра ўз ихтиёринг билан бошингга ортирган балони, эртага бўладиган машмашани ўйласанг-чи! Уйнашмагин арбоб билан, ука. Ҳали, иккаламиз-нияям думимизни тугворишмаса гўрға эди!

Акасида бу хилдаги гапларни эшитиб, Лочин жиддийлашди, акасининг кўзларига тикилиб туриб:

— Ҳақ иш учун кетсам кетарман-да. Лекин сиз қўрқманг, бошқа-

ларни гап-сўзга қолдирадиган номардлардан эмасман. Ҳар кимнинг йўл-йўриги бошқа. Қолаверса, биз туғишган ака-укалар эмас, амакивачалармиз, холос!— деди.

Бу гапларга Маъмур жавоб беролмади. Кўнгли вайрон бўлиб, томоғига бир нарса тикилди...

Маъмур айтган машмашали кун келди. Кўриладиган масаласи ҳам, ўтказилиш вақти ҳам эълон қилинмаган ғалати мажлис чақирилди. Навбатдан ташқари бу йиғинда ташкилотнинг деярли барча ишчи-хизматчилари ҳозир бўлдилар. Одамларнинг кизиқ одати бор, баъзан уларни ялиниб ҳам мажлисга тўплаб бўлмайди. Бугун эса зал тирбанд — ҳатто ўриндиқлар етмай қолди. Бундан Салом Камолович ёнида ўтирган қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Уктамов бироз саросимага тушди, ишхона бошлиғига секин шивирлади:

— Қош қўяман деб, кўз чиқармасак эди. Буларнингизнинг шашти бошқача кўринади. «Рўйхат тузиб, қўл қўйдириб юришибди» деган шивир-шивирлар қўлоғимга чалинди...

Бошлиқ пинагини бузмасдан жавоб қайтарди:

— Очигини айтсам, дод деб шифтга чиқиб кетишганда ҳам, Одил Қодировичнинг номзодини депутатликка ўтказдирмайман. Депутатликка сайландими, тамом, ишдан бўшатиш у ёқда турсин, сал қаттиқ гапириб кўринг-чи, бунингдек тирноқ тагидан кир изловчиларга. Булар бошлиқнинг бошига битган бало, қип-қизил эговку!

— Эговнинг ҳам қип-қизили бўладими!— деб гапни ҳазилга бурди ижроком раиси. Улар калфлари билан юзларини одамлардан тўсиб, мириқиб кулишди.

Шу пайт эшик очилиб, залга район партия комитети секретари ва район ижроия комитети раиси кириб келди. Кутилмаган меҳмонларнинг бирдан ҳозир бўлиб қолишлари Салом Камоловични эсанкиратиб қўйди, кўш-қўллаб сўрашиб, уларни мажлис ҳайъатига таклиф этганидан сўнг кўнгли бироз таскин топди. «Нима бўлганда ҳам ўзлари тайинлаган бошлиқман, албатта, мени қўллади-да. Кўрамиз, шундан кейин кимдан ҳам тил чиқаркин. Ҳатто, Лочин сингари романтика осмонда учиб юрганларнинг ҳам қанотлари шалвираб қолар энди», деб ўзича тахмин қилди.

Мажлисни очиб, йиғилганларни кун тартиби билан таништирар экан, Салом Камолович орқароқда ўтирган Лочинга кўз қирини ташлаб зугум қилди:

— Айрим ўртоқлар подадан олдин чанг чиқариб юришибди бу масалада. Одил Қодирович — участка бошлиғи, бунинг устига соғлиғи анча ночор. Депутатлик вазифаси уни қийнаб қўйиши мумкин. Натижада иш ҳам битмайди, ишонч ҳам оқлан-

майди. Шунга назарда тутиб, Қодировнинг ўрнига қишлоқ Совети депутатлигига оддий ошпаз Чиннихоннинг номзодини тавсия этувдик. Бу таклифимиз бир-икки кишига ёқмай, яна мажлис чақиртириб ўтиришибди. Нима, хотин-қизлар номзодига, уларнинг порлоқ келажига қаршилар борми орамизда?!.. Бунга қаранг, ҳатто Одил Қодирович номзодини ўтказиш учун ёзма равишда имзо ҳам тўплаб юрган эмишлар! Бундай иш фақат бекорчилардан чиқиши мумкин. Мана, йиғилишимизда районимизнинг ҳурматли раҳбарлари ўтиришибди. Шуларнинг олдида айтиб қўяй, конце-концов бизнинг йўлимизга тўғаноқ бўлаётган айрим ўртоқларнинг баҳридан ўтишга мажбурмиз! Қани, ким нима демоқчи бу ҳақда?

Зал жим-жит бўлиб қолди. — Борми, гапирадиган!— деб яна баландроқ товуш билан сўради мажлисни олиб бораётган Салом Камолович.

— Бор!

Ҳамма овоз чиққан томонга ўгирилди. Лочин ўрнидан турди-да, олдинга ўтди ва Салом Камоловичнинг қўлига бир даста варақ узатди:

— Мана сиз сўраган рўйхат. Биз Чиннихоннинг номзодига батамом қаршимиз. Унинг биргина сизга ёқиши, у бошқаларга ёқар экан, деган маънони билдирмайди-ку! Эл билан эланиб келаётган Одил Қодировичнинг номзоди учун ҳар қанча ишонч билдирсак арзийди. Одил ака юз марта эмас, бир марта туғилиб, бир марта ўладиган инсонлардан. Депутатликка шу кишининг номзодини таклиф этаман ва шу ажойиб сафдошимиз учун ҳаммангизнинг овоз беришингизни сўрайман!..

Гулдурас қарсақлар Лочиннинг гапини босиб кетди. Нозик ҳолат юзага келган эди. Район партия комитети секретари сўз олиб, ўрнидан турди. Салом Камоловичнинг роғи гурс-гурс ура бошлади. Унинг охириги умиди шу кишидан эди.

— Тасодифий, планлаштирилмаган мажлисларда баъзан анча мураккаб масалалар учраб туради,— деб тиниқ ва вазмин товушда гап бошлади секретарь.— Ташкилот бошлиғи, мажлис раиси Салом Камолович ҳақ гапни айтди. Ҳақиқатан ҳам, бу коллективда тарбияга муҳтож, вақтида керакли хулоса чиқариб олмаса, баҳридан ўтиш керак бўлган ўртоқлар бор экан...

Секретарь сўзидан бир зум тўхтаб, Салом Камоловичга ўткир назар ташлади. Қувониб кетди ичида мажлис раиси. Унинг бу севинчи дарҳол сиртига тегиб, қадди-қоматини янада тиклаброк ўтирди, қўлига қалам олиб, орқа томонда бошланган шивир-шивирларга таҳдид тарзида столни бир-икки тақиллатиб қўйди.

— Мен ортиқча гапириб, вақтларингизни олмоқчи эмасман,— деб

сал ҳаяжонли товушда сўзини давом эттирди секретарь.— Бу масала райкомнинг навбатдаги бюро мажлисида муҳокама қилинади. Шу мажлисга ташкилот бошлиғи Салом Камолович ва қишлоқ Совети ижрокоми раиси Уктамов ўртоқларни таклиф этамиз.

Баданида чумоли ўрмалаб кетган Уктамов айтмовдимми, дегандек Салом Камоловичга зорланиб қараб қўйди. Райком секретари сўзига якун ясади:

— Энди, Салом Камолович, депутатликка номзодларни йиғилган мана бу сайловчилар ўртасида бирма-бир овозга қўйинг.

— Лаббай?— Райком секретарига жовдираб қаради Салом Камолович каловланган бир ҳолатда.

— Номзодларни қайтадан овозга қўйинг, деяпман.

— Майли-майли, мана ҳозир... Кимда-ким депутатликка Чиннихоннинг номзоди ўтсин, деса қўл кўтарсин!

Товушининг бунчалик минғирлаб заиф чиққанидан уялиб, томоғини бир-икки қириб олган Салом Камолович биринчи бўлиб ўзи қўл кўтарди-да, Уктамовга ер тагидан талабчан назар ташлади. Чиқмаган жондан умид қилаётган ижроком раиси уни қўллаб-қувватлашга интилди. Уктамов ўтирган ўрнида бир-икки кўзга-қўйдию қўли кўтарилмади. «Қаршилар борми? Холислар борми? Одил Қодирович номзоди учун ким тарафдор?» деган саволларни берди-ми-йўқми, мажлис раиси эслай олмайди. Зотан, бунга ҳожат ҳам қолмаганди. Бир амаллаб ўйига етиб олган Салом Камолович юмшоқ ўриндиққа таппа ташлаб, кўзларини чирт юмди. Унинг боши ғувиллар, тобора пастга чўкиб бораётгандек ўзини ожиз ҳис қилар эди. Гўё ёмон туш кўравериби, чарчаб қолганга ўхшарди. Кошки шу воқеа туш бўлса-ю, уйғонганидан кейин бундай ғалваларга мутлақо яқин бормаса!

Эртаси яна мажлис чақирилганини эшитиб, одамлар истар-истамас йиғилдилар. Ҳозир бўлганларнинг хомуш ва паршонлигидан кечаги масалага қайтиш, ярани янгилаш ҳамма учун малол келаётгани кўриниб турарди.

Утган бир кунда Салом Камоловичнинг кўзлари киртайиб, ич-ичига тортиб кетибди. Туни билан мижжа қоқмаган бўлса керак бояқиш. Лекин нигоҳида илгарилари сира кўринмаган бир ёлқин пайдо бўлган, у шахдли эди. Айбини иш билан юмқочига ўхшарди.

— Маъмур тутасизлар, кеча ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим бир масала ёддан кўтарилибди... Янги участкани ўрганмоқчимиз, ўртоқлар! Шу масалада сизларни йиғишга мажбур бўлдик. Эндиги ўрганиш навбати Шабрезга!

Шабрез! Болалик ва ўсмирлик йилларида неча бор аргувон гул



Расми Н. ИБРОҲИМОВ чизган

олиб тушган улғувор чўққилар, зилол шаршаралар, яна табиатнинг тақрорланмас қанчадан-қанча ёввойи ҳуснатофати Лочиннинг кўз олдидан ўта бошлади. Унинг юраги бирдан орзиқиб кетди. Кейинги воқеалар тоғ йиғитини димиқтириб юборган, Лочиннинг борлик вужуди покиза чўққилар сари интилар эди.

— Шу участкада ишлаш учун талабгорлар борми?

Ширин хаёл оғушида сузаётган Лочинни бу савол ўзига келтирди. «Мен бораман!», дея дарҳол ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, ийманишми, тортинишми, уни тўхтатиб қолди.

Бари бир, Шабрез учун талабгор топилмади. Ман-ман деган геологлар ҳам бош эгиб, сукутда ўтирар эдилар.

— Тўғриси айтганда, фаолиятимизда энг оғир участка ҳозирча шу бўлади,— деб сўзини эҳтирос билан давом эттирди бошлиқ.— Шабрезга ҳали инсон оёғи етган эмас, палаткада яшаб, ярим-бир йил қийналишдан бошқа илож йўқ. Ҳа, сизларга очигини айтишим керак. У ерда иш-лашнинг ўзи бўлмайди. Нима ҳам қиламиз, ишимиз шунақа, ўртоқлар, орамиздан кимларнингдир шу участкага бориб ишлашга тўғри келади... — Мумкинми!

Бу босиқ, салобатли ва дадил овоз биринчи навбатда икки кишининг қалбини жизиллатиб ўтди.

— Ҳа, ҳа, марҳамат!— деб Лочинга синовчан тикилди Салом Камолович. Маъмур эса шундоқ укаси борлигидан боши осмонга етиб ўтирар эди...

## Мукааррама МУРОДОВА

### Оқ кема

Феруза уммонда бир оппоқ кема  
Тўлқинлар бағрини боради ёриб,  
Самони денгизга боради қориб  
Феруза уммонда бир оппоқ кема.  
Ярқираб кетади оқ туман ичра,  
Ортидан эргашар оппоқ тўлқинлар.  
Пойига оқ чорлоқ ўзини урар,  
Ярқираб кетади оқ туман ичра.  
Улуғвор сузади кериб қаддини,  
Қорайган кенгликда оқ шудгор очиб,  
Мухитга тириклик руҳини сочиб  
Улуғвор сузади кериб қаддини  
Феруза уммонда бир оппоқ кема.

### Гул

Икки тўлқин орасида қолмиш битта гул.  
Нафис-нафис баргларида марварид инжу.  
Шафақлардан томган, юзи қатралардан ҳўл.  
Икки тўлқин орасида ҳайрон битта гул.  
Соҳилга интилган бир тўлқин — оппоқ,  
Орқага қайтар-да, имлайди гоҳ-гоҳ.  
Баҳмал гул у билан кетолмас, бироқ,  
Феруза тўлқин-ла қололмас ҳам, оҳ...  
Донишманд тоғ боқар лабини қимтиб,  
Майин ел пайт топиб кетади чимдиб.  
Осмон жим термулар қаддини эгиб,  
Қирғоқ ҳам ёрдамга қўл чўзмас келиб.  
Икки тўлқин учун орзу, хаёлу манзил,  
Икки тўлқин учун асли нима гап бир гул?!  
Бироқ унга қаттиқ тегиб бўларми, у — гул!  
Икки тўлқин учун мақсад, шиддат, қудрат — ул —  
Икки тўлқин орасида ҳайрон турган Гул.

### Йўл

Сиз йўлнинг у ёғида,  
Биз эсак бу ёғида,  
Турибмиз узатмай қўл,  
Узатсак — қирқилар йўл.

Дарёга ўнг қирғоқсиз,  
Сўл қирғоғи эса биз.  
Учрашиб бўлмас аммо,  
Учрашсак, қурир дарё.

Йўл — кўпларнинг қаноти,  
Дарё — кўпнинг ҳаёти.  
Йўлни кесолмайман, (оҳ!)  
Дарёни тўсиш — гуноҳ!

Ислом ШОҒУЛОМОВ,

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг директори, тарих фанлари кандидати

# НАФОСАТ ТАРҚАТУВЧИЛАР

**Б**УНДАН бир йил аввал муаззам мамлакатимиз ва жаҳон халқлари бухоролик улуғ мутафаккири олим, тиббиёт илмининг атоқли сиймоларидан бири Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллик юбилейини зўр тантана билан нишонладилар. Юбилей муносабати билан буюк аждодимиз шаънига мақолалар, шеърлару дostonлар битилди, ҳикоялар ва қиссалар, драматик асарлар ёзилди, қомусий олимнинг илмий мероси ва дунёқарашига оид кўп илмий асарлар ҳам эълон қилинди. Ибн Сино асарларининг кўп томлик мажмуаси босиб чиқарилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, машҳур шифокор-олимнинг номи ҳозиргача ҳеч қачон бу даражада эъзозланмаган, унинг асарлари бу қадар қадр топмаган эди. Абу Али ибн Сино сингари буюк аждодларимиз меросини чинакамга қадрлаш, уларнинг хотирасини улуғлаш фақат бизнинг давримизда, социалистик тузум шарофати туфайлигина амалга ошди.

Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллик юбилейини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ва унинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси коллективлари ҳам муносиб тўхфа билан нишонладилар. Босмаҳона ходимлари турли нашриётларнинг буюртмаси билан мутафаккир олимга бағишланган китоблар ҳамда Ибн Сино асарларидан танлаб олинган тўпламлар нашрини сифатли ижро этдилар. Шунингдек, нашриётимиз ташаббуси билан Абу Али ибн Синонинг бир туркум шеърлари ва тиббий дostonини ўз ичига олган тўплам совға китоблар сериясида чоп этилди...

Дарҳақиқат, совет кишилари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлигида қадимда

яшаб ўтган буюк аждодларимиз — машҳур олимлар ҳамда маърифатпарвар ижодкорларнинг номи эъзозлаш, меросини қадрлаш борасида жуда кўп эзгу ишларни амалга оширмоқдалар. Зеро бу ишлар қатта тарбиявий аҳамиятга эгадир ва улуғ Лениннинг, тарихни чуқур ўрганган одам ҳозирги куннинг қадрига кўпроқ етади, деган доно сўзларига мос бўлиб тушади. Нашриёт ва босмаҳона ходимларининг бундай олижаноб ишга ўз ҳиссаларини қўшаётганликлари биз матбаачилар учун гоёт фахрлидир.

Нашриётимиз бундан беш йил аввал Шарқ классик шоирлари асарларини совға китоблар тарзида нашр эта бошлаган эди. Шундан бери Шайх Саъдий, Фирдавсий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Хусрав Деҳлавий, Машраб, Увайсий, Нодира, Маҳтумқули ва бошқа улуғ шоирларнинг асарлари кўп нусхада ўзбек ва рус тилларида турли хил рангдаги миниатюралар билан безатилиб, чоп этилган. Шу серияда совет шоири Ҳамид Олимжоннинг ажойиб шеърлари ҳам китоб қилиб нашр этилди.

Шу муносабат билан аждодларимиз қолдирган ўзига хос, нозик санъат асарларини ҳозирги замон полиграфиясининг ютуқлари асосида босмадан чиқариш хусусида бир-икки оғиз сўз айтишни лозим топамиз. Рассомларнинг миниатюра асарлари, шоирларнинг ажойиб мисралари ўша давр меҳнат аҳлининг оғир аҳволини акс эттиради. Шунинг ҳам айтиш лозимки, тасвирий санъат асарларида ва шоирларнинг шоҳ сатрларида инсониятнинг порлоқ истиқболига бўлган қатъий ишонч ҳайратланарли тарзда ўз ифодасини топган. Бу нарса классик меросимизнинг етук асарларини ҳозирги замон ўқувчисига нафис ҳолатда етказишни тақозо этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзма-

лар институтида сақланаётган асарларни синхирлаб ўрганиш, улардан нусха кўчириш, таҳрир этиш, таржима қилиш, босмага тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқ зарур. Классик меросимизнинг ажойиб асарларини китобхонага етказишда таржимонлар, адабиётшунос олимлар, тадқиқотчилар, тўпловчилар билан ижодий ҳамкорликда маълум асарни гўзал китоб ҳолида нашр этиш асосан полиграфия саноатининг бугунги бой имкониятига, матбаачи усталарнинг маҳоратига боғлиқдир.

Ҳозир республикаимиз полиграфия саноати қадимий, нафис миниатюра асарларини ўз аслидек аниқ ифодалаб бериш имкониятига эга. Ута нафис ишланган миниатюраларнинг тасвирларини китобхоналарга кам-кўтсиз, оригинал кўринишини сақлаган ҳолда етказиш ниятининг ўзигина қифоя эмас, албатта. Очиғини айтганда, Шарқ шеърини миниатюраларини совға китоблар сифатида тайёрлаб нашр этиш технологиясини ҳаётга татиқ этиш жараёнида нашриётимиз ишлаб чиқаришида техника жиҳатдан революция амалга оширилди, десак муболага бўлмайд.

Биз дастлаб Шарқ классик рассомлари миниатюра санъатининг нозик жиҳатларини ўрганиш давомида оригиналдаги мушоҳада ва бўёқларни тўлалигича сақлаб қолиш йўлларини изладик. Корхонаимиз лабораториясида қайта-қайта экспериментал текширишлар ўтказдик. Бу ишларни хайрли натижаларга олиб келди. Шарқ классиклари қўлёзмалари ҳарфларини теришнинг прогрессив технологиясини янгидан бунёд этилди. Ниҳоятда нафис оригиналлардан кўчирилган фотослайдларнинг хилма-хил, ўта мураккаб бўёгининг аниқ ранглари топиш муаммосини ҳал этиш аниқсиз қийин бўлди. Бу ишни амалга ошириш учун нашриёт босмаҳонасининг экспериментал лабораторияси ва цехларида барча техник шароитлар яратилди.

Имкониятдан фойдаланиб шуни айтиш жоиз бўлардики, бундан бир неча ҳафта аввал республикаимиз матбаачилари, газета-журналларнинг ходимлари, минг-минглаб газетхоналар, журналхоналар, китобхоналар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ташкил топган куннинг 60 йиллигини тантана билан нишонладилар. Бундан олти йил аввалги қолақ, ярим кустар устахона тарихан қисқа муддатда миллион-миллион нусхада газета ва журналлар чиқарилган, ранг-баранг китоблар, плакатлар, совға нашрларини нафис ва сифатли чоп этадиган, юксак полиграфия қувватига эга бундан йирик корхонага айланди...

Нашриётимиз ишлаб чиқариши «Хромоскоп — ДЦ-300», «Варихромограф», «Вариоклишограф» деб номланган, нозик ранглари бир-бирдан ажратиб берадиган ускуналарга фото формалар, металл формалар ва цилиндрлар тайёрлайдиган ноёб, серунум техникаларга эга. Бу ускуналарнинг ҳаммаси фан-техника тараққиёти ютуқларини ва полиграфия машинасозлиги саноатида яратилган техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича тайёрланган аниқ планга мувофиқ харид қилинди, цехларга ўрнатилди ва ишга туширилди. Қувончлиси шундаки, биз «Правда» газетаси нашриётидан кейин Иттифоқимизда иккинчи бўлиб репродукцион марказ яратдик. Мазкур ускуналар ёрдамида оригиналдаги тасвирга тўла мос келадиган фотомонтаж тайёрлаш, ранглари аниқлаш ва бўёқ бериш бўйича нозик жараёнларни моҳирлик билан бажариш, айрим ҳолларда ҳатто оригиналдаги ноаниқликларни иш жараёнида тузатиш ва уни бирмунча такомиллаштириш имкониятига ҳам эгамиз.

Нафис нашрларга сайқал берадиган мураккаб электрон машиналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш осонлик билан юзага келгани йўқ, албатта. Бироқ ноёб ускуналарни юқори дид ва моҳирлик билан ишлаб чиқаришга жорий этишда машғул бўлган ўнлаб етакчи инженер-техник ходимларимиз ҳозирги замон полиграфия техникасини синчковлик билан ўрганишни унинг янги технологиясини ишлаб чиқишининг бундан кейинги такомиллашуви иши билан боғлаб олиб бормоқдалар. Матбаачиларимиз журналлар, китоблар, йўл кўрсаткичлар, турли хил буклетлар, проспеклар, бадийи откриткалар, Шарқ классик миниатюраларидан иборат зарварақларнинг полиграфик ижроси юқори сифатли бўлиши учун қулай шароит яратилганини тўла ҳис этмоқдалар. Бугунги кунда биз турли ранглари фотопленкада бир-бирдан тиниқ ажратиб берувчи техниканин жорий этилиши, репродукцион марказнинг яратилиши нашриётимиз босмаҳонаси билан ҳамкорлик қилаётган бир қатор ёндош корхоналар ишлаб чиқаришининг талабларини ҳам қондираётганини мамнуният билан айта оламиз.

Нашриётимизнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институти билан ҳамкорлиги, Шарқшунослик институти, В. И. Ленин Мар-



Босмаҳонанинг Ботнқ босма цехида ўрнатилган репродукцион жарназда ниҳоятда мураккаб жараёнлар амалга оширилади. Суратда: Электрон бўёқ корректорининг оператори Владимир Швец иш устида.



Ҳакимбекка ой Барчинни аташтириб, бешкирти этдилар.



Боради элнинг тўраси,  
Гумбурлар тоғнинг дараси.

«Алпомиш» ўзбек халқининг шоҳ достонидир. Унинг Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган ва энг мукамал деб ҳисобланадиган варианты, шунингдек, бошқа бахшилардан ёзиб олинган вариантлари қайта-қайта нашр этилмоқда, илмий тадқиқ қилинмоқда. «Алпомиш» адиблар, композиторлар, rassomлар эътиборини ҳам тортмоқда. Шу тариқа қадимий достон ёшармоқда, бугунги эзгу мақсадларимизга хизмат қилмоқда, замондошларимиз шуурини бойитишга ёрдам бермоқда. Еш rassom Темур Саъдуллаев «Алпомиш» достони воқеалари асосида яратган расмлар туркуми ҳам шундан далолат беради.

— Узи шундан келган экан човқар кўх,  
Қуйруғидан берсинда кири йўқ.



Алпомиш билан Сурхайил кампир учрашуви.





Қоражон билан Алпомиш ёйди қулочди, хулқи муҳаббат билан кўришди.



Қоражон билан Бойчиборни шундай қилиб бойлаб ташлади.

Элу халқи — барча йиғилиб келади,  
Бекни сийлаб яхши хизмат қилади.



Сурхайил мастон Алпомиш билан Товкаойим учрашувини кўриб қолади.



Алпомишнинг хатини олиб кетаётган ғозни кампир ўғлининг ўқидан асраб қолади ва учириб юборади.

Расмларни Темур САЪДУЛЛАЕВ чизган

Алпомиш Қўнғирот элига қайтаётиб, Қалдирғочойимни туя боқиб юрганида учратади.



казий музейнинг Тошкент филиали, Санъат, Тарих, Амалий санъат музейлари ва бошқа ташкилотлар билан бўлган ижодий алоқаси халқларимизнинг қадимий меросига оид ноёб нашрларни бундан буён янада кенгайтириш учун ишончли база ҳисобланади.

Технология, техника инсон тафаккури, билими, маҳорати, ишдаги малакаси, тажрибаси билан ишлаб чиқаришга жорий этилади. Сўнгги йилларда нашриётимиз босмахонасида ўнлаб юқори малакали мутахассислар, меҳнатга ижодий ёндошадиган юзлаб инженер кадрлар ўсиб етишди. Ишлаб чиқариш технологияси эса, техника тафаккури даражасига, инженерлар, мастерлар, ишчилардан иборат матбаачиларнинг профессионал қобилиятлари даражасига тўла-тўқис мос келади.

Расмом томонидан қачонлардир ягона нусхада яратилган тасвирий санъат асари ҳарф терувчилар, печатниклар, муқовачилар, фотографлар, ретушчилар, операторлар, нусха кўчирувчилар ва бошқа минглаб матбаачи мутахассисларнинг юқори билими, маҳорати, зўр профессионал қобилияти ва бой тажрибаси туфайли миллион-миллион нусхаларга айланади ҳамда кишиларимизнинг эстетик тарбиясига, маданий ва маънавий камолотига хизмат қилади, уларга завқ бағишлайди, китоб жавонларини дурдона асарлар билан бойитади.

Нашриётимиз коллективида меҳнатга муҳаббат, ижодий изланиш, илғор тажрибани, нозик санъатни матбаачилик соҳамизга жорий этишга интилиш, иш пайтида диққат-этиборни жамлаш маҳорати, ишлаб чиқаришдаги барча жараёнларга ҳам илмий ёндошиш сингари фазилатлар ҳар бир инженер ва оддий матбаачининг эзгу нияти, асл тилаги ва оdatига айланган.

Юқорида тилга олинган соҳаларнинг ижодкор матбаачиларига моҳир мутахассисларимиздан Фафур Собиров, Алла Ёқубжонова, Евгений Горшенин, Надежда Кушнир, Юрий Валин, Игорь ва Владимир Швец, Владимир Азиков, Наримон Сафаров, Баёз Миродилов, Наима Холтоева, Владимир Никифоров, Ёдгор Умархўжаев, Абдураззоқ Азизов, Самиғ Умурзоқов, Розия Тошлонова, Валерий Лосицкий, Яков Шурп, Қутбиддин Мансуров, Саид Йўлдошев, Қўчқор Худойқулов ва бошқа ўнлаб ўз касбининг ажойиб усталари мураббийлик қилмоқдалар. Буларнинг ҳар бири технологик жараёнларни маҳорат билан бошқаришдан ташқари ўзларидаги юқори билим, маҳорат ва тажрибаларини юзлаб ёш матбаачиларга ўргатиб, олижаноб иш қилмоқдалар.


Шарқ классиклари шеърини китобларини, кўп рангли нашрларни тайёрлаш жараёнларида меҳнат қилаётган матбаачиларга ижодий ҳамкорлик, ўз малакалари бўйича дўстона тажриба алмашиш, бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш нияти ҳаммиша ҳамроҳ. Чоп этишга тайёрланадиган ҳар бир миниатюра асарининг ўзига хос нозик жиҳатлари, нафосати ҳам худди шундай ижобий ва ижодий муҳитни тақозо этади.

Совға нашрларини тайёрлаш ва босиб чиқариш иши нашриётимиз учун иқтисодий жиҳатдан ҳам бирмунча аҳамиятлидир. Миниатюра, совға нашрларини чоп этиш бизга босмахона иш қувватининг журналларни босиб чиқаришдан ортган вақтларидан унумли фойдаланиш имконини беради. Ишлаб чиқариш қувватларининг самарали ва бир меъёردа ишлаши эса, корхонамиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш қувватларини аниқ мақсадга, нашрларни сифатли ижро этишга мўлжаллаб ривожлантиришдек фойдали ишга ижобий таъсир кўрсатади.

Замонавий матбаачи меҳнатини санъатга қиёс этса арзийди. Зеро бу меҳнат шоирлар, ёзувчилар, расомлар, композиторлар, архитекторлар бошлаган ишнинг давоми бўлиб юзага чиқади. Ана шунинг учун ҳам улар нозик ҳунарлари, ишдаги маҳоратлари билан фахрланадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётида тайёрланиб, босмахонада чоп этилаётган совға нашрлари бугунги кунда бутун мамлакатимиз бўйлаб тарқалмоқда. Нашриётимиз шеърини ва нафосат мухлисларидан, китоб иштиёрқандларидан кўплаб миннатдорчилик мактубларини ҳам олиб туради. СССР Фанлар академияси Ленинград Шарқшунослик институтининг профессори, филология фанлари доктори Д. С. Комиссаровнинг хатидан кўйидаги сатрларни келтиришни жоиз деб биламиз: «Олдимизда ўз нафосати ва чиройли беағи билан ўзига дарҳол мафтун этадиган тўртта китобча турибди. Қадимий кўлёмалардан танлаб олинган ёки ҳозирги расмом чизган ёрқин миниатюра билан безатилган муқовани кўрибоқ шеърини тўпламларни ўқиб чиқишга иштиёқ туғилади».

Шунингдек, мазкур институтнинг профессори А. Тоҳиржоновдан, Ленинград университетининг профессори А. Болдиревдан, озарбайжонлик профессор А. Жабборлидан ва бошқа шарқ-



Бир йўла саккиз хил бўёқ бериш имкониятига эга бўлган мана бу машина ҳам Ботиқ цехида муттасил ишлаб турибди. Суратда: мастер Ҳошим Дадашев, печатник Абдулла Назиров ва Аҳаджон Алиевлар янги зарварақларни босиб чиқаришга ҳозирлик кўраётирлар.



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида ўз касбига меҳр қўйган илғор, малакали ишчи ва хизматчилар сафи кундан-кунга ортиб бораётир. Суратда: ёш матбаачилардан Муқаддас Тўлаганбекова, Наима Обидова, Сурайё Авазова ва Людмила Ли Ботиқ босма цехидаги тикиш-несиш машинасида тайёрланган маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар.

Н. ШАРИПОВ фотолари

шунос олимлар ва минглаб шеър мухлисларидан келган мактублардаги юрак сўзлари ҳам ўз самимияти, тилак ва талаблари билан алоҳида ажралиб туради.

Ижодкор матбаачиларимиз бундай ташаккур хатларига бундан кейин ҳам ўз ишлари ва

санъатларини такомиллаштириш жараёнида жонжон Коммунистик партияимизга ва улуғ совет халқига сидқидилдан хизмат қилиш, талабчан газетхон, журналхон, китобхонларимизнинг нозик дидларига мос келадиган нафис нашрларни кўплаб чоп этиш билан жавоб берадилар.

# „ҚҰРИҚХОНА“

ТАЙЕР ҲИКОЯ



келганман. Аммо Кумушсой қишлоғига негадир йўлим тушмаганди. Лекин таърифини кўп эшитганман. «Кумушсой»ни баъзан парилар қишлоғи ҳам деб аташарди. Бу жойнинг қизларидақа чиройли қиз наинки Ўзбекистон, ҳатто Урта Осиё ва Қозғистонда ҳам топилмайди, дейишарди. Қиз эмас, пари. Парилардан нуқсон топса бўлади, лекин буларнинг ҳуснидан тариқча нуқсон топил бўлмайди. Қишлоққа жамики республикалардан совчилар келади. Не-не номдор артистлар, номи оламга кетган олимлар, атоқли шоирлар шу ердан уйланишган. Ҳатто «Баҳор» ансамблида ҳам кумушсойлик қизлардан учтаси бор.

Қачон янги кино олинадиган бўлса, бош ролда ўйнаш учун Кумушсойдан қиз олиб кетишади.

Шундай қилиб, Кумушсой қизлари ҳар тарафга учирма бўлиб кетаверишди. Ҳожиниса опа шу тўғрида кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. Раисга: «Қизларимиз бошқа ёққа кетиб қолаверадими?» деганда, раис елкасини қисиб: «Кўнгиладан, ҳар ким хоҳлаган ошини ичади», деб ланж жавоб қилганди. Ҳожиниса опа оддий бир кетмончи аёл эди, гапи кимга ҳам ўтарди. Аммо тўрт йилдирки, у бригадага бошлик. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон олган. Область Советига депутат бўлиб сайланган. Энди қўлини қаёққа узатса етади. Раис ҳам у билан ҳисоблашадиган бўлиб қолган. У ишни бригададан йигитларни ҳайдаб, қизларнинг ўзини қолдиришдан бошлади. Биринчи мажлисда: «Менинг руҳсатимсиз эрга тегмайсанлар», деган масалани ўртага қўйди.

— Агар йигит-яланг бригада ерини оёқ ости қиладиган бўлса, мендан ўпкаламайсанлар. Мард бўлса, совчи юборсин. Совчиларни ўзим мана шу шийпонда иззат-икром билан кутиб оламан.

Қизлар чувиллашиб, бири астойдил, бири кўнгиладан учун хўп, деган бўлишди. Ана шундан кейин Ҳожиниса опа бригадага олиб борадиган йўл бошига: «Чет кишилар кириши тақиқланади. Штраф 15 с.» деб ёзиб қўйди.

Иш пайтида пайкал четидан қизларни имлаб қақирадиган йигитлар кўп бўларди. Тахтачадаги ёзувни пиксанд қилмайдиганлар ҳам кўп эди. Ана ўшанақаларни ушлаб, тахтача олдига олиб келишар, бурнини тахтага ишқаб:

— Уқи, ўқи, нима деб ёзилган?— деб сўрашарди.

— Ун беш сутка жазо,— деб жавоб қиларди масхара қилиб йигит.

— Йўқ. Тушунмабсан, — дерди Ҳожиниса опа.— Ун беш сотих ер чопасан, деган гап бу.

Ана шундан кейин қўлга тушган йигитнинг уст кийимини ечиб, майкачан қолдиришар, қўлига кетмон бе-

риб, ер чопишга мажбур қилишарди. Кунига икки-уч йигит қўлга тушар, шу йўсин қирқ-эллик сотих ғўза чопикдан чиқарди.

Колхоз механизаторлари эрталаб идорада иш тақсимоотида раисдан қизлар бригадасига юборишни сўрашарди. Бир кун ишлаб эртасига келмайдиган бўлиб кетишарди.

Шукур деган қош-кўзи попукедек тракторчи йигит кўпдан шу қизлар бригадасида бир кун бўлса ҳам ишлаб, «яйраш»ни ният қилиб юрарди. У ниятига етиб, тракторини тариллатиб, Ҳожиниса опанинг ерига илжайиб келиб қолди. Яктагини ечиб, шийпон қозиғига илдию олифта юриш қилиб тракторига ўтирди. Чой ичмай ишга тушиб кетди.

Қизлар у пайкалга кириб кетиши билан яктагининг елкасига қизил помагада икки-уч жойга лаб нусхасини туширишди. Чўнтагига духи сепилган, чети гажим рўмолча солиб қўйишди.

Шукур кечкурун ҳамма қизлар билан маза қилиб, қўл бериб хайрлашиб уйига кетди. Аммо эртасига юз-кўзи тимдаланиб, идорага дод, деб келди. Хотини чўнтагидан духи сепилган чети гажим рўмолча топиб олиб, унинг устига, яктагида қип-қизил лаб изини кўриб, қипти тўполонни, қипти тўполонни!

Ана шундан кейин Шукур қизлар бригадасига иккинчи қадам босмайдиган бўлиб, бадар кетди.

Эртасига бригадага бошқа механизатор келди. Униси ҳушёрроқ экан, ечган кийимини қийиқчага туги, кабинага олиб кириб қўйди. Тушликда шийпонда овқатини еб, хотиржам мудради. Аммо қизлар ҳам бўш келмади. У мудраганда, қошига ўсма суртиб қўйишди. Бечора кечкурун уйига бормаи, ўртоғининг қуёв чақирди тўйига борибди. Бўпти кулги, бўпти кулги.

Ана шундан кейин ёшгина, уятчангина механизатор бола келди. Онаси уни анчадан бери ўйлантираман деб, муносиб келин тополмай юрганди. Қаёққа совчиликка борса, ўғлингиз латта экан, деб қайтаришарди. Бугун онасининг маслаҳати билан йигитча атайин қиз танлагани шу бригадада ишлашга келганди. Бригада қизлари бир қарашдаёқ унинг бўшанглигини билишди. Лақиллатмоқчи бўлишди.

Тушлик пайтида овқатланиб бўлиб, қизларнинг бири дўппи тикар, бошқаси шеригига соч ўрдиради. Сожида деган шаддод қиз бурма болишни бағрига босиб ётаркан, бир чеккада ҳўриллатиб мастава ичаётган йигитчага гап қотди.

— Дадаси, овқатингизни ичиб бўлдингизми? Келақолинг энди, ўринини иситиб турибман.

Йигитчанинг қўлидаги коса тушиб кетай деди. Ўзи лавлагидай қип-қизариб кетди. Аввалига киприкларини

пирпиратиб турди-да, кейин: «Э, бор-э», деб шарт ўрнидан туриб, девор орқасига ўтиб кетди. Аммо Сожида ҳамон бўш келмасди:

— Ҳой дадаси, ўсма сиқяписизми, мунча хаяллаб кетдингиз?

Йигитча бошидан дўпписини олиб, тиззасига икки-уч марта шапиллатиб урдию, даланинг ўртасидан орқасига қарамай кетди. Шу кетганча қайтиб қорасини кўрсатмади.

Ҳожиниса опа қизларнинг шаддоллигидан ташвишга тушиб қолганди. Бригада ерига механизатор зоти қадам босмайдиган бўлиб кетди. Опанинг ўзи яхшигина механизатор эди. Ҳазилнинг таги зил бўлиб кетганидан ноилож ўзи трактор бошқаришга мажбур бўлди. Ёнига икки-уч қизни олиб, руль бошқаришни ўргата бошлади.

Ишқ дегани бошқача нарса экан. Йигитлар бари бир паналаб, жўяклар орасидан эмаклаб бўлса ҳам қиз имлагани келишарди.

Қиз болани тақиқ билан ушлаб туриб бўлармиди. Улар ўрик қоқиб келиш, олма териш, молга ўт юлиш бахонаси билан четга чиқиб дийдор кўришга туришарди.

Бугун мен катта йўл бўйида опанинг шийпонига қараб, кирайми, кирмайми, деб ҳардамхаёл турардим. Бир маҳал қизил «Жигули»ни гуриллатиб, Ҳожиниса опанинг ўзи келиб қолди.

— Ҳа, нима қилиб турибсиз? Мен тахтачадаги ёзувни имлаб кўрсатдим.

— Сизга мумкин,— деди Ҳожиниса опа қулиб.— Бу ёзув ошиқ йигитлар учун.

У бу тарафдаги «Қўриқхона» деган ёзувни кўрмаган экан, жаҳл билан юлиб олдию кабинага ташлаб қўйди.

— Аламазда йигитлар қилган, эйтибор берманг.

Машинага ўтирдик. Йўл-йўлакай «Қўриқхона» сўзининг маъносини чақишга уринардим. Назаримда, бу дала, бу бригада ерлари чиройли қизларни сақлайдиган қўриқхонадай эди.

Ярим йўлга етганимизда, садақайрағоч тагидан бир йигит чўчиган мусичадай патирлаб тура қочди.

— Анзиратга келган. Югуришда область чемпиони. Бир ойдан бери тутолмаймиз. Бари бир тутаман. Қопқон қўйиб бўлса ҳам тутаман. Бурнини ерга ишқаб ишлатаман.

Ер остидан Ҳожиниса опага қарайман. У ниҳоятда кўҳлик аёл эди. Тўмтоқ қошлари, чақнаган кўзлари бир кўрганни довдиратиб қўярди. У машинани бир маромда юргизар, кабинага кирган шамол ўримга сўз бермаган соч толаларини елкасидан олиб бўйнига ташлар, юзларини беозор савалагандек бўларди.

Ғўзалар бир текис чопилган. Аммо йўл ёқасидаги салкам бир гектарча ерда унча-мунча ўт кўриниб қоларди.

**О**ДАТДА ёзувчи бирон асар ёзмоқчи бўлса, бош қаҳрамонининг ташқи киёфасини бир одамдан, қилиқларини бир одамдан, саргузаштини яна бир одамдан олади. Воқеа ўтадиган жойни ҳам ҳар хил ерлардан йиғиб, яхлит бир манзара яратади.

Шу йил баҳорда республикамизнинг жанубий районларидан бирига борганимда, тайёр ҳикояга дуч келдим. Қаҳрамоним киёфасини ҳар хил одамлардан йиғиб олмадим. Қилиқлари ҳам, гап-сўзлари ҳам, саргузашти ҳам, воқеа юз берган жой ҳам аниқ. Ўзимдан ҳеч нарса қўшмасдан ёздим. Агар ёлғон гапирётган бўлсам, ...келинг, қасам ичмай қўя қолай.

Ҳожиниса опанинг ери шундоқки-на катта йўлнинг бўйида. Янги қаллакланган тутлар орқасидан шийпони кўришиб туради. Қачон қараманг, шийпон орқасидан тутун чиққани-чиққан. Ҳожиниса опа ўтакетган чойхўр бўлгани учун самоварининг оташхонасидан ўт аримайди.

Дала шийпонига олиб борадиган йўл бошида чой яшигининг қопқоғига битилган: «Чет кишилар кириши тақиқланади. Штраф 15 с.» деган ёзув бор. Бу ёзувни кўрган киши борки, ҳайрон қолмай иложи йўқ. Бу ҳам етмагандек, йўлнинг чап тарафидаги тутга кимдир «Қўриқхона» деган ёзув олиб қўйибди.

Ҳайрон бўлдим. Бу жойда қўриқхона нима қилади?! Ундан ташқари, «Штраф 15 с.» дегани нима дегани? Ун беш сўмми, ўн беш сутками, нима ўзи?

Чет кишилар кирса нима қилибди? Бу ер завод бўлмаса, илмий лаборатория бўлмаса, ажаб? Нима, ғўза тупини ўғирлаб кетадими?

Бу томонларга илгари ҳам кўп

## Жийрон ҳақида қўшиқ

Ҳар тонг жийрон кишнашидан уфқларда акс садо,  
 Чўзиб-чўзиб кишнайди у: қайда қолди эгаси?!  
 Кичик қишлоқ титраб кетар эшитилгач шу нидо,  
 Уйдан чиқар чавандознинг бир жуфт мурғак боласи.  
 Улар узоқ термулишар жийрон томон мўлтираб,  
 Кўзларида мунг, илтижо: отамизни топ, жийрон...  
 Бу кўзларга боқолмайин бутун тани қалтираб,  
 Қозигини чир айналар юрак бағри бўлиб қон.  
 Утган кунлар шу дам унинг кўз ўнгида жонланар,  
 Ҳар улоқда катта соврин олиб қайтарди.  
 Гўё қушдек учганида забт этилиб марралар,  
 Жийронга ва чавандозга ҳамма олқиш айтарди.  
 Ва... охирги улоқ, сира ҳаёлидан кетмайди,  
 Ҳа, ўшанда тўпланганди жуда катта оломон.  
 Бунда ҳеч ким бир-бирига раҳм-шафқат этмайди,  
 Аргумоқлар қамчиланар майдон ичра беомон.  
 «Ҳай-хуйт!» дея чавандози солди уни майдонга,  
 Бир... икки... уч... бирин-кетин олаверди совринни.  
 Довул каби қичқиришиб зўр оломон шу онда,  
 Олқиш айтиб мақтар эди чавандоз ва жийронни.  
 Лекин шу пайт бир чавандоз аргумоғин сапचितиб,  
 Жийронга у ён томондан ҳужум қилди аёвсиз.  
 Бунга ҳеч ким англамади, майдон эса талатўп,  
 Кейин жийрон ташқарига қайтиб чиқди эгасиз...  
 Бошқасини эслолмайди... ҳамқишлоқлар йиғилиб,  
 Чавандозни ташлаб келди жуда узоқ-узоққа.  
 Ёш бир жувон, бир жуфт мурғак, жийрон йиғлаб, бўғилиб,  
 Чавандозни кутар ҳамон жуда аччиқ фироқда...

## Тушларимда...



Тушларимга кирасан кулиб,  
 Лолазорга бошлаб кетасан.  
 Қўшиқ айтиб завқларга тўлиб,  
 Юрагимни мафтун этасан.

Югурасан гоҳ очиб қучоқ,  
 Севинаман учишларингдан  
 Ва... уйғониб титрайман шу чоқ,  
 Ўзга қўлнинг қучишларидан...

## Навбахор ёмғири

Илк баҳор чоғида энтикиб сархуш,  
 Чечаклар кўз очди жилмайиб наҳор.  
 Бемақсад шамоллар эсдию нохуш,  
 Чечаклар чехрасин қоплади губор.

Самода ялт этиб ногаҳон чақмоқ,  
 Навбахор ёмғири ёға бошлади.  
 Заминни бир зумга яшнатиб шу чоқ,  
 Чечаклар юзини ювиб ташлади.

Навбахор ёмғири ёғсайди кўпроқ...

Чироқчи



Расми Наримон ИБРОҲИМОВ чизган

— Опа, ерингизга ўт оралаб қоптимми?— дедим.

— Парво қилманг. Эртагаёқ орасга бўлади. Бу ошиқлар участкаси.

Маълум бўлишича, қондани бузиб қиз имлагани келган йигитлар қўлга тушганда, чопиш учун қолдирилган участка экан.

Шийпонга етиб келдик. Шийпон эмас. Янги тушган келиннинг уйи деса ҳам бўлади. Ҳаммаёқ озода, орасга. Атроф чиннидек супурилиб, кўлоблаб сув сепилган. Ариқ бўйида каттакон сариқ самовар вақирлаб қайнаб турибди. Деворда журналлардан қийиб олинган ҳинд кино артистларининг сувратлари. Шу пайт орқа тарафдан овоз эшитилди.

— Ҳожи онага тўқсонбешдан дамла!

Ҳожиниса опа кулиб қўйди.  
 — Қуриб кетмагурлар қаттиққўлгим учун шунақа деб чақиршади. Узим ҳам ўрганиб кетибман. Аччим чиқмай қўйган.

У гапини тугатмаган ҳам эдики, тутзор томондан қизларнинг чувиллашган овози эшитилди. Уша тарафга қарадик. Беш-олти қиз боя қайрағоч тағидан қочган чемпион йигитни судрагандек олиб келишарди. Йигит қизлар қўлидан қутилишга уринмас, гўё тақдирга тан бергандек, индамай келарди.

— Ҳа, қўлга тушдингми? Ўн беш сотих чопасан.

— Тан бердим, опа.  
 — Кўйлагини ечиб олинглар,—

деди Ҳожиниса опа буйруқ оҳангида.  
 — Менинг ҳам битта шартим бор,— деди йигит ялингандек.— Чанқаганимда чойни Анзират оборсин.

— Яна нимани кўнглинг тусайди. Уша жойга пақирда сув обориб қўямиз, истаганингча ичаверасан. Гап тамом. Қўлига каттароқ кетмон беринглар.

Йигит бошқа бир сўз демай, йўл бошлаган қиз орқасидан кетмонини судраб кетди.

Кун оғиб, узоқ-яқиндан бузоқларнинг маърашлари эшитила бошлаган эди. Опа билан хайрлашиб йўлга тушдим. Боя ўт босди, деган жойимда чемпион йигит қора терга тушиб гўза чопарди. Узоқда қўлида чойнак ушлаб турган Анзират яқин келолмай, опанинг кўзини шамғалат қилиш пайида эди.

— Ҳа, куёв бола,— дедим кулиб.— Аҳвол қалай?

Йигит кетмонини бир дам марзага қўйиб, қаддини ростлади. Бошини сарак-сарак қилиб илжайди.

— Ҳамма дардга бор даво, ошиқни дарди бедаво, деб бекорга айтишмаган экан.

— Ия, шоир экансиз-ку, оғайни.  
 — Шоир ҳам гапми,— деди у,— халқ шоири, деяверинг.

У билан хайрлашиб, йўлимга кетдим. Орқадан кетмоннинг қарс-қарс ерга урилиши эшитилиб турарди.

1981.

## МУЧАЛИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Мучал Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган йил ҳисоби бўлиб, бунда бир мучал ўн икки йилга тенгдир, лекин биринчи марта мучал ўн уч ёшда келади. Мучал ҳисобида мана шу ўн икки йил 12 жонивор номи билан аталади.

Милод ҳисобида ҳар йили 22 мартдан янги мучал бошланади. Мучал ҳисобида одамнинг ёши она қорнида пайдо бўлган кунидан ҳисобланганлиги сабабли мучал ағдарганда, яъни ҳисобда туғилган йилга 9 рақами қўшилади ва йигинди 12 га бўлинади. Қолдиқ сон мучал йилларнинг тартиб рақамини билдиради. Масалан, 1940 йилда туғилган кишининг мучалини билиш учун мисол келтирамиз:

$$1940 + 9 = 1949.$$

$$1949 : 12 = 162, \text{ қолдиқ } 5.$$

Демак, бу одам бешинчи жонивор номи билан аталувчи балиқ (наҳанг) йилида туғилган экан.

1. Сичқон [муш]	1900	1912	1924	1936	1948	1960	1972	1984
2. Сигир [бақар]	1901	1913	1925	1937	1949	1961	1973	1985
3. Йўлбарс [паланг]	1902	1914	1926	1938	1950	1962	1974	1986
4. Қуён [харгўш]	1903	1915	1927	1939	1951	1963	1975	1987
5. Балиқ [наҳанг]	1904	1916	1928	1940	1952	1964	1976	1988
6. Илон [мор]	1905	1917	1929	1941	1953	1965	1977	1989
7. От [асп]	1906	1918	1930	1942	1954	1966	1978	1990
8. Қўй [гўсфанд]	1907	1919	1931	1943	1955	1967	1979	1991
9. Маймун [ҳамдуна]	1908	1920	1932	1944	1956	1968	1980	1992
10. Товуқ [мурғ]	1909	1921	1933	1945	1957	1969	1981	1993
11. Ит [сақ]	1910	1922	1934	1946	1958	1970	1982	1994
12. Тўнғиз [хўк]	1911	1923	1935	1947	1959	1971	1983	1995

# ҚАСОСКОР НОМОЗ ИЗИДАН



Ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши»<sup>1</sup> тарихий-саргузашт романи бош қахрамони Номоз ботир ҳаракати ўзбек халқи олиб борган озодлик кураши тарихининг ёрқин саҳифаларидан

ҳисобланади. Зеро, Номоз бошлиқ қасоскорлар шижоати бутун Туркистон ўлкаси инқилобий ҳаракатлари тарихида янги бир тўлқинни вужудга келтирган эди. Бу тўлқин эса кўп-минг сонли деҳқонлар синфининг

<sup>1</sup> Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши. Тарихий-саргузашт роман. «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1980.

умумхалқ озодлик ҳаракатлари қўшилиб кетишини тезлаштирган омил сифатида муҳим ижтимоий ва сиёсий аҳамият касб этди.

Зулмга қарши тиф кўтариб, «мазлумлар жароҳатиға интиқом малҳамини қўйган», ўнлаб мулкдорлар ва золимлар додини берган Номоз ботир шахс эди. Шу тўғриси ҳам бу қахрамон Абдулла Қодирий, Анна Алматинская каби машҳур адибларнинг диққатини тортгани ва у ҳақда кинорежиссёр Наби Ғаниев фильм ишламоқчи бўлгани бежиз эмас. Лекин ёзувчи қаламга олган тарихий материал қанчалик муҳим бўлмасин, устод М. Горький таъкидлаганидек, «пировардида масалани материал эмас, ёзувчи маҳорати ҳал этади».

Шу нуқтаи назардан қараганда, ёзувчи материалга мос келадиган ва унинг моҳиятини очиб бера оладиган шакл танлади, тарихий-саргузашт роман яратди.

Ёзувчи романда реал тарихий факт ва ҳодисаларга суяниб, Номознинг ҳаётий образини яратиш, материалларга объектив ёндошган ҳолда Номоз бошлиқ қасоскорлар ҳаракатининг ижтимоий характери ва ҳаракатлантирувчи кучини ойдинлаштириш, ниҳоят, қаламга олинган давр ижтимоий-сиёсий картинасини тасвирлаб бериш ва замон воқеалари силсиласида Номоз ҳаракатининг ўрни ҳамда аҳамиятини бадиий тасвирлаб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Романда яратилган ҳарактерлар, воқеалар, эпизодлар мана шу масала атрофида мужассамлашди. Асарда биз Номозни конкрет вазиятларда, реал шахслар билан мулоқатда, кундалик ижтимоий-маиший ҳаёт бағрида кўрамиз. Бу ҳолат

китобхонга Номоз ботирни жуда яқиндан туриб таниш имконини беради.

Ёзувчи ҳар бир эпизодда меҳр билан таъкидлайдиган ўз қахрамонининг бош хусусияти — унинг чинакам халқпарварлиги, ўз алами билан эмас, халқ ғами ва алами билан қўлига қурол олган қасоскор эканлигидир. «Қани энди худойим менинг илтижоимга қўлоқ солсаю, сизга минг йил умр ато қилса, одамларга минг йил яхшилик қилган бўлардингиз», дейди ғурур билан Насиба. Номоз бошлиқ сифатида ҳам жуда камтар, йигитларининг кичигини ука, каттасини оға, дейди, халққа тақсимлашни керак бўлган мулкка кўз олайтирганларни аёвсиз жазолайди, ўзи ҳам шахсий манфаат кўзламайди. Номоз шу хусусияти билан китобхон қалбини ром қилади. У жаҳонни соф, ҳаётни зулмдан фориғ ва мукаммал кўришни орзу қилади.

Тарихий ҳужжатларни обдан ўрганган адиб Номознинг ўта нозик дидли, билимдон, сергак ва тадбиркор шахс бўлганлигини реал воқеалар ва кечинмалар воситасида кўрсатади. Кўз олдимизда у рус тилини яхши билган, маълум муддат судьяга тилмочлик қилган, Разин, Пугачёв ҳақида эшитган, кўшиқни, мусиқани севган, Насибага эҳтиросли муҳаббат қўйган, дўстларига содиқ ва мард йигит сифатида намоён бўлади!

Лекин ёзувчи қахрамони ҳислатлари тавсифига берилиб кетмайди, уни идеаллаштирмайди ва бу борада меъёрни унутмайди. Номоз — мураккаб шахс, унинг чекланган томонлари, нуқсонлари ҳам йўқ эмас. Номозни шаклланган инкилобчи дейиш ҳам тарихан тўғри бўлмайди. У ҳали

## мақриз

# ЭСКИ ЛУҒАТНИНГ БОҚИЙ УМРИ



Туркий тиллар туркий халқларнинг ўзи каби мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги аниқ. Буни қадимий аجدодларимиздан ҳисобланган қипчоқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. XIII асрда мўғуллар босқини оқибатида Дашти Қипчоқни

тарк этиб, турли сабаблар билан Мисрга бориб қолган қипчоқларнинг бир қисми у ерда ўз давлатини ўрнатдилар. Қипчоқлар ҳукмронлиги икки ярим асрдан зиёд (1260 — 1517) давом этди. Тарихда «мамлук қипчоқлари» номи билан машҳур бу

халқ туркий тилда гаплашган. Мамлуклар ҳукмронлиги даврида қипчоқлар Миср аҳолисининг кўп қисмини ташкил қилар эди. Ҳукмрон доиралар ҳам фақат туркий тилда гаплашар, арабчани ҳатто билишмас эдилар. Маҳаллий араблар эса туркий тилни ўрганишга мажбур бўлганлар. Аҳолига бу тилни ўргатиш мақсадида арабча-туркийча, туркийча-арабча таржимачилик жиддий ривожлантирилган. Шу даврда араб тилида туркий тиллар грамматикасига бағишланган махсус асарлар, турли қўлланмалар дунёга келди. Абу Ҳайёнинг «Китоб ал-идрок-лисон ал-атроқ» («Туркларнинг тилини тушуниш китоби»), Жамолиддин Туркийнинг «Китоб булғот ал-муштоқ фил-луғотит турк вал-қипчоқ» («Турк ва қипчоқ тилларига муштоқ кишиларни қониқтирувчи китоб»), номаълум муаллиф томонидан яратилган «Аттуҳфатуз закияту фил-луғотит туркия» («Туркий тил ҳақида ноёб тўхфа») каби бир қанча луғатлар тузилди. Ана шундай луғатлар сирасига кирувчи «Таржумон туркий ва ажамиий ва мўғулий»нинг<sup>1</sup> (бу асар қисқача «Таржумон» номи билан ҳам юритилади) арабчадан ўзбек тилига таржима қилиниши ўзбек лексикографиясида муҳим воқеа бўлди. XIII асрда яратилган бу китобнинг муаллифи, унинг айнан қайси йили ва қаерда ёзилганлиги номаълум. Йирик совет туркологи П. Мелиоранский айни луғат таҳминан XIII асрнинг ўрталарида Мисрда ёзилган бўлса керак, дейди. С. Малов, Э. Нажиб каби олимлар асар 1245 йили Мисрда ёзилганлигини қайд этадилар. Абдулла Юнусов эса, асарни нашрга тайёрлар экан, мазкур обидадаги маълумотга асосланиб, луғат муаллифи Халил ибн Муҳаммад ибн

Юсуф ал-Қунавий бўлиши мумкин, деган фикрни илгари сурди. Лекин у негадир бу луғатни XIV асрда ёзилган, дейди. Аммо буни китобнинг бирон жойида изоҳламайди. «Таржумон»ни ўқиш, тадқиқ этиш жараёнида шу нарса равшан бўладими, асар юксак филологик билимга эга, туркий тилларни, уларнинг диалектларини, шунингдек, араб, форс, мўғул тилларини яхши билган муаллиф томонидан ёзилган.

«Таржумон»нинг ягона нусхаси Голландиянинг Лейден шаҳри кутубхонасида сақланади. Бу луғат ҳақида туркологияда биринчи бўлиб йирик шарқшунос М. Т. Хоутсма кенг маълумот беради. У асарни немис тилига таржима қилиб, латин алифбеси асосида транскрипциясини берган ва «Таржумон»даги туркий сўзлар луғатини тузган эди. Кириш, асосий қисм, иловадан иборат бу нашрда қўлёзманинг яратилиши тарихи ва даври, асарда келтирилган сўзлар ҳақида маълумотлар мавжуд. М. Т. Хоутсма нашри фанда «Туркча-арабча луғат» номи билан машҳур. У йирик олимлар томонидан юксак баҳоланган ва бу китоб туркий тиллар тарихини ўрганиш бўйича муҳим манба сифатида ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Шу сабабли асарни русчага ва ҳозирги туркий тилларга таржима қилиш зарурати туғилади. Натижада қозоқ олими А. Қуришжонов обидани рус тилига ўғиради. Лекин таржима мазкур ёзма ёдгорлиқнинг фақат лексикасини (луғат қисмини) ўз ичига олган, грамматика бўлими эса таржима қилинмаган эди. Шу жиҳатдан

<sup>1</sup> «Мамлук» арабчада «қул» деган маънони англатади. XIII асрда қипчоқлар Шимолий Кавказ ва Русь чўлларидан Мисрга қўл сифатида олиб бориларди. Аюбийлар сулоласининг охириги султонлари улардан мамлуклар гвардиясини тузган. 1250 йили мамлуклар аюбийларни тахтдан ағда-риб, ҳокимиятни қўлга киритадилар.

<sup>1</sup> «Таржумон» — XIV аср ёзма обидаси. «Фан» нашриёти, Тошкент — 1980.

инқилобни тушуниб йўлида холос. Ёзувчи бунини алоҳида таъкидлайди. Шу тариқа роман автори Номоз курашининг ижтимоий характери ва ҳаракатлантирувчи кучига ҳам баҳо бера олади. Бу ҳаракат, дарҳақиқат, стихияли ҳаракат эди. Номоз атрофига унинг ўзига ўхшаш икки томонлама зулмдан тинкаси қуриган, аламзадалиқ туйғайли қўлига қурол олган қасоскор йигитлар тўпланади.

Номоз бошлиқ қасоскорлар курашида деҳқонлар ҳаракатига хос хусусият кўринади. Оддий деҳқоннинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилмоқ учун қурол олиб жангга чиқиши — аҳолисининг 90 фоизга яқини деҳқонлардан иборат бўлган Туркистон инқилобий ҳаракатларида янги босқич юзга келаятиганини англатар эди. Сергей табиб жуда тўғри таъкидлаганидек, «муштлишига қодир бўлган халқ бора-бора ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилишга ўтади».

Автор бадиий ҳаққоний тасвираб берганидек, Номоз ҳаракатида тарқоқлик (юзлаб йигитларга от миндирган эдим, белига қилич таққандим, қани уллар?)», айрим қасоскорларнинг ўзбошимчилиги («баъзан бу ўжар йигитларнинг бошини қовуштиролмай қийналанман»), охириги мақсад ва гоёнинг ноаниқлиги («эрта ҳам, индин ҳам савалайверамиз»), тартибсизлик («мана қийғир урган чумчуқлардек ҳар тарафга тўзғиб кетаялмиз») каби хусусиятлар кўзга ташланади. (Булар бошланиш даврида умуман деҳқонлар ҳаракатига хос белгилар эди. Пугачёв ва Разин ҳаракатларини ҳам эслаб кўринг). Лекин айни пайтда бу уюшган, инқилоб томон тобора яқинлашиб бораётган ҳаракат эди. Номоз ўзи бошлаган

катта ишни қай йўсиндан давом эттиришни ўйлар, уни ҳозиргача бўлгандек олиб бориш мақбул эмаслигини тушуниб етганиди. У ўз йўлини ёритиши мумкин бўлган нур изларди («қоронги кечада қолгандек сезаялман ўзимни»), бу нур — инқилоб гоёси эди.

Тарихий фактлар силсиласига асосланган ёзувчининг бу концепцияси Номоз фожеасига ҳам оптимистик руҳ бағишлайди.

Романда асримиз бошида Туркистон халқига қилинаётган икки томонлама зулм ҳаддидан ошиб кетганлиги инқилобий ҳаракатларнинг бош сабаби сифатида кўрсатилади. Чор ҳукумати томонидан қўллаб турилган маҳаллий маъмуриятнинг, бойлар ва мулкдорларнинг ўзбошимчилиги энг юқори нуктага кўтарилди. Маҳаллий эксплуататорларнинг бу жиҳатлари қози калон Шодихон тўра, Мирза Ҳамид, Мирза Қобил, Замонбек кибиларнинг хатти-ҳаракатида яққол намоён бўлади.

Чор ҳукумати Номоз ҳаракатини бостириш учун куч ва ҳаражатни аямайди. Чунки у яқиндагина бўлиб ўтган инқилоб бўронидан жуда чўчиб қолган. Ҳоким Гескет жанобларининг шахсан ўзи бу иш билан шуғулланиши, уларнинг бевосита раҳбарлигида қаҳрамон қасоскор ўлдирилгандан кейин Туркистон Генерал-губернатори табрик телеграмма йўллаши Номоз ҳаракатининг таги зил кетаётган чор ҳукуматида жуда катта зарба бўлганини ёрқин кўрсатади. Петр Заглада каби аскарларнинг қасоскорлар томонида ҳаракат қилиши чор армияси ҳам ичдан емирилаётганлиги ишорадир.

Тўғри, авторда ноёб шахслар ҳаё-

ти ва у иштирок этган йирик воқеалар орқали даврнинг бундан ҳам аниқроқ ва кенгроқ манзараларини яратиш имкони бор эди. Агар даврнинг, ижтимоий ҳаётнинг бундан ҳам теранроқ бадиий тадқиқига эришилганида, Номоз ҳаракати Умурроссия инқилобий ҳаракатларининг узвий қисми эканлиги ҳақидаги гоё янада тиниқроқ чиқиши шубҳасиз эди.

Маълумки, Номоз ўз даврининг фарзанди, қанчалик фавқулодда шахс бўлмасин, уни ўз муҳити етиштирган. Назаримизда, асарда Номоз характери, фаолияти билан яна шу муҳит ўртасидаги боғлиқлик етарлича очилмай қолгандек туюлади. Ахир, Номоз исёнидек катта ҳаракатга фақат ўша пахсакашларнинг жазоланишига сабаб бўлган, деб бўлмайди-ку! (Дарвоқе, пахсакашлар исёнига ва жазоланишига сабаб бўлган вазият ҳам унча ишонарли тасвирланмаган). Бу воқеа етилган вулқоннинг портлаши учун бир баҳона бўлди, холос. Хўш, ана шу вулқон қандай етилди, уни ҳаракатлантирувчи ички куч нимава не сабабдан бу ҳаракатга бошқа эмас, Номоз бош бўлиб қолди. Яъни, Номоз ҳам мулкдорларга, золимларга шунчалик кучли нафрати ва алами бор киши сифатида маълум даражада руҳий жиҳатдан тайёрлаб келиниши лозим эди, деб ўйлаймиз.

Айрим саҳналарда қаҳрамонни романтик идеаллаштириш, саргузаштнавислик маълум тасодифларга, воқеаларнинг етарли далилланмаслигига ҳам йўл очган. Тўғри, болаларга мўлжаллаб ёзилган асарларда, айниқса, Номоз каби қаҳрамонлар тасвирида ўрни билан романтик кўтаринкилик жоиз. Лекин бу воқеалар

айни пайтда болаларни ҳам, татқиларни ҳам бирдай ишонтирадиган бўлиши керак. Номоз чор аскарларини истаса жарга қулатади, истаса уларнинг кўз олдида отларини олиб қочади, қўлга тушганда эса, ғайритабиий тарзда қутилиб кетаверади. Бозордаги қуршовда ҳам от-поти билан деворни тешиб чиқиб кетади, Моховхона қамоқхонасидан эса ўзи билан бирга эллик йигитини ҳам лаҳм орқали олиб чиқиб кетади, бундан ҳеч ким хабар топмайди. Айни воқеаларнинг ҳаммаси тарихий факт эканлигига шубҳа йўқ. Лекин ёзувчи китобхонни бунга ишонтира олиши ҳам керак-да! Шунинг учун ҳам юқоридаги эпизодлар «Тутиб бўлмас қасоскорлар» фильмидаги айрим саҳналарни беихтиёр ёдга туширади.

Биз романда жуда кўп қаҳрамонларни кўрамиз. Лекин уларнинг ҳаммаси бетакрор равишда тасвирлаб берилган, деб бўлмайди. Номознинг бирон ўринда ҳам портрети чизилмаган. Сергей табиб образи қарийб схематик. У фақат ўргатади, вазиятни баҳолайди, доим тўғри йўл кўрсатади. Арслонқул эса шунчалик муҳиш жиноят учун психологик жиҳатдан етарли даражада тайёр эмас эди, деган фикрдамыз.

Хуллас, шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, ёзувчининг тарихий роман яратиш борасидаги биринчи тажрибаси анча муваффақиятли яқунланди. Адабиётимиз халқимиз озодлик курашининг қаҳрамонларидан бири — Номоз ботирдек ноҳир шахсга муносиб яна бир асар билан бойиди.

Акрам КАТТАБЕКОВ,  
филология фанлари кандидати

## мақриз

ҳам ўзбекча нашр луғатнинг тўлиқ таржимаси эканлиги билан ажралаб туради.

Китобнинг «Қириш» қисми анча салмоқли, унда луғат қўлёзмаси, яратилиш ва ўрганилиш тарихи, асарнинг композицияси ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Энг муҳими, «Қириш»да луғатнинг грамматик очерки берилган ва унда луғатдаги сўзларнинг лексик ҳамда грамматик хусусиятлари таҳлил этилган.

А. Юнусовнинг ёзишича, луғат муаллифи кўпроқ қишлоқ аҳолисини кўзда тутиб «асл қипчоқ тилига эътибор берганлигини таъкидлайди. Луғатчи бошқа тиллардан кирган бир қанча сўзларга белгилар қўяди. Бу эса ҳозирги туркий тилларнинг изоҳли ва бошқа луғатларини тузишда катта ёрдам беради.

Мутаржим «Таржумон» тилидаги сўз туркумлари ҳақида батафсил тўхталади. Айниқса, отларнинг морфологик хусусиятлари, отларда эгалик, келишик, жинс категориялари, отларнинг ясалиши масалаларига кенг ўрин берилган. Асар муаллифи туркий тилларда жинс категорияси йўқлигини таъкидласа-да, аммо араб тили ва араб грамматикасининг таъсири туйғайли (араб тилида ҳам рус тилидагидек жинс категорияси мавжуд) обидада жинс билдирувчи сўзлар ажратиб кўрсатилган. Масалан, аёл жинсига хос бўлган сўзлар: **ана — она, чича — чеча, амма, эгачи — катта опа, қиз — қиз, келин — келин, енга — янга, қўйин ана — қайнона, қатун — хоним, қиз ўғлон — ёш, турмушга чиқмаган қиз** каби; эркак жинсига оид сўзлар: **ата — ота, ачки — амаки, тига — тоға, ўғул — ўғил, қуяғу — қуёв, қўйин ата — қайнота, қожа — хўжа, сайид** каби.

Бундан ташқари, таржимон сўз

туркумларидан феъл ҳақида гапирганда унинг даражалари-ар-||-ир-||-ур-||-ур; -т-||-ит; -дур-||-дур-||-дыр-||-дир-||-тур-||-тур-||-тыр-||-тир-||- каби аффикслар орқали ясалишини ўқтиради. Феълнинг орттирма даражаси «айрим ҳолда бир феълга икки орттирма даража аффикслари қўшилиб келади: **эмзур — эмизмоқ**» (23-бет), дейди. Аммо, негадир, юқорида -з қўшимчасини орттирма даража ясовчи аффикс сифатида санаб ўтмайди.

Қипчоқларнинг асл ватани Сирдарёнинг қуйи оқимлари, Ғарбий Сибирь, Каспий денгизи, Жануби-Шарқий Европадан то Днепргача бўлган катта территорияни ўз ичига олиб, Дашти Қипчоқ деб аталган. Мўғул босқинчилари зулмидан қочиб қипчоқлар дунёнинг турли бурчакларига тарқалганлар. Бу халқнинг бир қисми қозоқ, қорақалпоқ, татар, бошқирд, нўғой ва айрим Европа халқлари билан қўшилади. Уларнинг асосий қисми эса ўзбеклар таркибига сингиб кетади.

Ҳозирги ўзбек тилининг уч асосий диалектидан бири қипчоқ диалекти ҳисобланади. Шу туйғайли ўзбек тили ҳам ўша қадимги қипчоқ тилининг ворисларидан биридир. «Таржумон»даги сўзларнинг лексик ва грамматик маънолари ҳозирги ўзбек тилида мавжуд ўша сўзларнинг лексик ва грамматик маъноларига айна мос келиши фикримизни тўла исботлайди. Луғатдаги барча келишик аффикслари, феъл даражалари, ҳаракат номи аффиксларининг -иш, -моқ билан, кўплик аффиксининг -лар билан берилиши, шунингдек, **туман, қум, йўл, булоқ, балиқ, ўрмон, қовун, ўт, тиканак, арпа, қуш, қарға, қилич, ёғ, киши, юмшоқ, қип-қизил, қўнғир, ўртоқ, қул, тутқун, иситма, ота, она, янга, ёт,**

**юпқа, ёмон, кучсиз** каби жуда кўп сўзларнинг қўлланилиши «Таржумон»да қандай бўлса, ҳозирги ўзбек тилида ҳам худди шундайдир.

«Таржумон» — XIV аср ёзма обидаси китобининг иккинчи қисми «Таржумон» туркий ва аҷамий ва мўғулий матни таржимасидан иборат. У илмий таржима принциплари асосида муваффақиятли амалга оширилган ва унда текст мазмуни, лексик-грамматик қурилишини сақлашга ҳаракат қилинган. Луғатнинг қипчоқ тилига оид сўзлари транскрипция асосида берилган ва унда фойдаланилган белгилар қипчоқ тили хусусиятларини тўла акс эттира олади. Транскрипция ҳозирги ўзбек графикаси асосида амалга оширилган. Асар тилига хос товушларни ифодалаш учун қўшимча белгилардан фойдаланилган.

Китобнинг матн таржимаси бўлими қисқача муқаддима ва фонетикага доир маълумотлар билан бошланади. У тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисм фақат исмлар ҳақида, у яна йигирма олтита фаслни ўз ичига олади. Иккинчи қисм, феъл масдари буйруқ майли тўғрисида. Учинчи қисм сўзларнинг турланиши ва феълларнинг тусланишига бағишланган. Тўртинчи қисм эса сўзларнинг ишлатилиш қоидалари ва бошқа муҳим нарсалар ҳақидадир. «Таржумон»нинг биринчи ва иккинчи қисми луғатдан иборат. Учинчи ҳамда тўртинчи қисмлари эса қипчоқ тили грамматикасига бағишланган. Учинчи қисм феъл тусланиши чыз — «ёз» феъл орқали ишонарли, лўнда баён этилади. Тўртинчи қисм «Ғап қоидалари» деб аталса-да, унда синтаксисга эмас, балки морфологияга оид кузатишлар баён қилинган.

Луғат қисмида (90 — 120-бетлар) «Таржумон»да қўлланилган туркий,

арабий, форсий ва туркманча сўзлар ҳамда сўз бирикмаларининг ҳаммаси ҳисобга олинган. Луғатнинг охирида атоқли отлар, географик ва астрономик номлар рўйхати ҳам берилди.

Грамматик кўрсаткич қисмида сўз ясовчи, шакл ясовчи ва сўз ўзгарувчи аффикслар алфавит тартибда келтирилади, аффикс вариантлари ҳам кўрсатиб ўтилади. Ҳар бир аффикс вариантларининг қайси ўринларда учраши, неча марта такрорланганлиги қайд этилади. Лекин баъзи аффиксларни изоҳлашда чалқашликларга йўл қўйилган. Масалан, -гай, келаси замон учинчи шахс билрик аффикси, дейилади (121-бет). Ваҳоланки, -гай феълнинг буйруқ-истак майли қўшимчасидир. «Чызмас» сўзи «ёзаялмиз» деб берилган (125-бет), аслида унинг таржимаси «ёзаялти» бўлади. Иккинчи шахс кўплик аффикслари -ырсиз, -нгиз, нашриёт хатоси билан бўлса керак, учинчи шахс кўплик аффикси сифатида кўрсатилган. Иккинчи шахс буйруқ-истак майли аффиксининг қаттиқ вариантлари -қыл, -ғыл алоҳида-алоҳида ёзилган. Бизнингча, бу қўшимчалар ҳам буйруқ-истак майлининг юмшоқ варианты -гил||-кил каби, яъни -қыл||-ғыл тарзида берилиши маъқул эди.

Умуман, қадимги туркий тилга бағишланган мазкур асарнинг арабчадан ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилиши тилимиз ва халқимиз тарихини ўрганишда, ҳозирги тилшунослигимизнинг муҳим муаммоларини, унинг айрим мунзарали масалаларини ҳал этишда, тарихий, қиёсий грамматикалар яратишда, этимологик, диалектологик луғатлар тузишда жуда катта илмий қимматга эгадир.

Бердақ ЮСУПОВ.



СССР спорт мастери  
М. МУҲИДДИНОВ  
таҳрири остида

# Мардона дуранг

Шахмат мухлисларига маълумки, еттинчи расмий жаҳон чемпиони, жаҳон Олимпиадаларида иштирок этган мамлакатимиз командаларининг саккиз марта биринчи ўринни эгаллашига ўз муносиб ҳиссасини қўшган, Бутуниттифоқ ва Халқаро турнирлар ғолиби, машҳур совет гроссмейстери Василий Васильевич Смилов яқинда 60 ёшга тўлди. Партия ва ҳукуратимиз шахмат санъатини ривожлантириш йўлидаги катта хизматлари учун уни «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотлади.

Шахмат шинавандалари В. Смиловни ҳақли равишда эъзозлайдилар. Дарҳақиқат, ёши анча улғу бўлишига қарамасдан, машҳур гроссмейстери-мизнинг шахмат оламида эришаётган ютуқларини кўриб, ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Фикримизнинг далили сифатида кичик мисол келтирамиз.

Қаҳрамонимиз 60 ёшга кирган кунларда мамлакатимиз пойтахти Москвада жаҳоннинг ўн тўрт энг забардаст шахматчиси иштирокида катта халқаро турнири ўтказилди. Жаҳон чемпиони А. Карпов, собиқ жаҳон чемпиони Т. Петросян, охириги бир қанча мусобақалардаги тож учун кураш талабгорлари — Л. Полуговский ва Л. Портиш, Совет Иттифоқи чемпиони А. Беляский, машҳур гроссмейстерлар — Е. Геллер, Ю. Балашов, Я. Тимман, У. Андерсон, Е. Торре, Ф. Георгиу ва истеъжодли шахматчи, жаҳоннинг энг ёш гроссмейстери Г. Каспаров билан биргаликда В. Смилов ҳам донна сурди. Албатта, бу турнирда А. Карповнинг юксак маҳорат кўрсатиб, биринчи совринни қўлга киритгани ҳеч кимни ажаблантирмади. Аммо В. Смиловнинг иккинчи-тўртинчи ўринларни Г. Каспаров ва Л. Полуговский билан биргаликда бўлиб олганлиги катта шов-шувга сабаб бўлди. Бу муваффақияти билан В. Смилов ҳамон жаҳоннинг энг зўр шахматчиларидан бири эканини яна исботлади.


Энди В. Смилов ижодидан намуна келтирамиз.

Бу — Европа чемпионлиги кубогининг финали мусобақаларида «Буревестник» ва Голландиянинг «Фольмак» командалари ўртасида ўтказилган учрашувдаги ўйиндир. Матчда биринчи тахтада В. Смилов қора донналар билан голландиялик машҳур гроссмейстер Я. Тимманга қарши ўйнаган. Урни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўйиннинг дастлабки ўн бир юриши, Багиода А. Карпов билан В. Корчной ўртасида жаҳон биринчилиги учун ўтказилган матчдаги ўнинчи ўйиннинг дастлабки ўн бир юриши билан мос тушган. Ушанда, жаҳон чемпиони рақибига ўн биринчи юришда қўтилмаганда отини қурбон қилган эди. Голландиялик шахматчи ҳам В. Сми-

ловга худди шу вариантни таклиф этди.

Тимман — Смилов.

1. e2 — e4 e7 — e5 2. Kg1 — f3 Kb8 — c6 3. Cf1 — b5 a7 — a6 4. Cb5 — a4 Kg8 — f6 5. o — o Kf6 : e4 6. d2 — d4 b7 — b5 7. Ca4 — b3 d7 — d5 8. d4 : e5 Cc8 — e6 9. Kb1 — d2 Ke4 — c5 10. c2 — c3 d5 — d4 11. Kf3 — g5...



Мана, жаҳон чемпиони Анатолий Карпов кашф қилган от қурбон бериш усули. Рақибни узоқ вақт мулоҳаза юритгандан сўнг, буни қабул қилмаган ва 11... d4 : c3 юрган эди. Уйиндан сўнг кўпчилик дебют назарияси мутахассислари, бундай қурбонни қабул қилиш хавфли, деган фикрга келдилар. Лекин В. Смилов ана шу ўйинда отни олиб, ҳимояга ўтишга ҳаракат қилади.

11. ...Фd8 : g5 12. Фd1 — f3 o — o.

Бу ерда қоралар учун 12. ...Cf1 ва 12. ...Kpd7 юришлари ўрганилиб, ҳимоя учун қониқарсиз, деб топилган эди. В. Смилов эса катта рокировка қилганидан сўнг, ортиқча отни қайтариб бериш билан чекланмай, яна бир сипоҳини ўзи қурбон қилиб, қарши ҳужумга ўтмоқчи.

13. Cb3 : e6 + f7 : e6 14. Фf3 : c6 Фg5 : e5 15. b2 — b4 Фе5 — d5.

Қоралар отини қурбон бериб, эвазига тахта марказида иккита кучли олди очиқ пиёдаларга эга бўлади:

16. Фс6 : d5 e6 : d5 17. b4 : c5 d4 : c3 18. Kd2 — b3 d5 — d4 19. Cc1 — a3...


Оқларнинг бундай юришидан асосий мақсади филни b4 хонасига жойлаштириб, кейинчалик a2 — a4 ёрдамида қора шоҳга ҳужум уюштиришдан иборат:

19. ...Cf8 — e7 20. Ca3 — b4 Ce7 — f6 21. a2 — a4...

Оқлар мақсадига эришди. Лекин қоралар ҳам қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Қора филни анча фаоллаштириб олган В. Смилов энди шоҳ билан бошлаган ажойиб маневр ёрдамида ўйинни янада кескинлаштириб юборди.

21. ...Krc8 — d7!

Қора шоҳ c8 — d7 — e6 — d5 — c4 йўли бўйлаб рақиб қароргоҳига ки-



риб бормоқчи. Қоралар учун энг муҳими — бу қалтис «ташриф»нинг оқибатини олдиндан кўра билиш ва содир бўладиган вазиятга аниқ баҳо бера олишдир.

22. a4 : b5 a6 : b5 23. La1 — a6... Оқлар бу юришдан сўнг 24. Л : f6 ва 25. К : d4 хавфини солиб, устунликка эришмоқчи.
23. ...c7 — c6 24. Lf1 — d1 Kpd7 — e6 25. La6 : c6 + Krc6 — d5 26. Lc6 : f6 Kpd5 — c4!

Энди қораларнинг мақсади ойдинлашмоқда. Улар ўзларининг олди очиқ пиёдаларига ишониб, яна бир сипоҳнинг баҳридан ўтмоқда. Қолаверса, оқларнинг иккала энгил сипоҳи билан биргаликда оқ руҳ ҳам ҳужум хавфи остида турибди.

27. Lf6 — f4... Агар бунинг ўрнига 27. Ld6 юрса, унда 27. ...Krc : b3 ва 28. Lf1 : d4 La8 29. g3 La4 ва қоралар устунликка эришади.
27. ...Krc4 : b3 28. Ld1 : d4 Ld8 : d4 29. Lf4 : d4 Lh8 — a8.

Ўз-ўзидан кўриниб турган бу юришдан кўра 29. ...Lc8 маъқулроқ эди. Чунки, 30. Krf1 бўлса, 30. ...Л : c5 31. С : c5 c2 ва қораларнинг c2 даги ягона пиёдаси оқларнинг иккита сипоҳидан ҳам кучлироқ. Демак, оқлар 29. ...Lc8 30. Krf1 Л : c5 дан кейин 31. Кре2 — c2 32. Cd2 ўйнаб, филни пиёдага қурбон қилишга мажбур бўлар эди.


Бир қарашда оддийдек туюлган бу эндшпиль қизиқарли жанглardan сўнг дуранг билан якунланди. Шу вазиятда томонларнинг қандай ўйин режалари тўғри эканини ўзингиз тахтада топишга ҳаракат қилиб кўрсангиз, ажойиб вариантларнинг шоҳиди бўлишингиз турган гап.

Акрам ТОШХУЖАЕВ

# Эртақдек гўзал


Композицияларни шахмат поэзияси, деб таърифлайдилар. Дарҳақиқат, улар кучли фантазия, тажриба ва бой тафаккур самараси сифатида вужудга келади.

Кўпгина композициялар ғоясининг фақуллоддалиги билан шахмат ишқибозларини ўзига мафтун этади. В. Шинкман тузган қуйидаги композиция пиёдаларнинг ҳолати, руҳ ва шоҳнинг аниқ, гўзал юришлари туфайли узоқ вақт ёддан кўтарилмайди:




1. o — o! Krc : a7 2. Ld8 Krc : a6 3. Ld7 Krc : a5 4. Ld6 Krc : a4 5. Ld5 Krc : a3 6. Ld4 Krc : a2 7. Ld3 Krc : a1 8. La3X.

Тўғри, бу композиция баъзиларга нотабий туюлиши ҳам мумкин. Лекин шахматда киши етти ухлаб тушида кўрмаган ҳолатлар рўй бериши бор гап. Чунончи, 1941 йили Стокгольмда ўтказилган турнирда бир эмас, икки ўйинда тўрт оқ пиёда бир қаторга терилиб қолган эди.



Боқи Бегамовнинг иш нуни.



Таъзирини еди...



Изоҳнинг ҳожати йўқ.

## ДОВДИРАГАН ОТА

Ҳажвия

**Х**ОЖАР опанинг ой-куни яқинлашган сари яна туғруқхонага боришини ўйлаб, юраги орқасига тортиб кетарди. Узининг безиллаб қолгани етмагандек эрининг илмоқдор гаплари, пичинглади унинг жонига тегарди. Уларнинг тўққизта қизлари бор. Маҳмуд ака ҳар гал хотинининг ўғил туғишини кутади, шуни илтимос қилиб хотинига ялиниб-ёлборади, гоҳо киши билмас пичинглар ташлайди...

Маҳмуд ака кўп йилдан бери газ идорасида экспедитор бўлиб ишлайди. Миясида эскилик сарқити ўрнашиб қолганми ёки табиатнинг қонун-қоидадини билмайдими, ўғил туғиб бергин, деб хотинига ҳам жаврайверади, туғруқхонадаги ҳамшираларга ҳам довдираганнамо гаплар қилаверади. Аслида оиласига ана шу қизалоқлар туфайли бахт кириб келаятганини ҳис этмайди.

...Кечга яқин Ҳоҷар опа безовта бўлиб юрди. Қўшиллардан кимдир «Тез ёрдам» чақирди. Маҳмуд ака «Тез ёрдамга» чиқиб, Ҳоҷар опанинг ёнида ўтириб олди, йўл-йўлакай хотинига яна бир-икки довдир гаплар айтди.

Туғруқхонага етиб бордилар. У хотинини палатага кузатаркан:

— Онаси, гапларим эсингда бўлсин, энди бу сафар юзимни ерга қаратма. Узингдан қолар гап йўқ,—

деди. Ҳоҷар опа ўз дарди билан овора бўлса ҳам, кулиб юборди.

Маҳмуд ака қўлини орқасига қилиб туғруқхона ҳовлисида у ёқдан-бу ёққа юрар, ўзича нималарнидир гапирар, гоҳо жиддийлашиб қўллари билан ғалати ҳаракатлар қилар, гоҳо кўзлари қисилиб, ишшайиб қўяр эди. Унинг бетоқатланаётганини кузатиб турган ҳамширанинг раҳми келди шекилли:

— Муллака, уйингизга бориб дам олаверинг. Янгам ҳали-вери...— деди.

Маҳмуд ака яна довдирашга тушди:

— Яхши қиз, менга раҳмингиз келмай қўяқолсин. Тонг отгунча бўлса ҳам кутаман. Хотиним ўғил туғаман, деб сўз берган.

Ҳамшира бу ғалати одамнинг сўзларини эшитиб ҳангу манг бўлиб қолди. «Ажабо, мен шунча йил ишлаб бунақа довдираган отани энди кўришим. Қизиқ, доялар заказ билан, илтимос билан туғдирар эканларми? Табиатнинг иши-ку бу. Тани-жони соғми ўзи бу одамнинг?» деб хаёлидан ўтказди ҳамшира.

— Муллака, иссингиз йўқми? Мен сизга тушунтиряпман-ку, эрталаб келиб хабар олинг, деб. Яна қанақа тушунтирай?

— Гапим битта. Пажалуйста, нервимни кўзғатманг. Сизга ўхшаган тўққизта қизим бор.

Уларнинг гапини эшитиб турган қоровул чол:

— Хотининг қиз туғса, ўзингдан

қур-да, нодон!— деб дунғиллао қўйди.

Ҳамшира қараса, бу одам ўзига етганча ўжарга ўхшайди, бурилиб ичкари кириб кетди.

...Эрта тонгда навбатчи врач Маҳмуд аканинг олдига кулимсираб чиқди.

— Қаҳрамон ота, суюнчини чўзаверинг, ўғил кўрдингиз.

— Ўғил!— деб бақириб юборди Маҳмуд ака ва ўрнидан туриб кетди.— Ростданми? У қаддини фоз тўтиб, доя врачнинг қўлини қаттиқ қисиб, бир-икки силтади-да:

— Раҳмат, миннатдорман. Менинг илтимосимни бажо келтириб, хотинимни ўғил туғдирибсиз, раҳмат!— деди.— Қани энди ҳамма доялар ҳам сизга ўхшаган бўлса? Бундан кейин хотинимга ўзингиз доялик қиласиз. Ўғлимнинг исмини албатта ўзингиз қўясиз, барака топинг!

Маҳмуд ака шу гапларни айтиб югурганича кўчага отилди. Врачлар ва ҳамширалар бир-бирларига қараб кулиб, бош силкиб қолишди...

Ҳоҷар опа туғруқхонадан чиқади-ган куни Маҳмуд ака кечаси билан мишжа қоқмади. Эрталабданоқ такси заказ қилиб, туғруқхона олдида тўхтатиб қўйди. Бироқ Ҳоҷар опа ҳа деганда чиқавермади. Тахминан соат иккиларда ҳамшира Маҳмуд акага қисқагина бир хат берди. Хат Ҳоҷар опадан экан. «Адаси, илтимос, сиз уйга кетаверинг, мени кутманг,— деб ёзган эди Ҳоҷар опа.— Мен энди ота-онамникига кетаман. Чунки ўнинчи фарзандимиз ҳам, гапнинг ростки, қиз туғилган. Шунинг учун сизни қайта кўрмасам, сўзларингизни эшитмасам, дейман. Чақалоқни ўзим бир амаллаб катта қиламан, ўстираман. Уйдаги қизларга ўзингиз қаранг, уларни ўкситмай ўстиринг. Хайр».

Хатни ўқиди-ю Маҳмуд ака бақадек қотиб қолди. Салдан кейин ўзига келиб, врачлару ҳамшираларга ялина бошлади.

— Хотинимга тушунтиринглар, барака топкурлар...

— Биз у кишига ҳеч нима деёлмаймиз,— деб елка қисиди врачлар билан ҳамширалар.

Шундан кейин Маҳмуд ака йиғлай-йиғлай хотинига хат ёзди. Ҳоҷар опага ялиниб-ёлборди. «Бундан кейин яна ўнта қиз туғсанг ҳам майли,



Расми Наримон ИБРОҲИМОВ чизган


бир оғиз гапирсам инсон эмасман», деди.

Ҳамширалар ноилож эр-хотин ўртасида музокара олиб бордилар. Эрининг кўп ялинишлари ва кўз ёшларидан кейин Ҳоҷар опа охири чақалоқни кўтариб чиқди. Маҳмуд ака чақалоқ билан чақалоқни хотинининг қўлидан олди-да, бағрига босди. Секин юзини очиб, ширингина ухлаётган чақалоққа қараб:

— Ҳамма гап ойдин бўлди, қизим. Исминг ўзинг билан туғилибди, Ойдинойсан,— деди.

Эр-хотин туғруқхона дарвозасидан чиқишди. Шофёр ҳали ҳам уларни кутиб турган эди. Бош врач, доя врачлар ва ҳамширалар лабларида кулгу билан бўлажак қаҳрамон ота ва қаҳрамон онани кузатиб қолишди.

Анвар САИДУМАРОВ



— Туғилган кунингга ажойиб совга олиб келдим, хотинжон!



— Кўриниши хом бўлса ҳам ичи пишган демадимми?



— Оғайнилар, боролмайман, биз томонда ёмғир ёғаяпти...



— Янги асар ҳақида бизга бир мақола ёзиб беринг.  
— Мақтов бўлсинми, танқид бўлсинми?




«МЕҲРИБОНЧИЛИК»

— ...Каллангиз ишлайдими, йўқми? Нега врач айтган дорини ичмадингиз?!

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

# ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН



## КРОССВОРД

**Энига:** 2. Соҳа. 7. Ичимлик. 8. Ўзбек мақомларидан бири. 9. Туркиядаги шаҳар. 10. Пайт номи. 11. Техника ўсимлиги. 13. Қадимги ҳинд адабий тили. 18. Кўчма қумтепа. 20. Катта эшик. 21. Таниқли ўймакор наққош. 22. Образли тафаккур шаклларида бири. 23. Ер ости иншооти. 24. Вилм даражасини белгилайдиган тушунча. 28. Электр зарра. 30. Сув йўли. 32. Атоқли татар шоири. 34. Теварак-атрофни кенг акс эттирган тасвирий санъат асари. 35. Тикув машинаси мосламаси. 36. Хушбўй модда. 37. Саюат тармоғи.

**Бўйига:** 1. Тўқимачилик хомашёси. 2. Қадимги тақинчоқлардан бири. 3. Электрмагнит тўлқинларини қабул қилувчи қурилма. 4. Озуқа ўсимлиги. 5. Тоғ қўйи. 6. Скандинавия ярим оролидаги шаҳар. 10. Илк ўзбек совет санъаткорларидан бири. 12. Рус сайёҳи ва географи. 14. Ўзбекистондаги кон. 15. Ўзбек совет ёзувчиси. 16. Маймун тури. 17. Бинокорлик материали. 18. Тантанали кун. 19. Ўрта Осиёдаги тоғ. 25. Европадаги ярим орол. 26. Ироқдаги дашт. 27. Машҳур уйғур шоири. 29. Пахта ҳосили нишонаси. 31. Инерт газлардан бирининг номи. 33. Музика жанри.

Тузувчи **Ф. ОРИПОВ**

### 7-сонда босилган КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

**Энига:** 1. Рўзиев. 3. Машшоқ. 6. Африка. 8. Оқибат. 12. Нишон. 14. Лампа. 15. Онега. 16. Баҳр. 18. Наср. 20. Хлороформ. 21. Ромб. 24. Асос. 28. Елқан. 31. Поезд. 32. Осмий. 33. Читтак. 34. Исфара. 35. Натрий. 36. Юклама.

**Бўйига:** 1. Руанда. 2. Заранг. 4. Шабнам. 5. Қатрон. 7. Кашта. 9. Қомус. 10. Анор. 11. Улан. 13. Тектоника. 17. Ҳалим. 19. Адрас. 22. Опера. 23. Беда. 24. Анод. 25. Олмос. 26. Барчин. 27. Апатит. 29. Айлана. 30. Кажава.

### МУҚОВАДА

Биринчи бет: 1. Ўлкамиз ўзининг қорли тоғлари, бепоён арчазорлари билан ҳам машҳур. 2. Чорвоқ денгизи — оромбахш маскан.

**А. ЗУЕВ ва Б. МИЗРОХИН** фотолари

Тўртинчи бет: Ўзбекистон халқ рассоми **Зокир Иноғомов**. Манзара.

Халқ ҳашарининг яна бир янги саҳифаси очилди: Болдир — Оқтош — Хўжайкон темир йўли шахобчаси қурилишида янгича мазмун билан бойланган қадимий анъана яратувчилик моҳиятини намоён этмоқда. 33 километрли масофада қурилаётган темир йўл тармоғи бутун республикани ош тузи билан таъминлаш имконига эга бўлган Хўжайкон туз конига элтади.

Мазкур туз кони азалдан маълум эди. Кон қидирувчилар ҳам Хўжайконнинг Иттифоқ миқёсида йирик туз конларидан бири эканини илмий-амалий жиҳатдан асослаб беришган эди. Лекин у ерга олиб борадиган йўлнинг ноқулайлиги, аҳоли пунктларидан йироқда эканлиги коннинг кўзини очиш ишларини пайсалга солиб келарди.

Сурхондарё область партия ва совет ташкилотлари тоғ этагида жойлашган туз кони истиқболларини атрофлича ва чуқур ўрганиб чиқди. Табиий бойликдан кенг фойдаланиш режалари Болдир станциясидан Хўжайкон туз конигача темир йўл шахобчаси қуришни тақозо этди. Бу масалага Ўзбекистон Компартиясининг ХХ съезди ҳам эътибор берди. Съезд ҳужжатларида мазкур туз карьеригача темир йўл тармоқлари қуриш мўлжалланаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Болдир — Оқтош — Хўжайкон темир йўли қурилиши халқ ҳашари йўли билан бошлаб юборилди. Ленин йўли, Гагарин, Термиз, Ангор, Жарқўрғон районларининг вакиллари чўл зонасидаги 10,5 километр оралиқдаги масофада 200 минг кубметрдан зиёд тупроқ ишларини бажардилар. Темир йўл тармоғининг тоғлик қисмидаги салкам 4 километрли масофа учун лойиҳалаш ишлари бевосита шу ернинг ўзида олиб борилмоқда.

Экскаватор, бульдозер, скреперларнинг қудратли наъраси меҳнат жўшқинлигидан далолат беради. Кишилар қалбидаги бунёдкорлик руҳи тугайли ҳар кун янги-янги марралар забт этилмоқда. Область партия комитети ва область ижроия комитети қурилиш қатнашчиларини рағбатлантириш мақсадида кўчма Қизил байроқ ва мукофотлар таъсис этган. Меҳнатнинг социалистик мусобақа асосида ташкил қилиниши, қурувчилар учун зарур шароитларнинг яратилганлиги ҳашарчилар меҳнатининг самарасини таъминлаётир.

Болдир — Оқтош — Хўжайкон темир йўли қурилиши тобора суръат касб этмоқда. Кўзланган марра албатта забт этилади!

Бош редактор **МИРМУҲСИН**

Редколлегия: **Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОҲОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Асқад МУХТОР, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.**

«Гулистан» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор **А. САИДУМАРОВ**

Корректор **Н. ЙУЛДОШЕВА**

Адресимиз: **700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.**


Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий; фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 21.6.1981 й. Босишга рухсат этилди 20.7.1981 й. Р — 07265. Қоғоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Вотиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 56. Нашр ҳисоб тобоғи 7.80. Тиражи 266870. Буюртма 1204. Нашр А — 115.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



Болдир — Оқтош — Хўжайкон темир йўли шохобчасининг бир қисми тоғлик жойдан ўтади. Йўл очишда қудратли техника инсонга хизмат қилмоқда.



Ер ишлари бўйича Қумқўрғон район биринчи механизмлашган кўчма колонна прораби Юсуф Тўрабоев скреперчи Мамаюсуф Мاستонбоевга навбатдаги топшириқни бераётир.

Туз кони илгорларидан экскаваторчи Абдукарим Ашуров, шоферлар Рўзибой Тангриев ва Эшмурод Уролов ўз меҳнатлари — самарасидан мамнундирлар.



Биринчи автотранспорт паркиннинг шоферлари Туроб Хўжамуродов, Жўрақул Холбоев, Худойқул Холматов [бригада бошлиғи], Хўсан Бўтаев, Аҳад Бадалов ўртоқларнинг ҳар бири сменада 480—500 кубметр тупроқ ишларини бажармоқда. Суратда: бригада аъзолари навбатдаги режаларни муҳокама қилаётирлар.

Темир йўл қурилиши иштирокчилари завқбахш меҳнатдан сўнг туз кони карьерининг бошлиғи Ёқуб Давлатбоев (ўртада) бошчилигида ҳордик чиқаришга йўл олмоқдалар. Ж. ТўРАЕВ фотолари



